

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**Кўлэзма ҳуқуқида УДК 347.962**

**НАЗАРОВ ФАРХОДЖОН АБДУВАХОБОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА  
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**5A240122 – Прокурорлик фаолияти**

**Магистр даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** Академия бошлиғининг  
биринчи ўринбосари Р.Б.Гафуров

**Тошкент – 2021**

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I БОБ. ПРОКУРАТУРА            ОРГАНЛАРИ            ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ..</b>	<b>9</b>
1.1. Давлат ҳокимияти органлари тизимида прокуратура органларининг ўрни ва аҳамияти .....	<b>9</b>
1.2. Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва назорат функциясининг моҳияти .....	<b>22</b>
1.3. Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари .....	<b>37</b>
<b>II БОБ. ПРОКУРАТУРА            ОРГАНЛАРИ            ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>50</b>
2.1. Прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид халқаро стандартлар ва хориж тажрибаси .....	<b>50</b>
2.2. Прокуратура органлари фаолиятидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	<b>66</b>
2.3. Прокуратура органларини стратегик ривожлантиришнинг истиқболлари .....	<b>90</b>
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>100</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>106</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	<b>119</b>

## КИРИШ

### Диссертация мавзусининг асосланганлиги ва долзарблиги.

Хуқуқий тартибот ҳар қандай давлатда иқтисодий фаровонлик ва сиёсий-хуқуқий барқарорликка эришишдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Айнан қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш орқали давлат ўз функцияларини самарали бажариб, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлайди ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлайди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2016 йил 7 декабрь куни Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган байрам табригида “**Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови**” эканлигини қайд этиб, қонунийликнинг нечоғлик муҳимлигини алоҳида таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

Табиийки, жамиятда ҳуқуқ-тартиботнинг ўрнатилиши ва амал қилишида прокуратура органларининг фаолияти долзарб аҳамият касб этади.

Статистик маълумотлар таҳлиliga кўра, прокуратура органлари томонидан сўнгги беш йил давомида **қонунчилик йўналишларида жами 112 607** та (2016 й. – 21 889, 2017 й. – 20 932, 2018 й. – 20 908, 2019 й. – 23 585, 2020 й. – 25 293) текширишлар ўтказилган.

Назорат тадбирларида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан **534 239** та (2016 й. – 130 133, 2017 й. – 118 200, 2018 й. – 86 747, 2019 й. – 89 293, 2020 й. – 109 866) **назорат ҳужжатлари** қўлланилиб, **733 439** нафар (2016 й. – 111 656, 2017 й. – 155 643, 2018 й. – 106 179, 2019 й. – 154 719, 2020 й. – 151 266) фуқароларнинг **поймол бўлган ҳуқуқлари тикланган**.

Бу даврда прокурорлар томонидан **158,2** млрд. сўмлик (2016 й. – 25,5 млрд., 2017 й. – 17 млрд., 2018 й. – 26,2 млрд., 2019 й. – 47,2 млрд., 2020 й. – 42,3 млрд.) етказилган моддий зарарнинг ундирилиши таъминланган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: [https://www.norma.uz/uz/muhim\\_voqealar/qonun\\_ustuvorligi\\_va\\_inson\\_manfaatlarini\\_taminlash\\_-yurt\\_taraqqiyoti\\_va\\_xalq\\_faravonligining\\_garovi](https://www.norma.uz/uz/muhim_voqealar/qonun_ustuvorligi_va_inson_manfaatlarini_taminlash_-yurt_taraqqiyoti_va_xalq_faravonligining_garovi). (мурожаат вақти: 24.04.2021 й.)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “П” шакл ҳисоботи.

Прокурорлик назорати ҳужжатларининг қўлланиш кўлами йилдан-йилга ортиб бораётганлиги **жамиятда қонунийликнинг қониқарсиз ҳолати билан бирга, айти вақтда прокурор назоратига бўлган эҳтиёжнинг ҳақиқий заруратини кўрсатмоқда.**

Шунингдек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражасига доир халқаро мезонлар кўрсаткичлари ҳам маълум маънода мамлакатимиздаги қонунийлик ҳолати ва прокурор назоратининг аҳволини намоён этади.

Жумладан, **“World Justice project”** халқаро ташкилотининг **“Ҳуқук устуворлиги”** индексида Ўзбекистон 2020 йил якуни бўйича **0.47 балл билан 128** та давлат ўртасида **92-ўринни** эгаллаган<sup>1</sup>.

Айниқса, **“давлат ҳокимиятининг чекланганлиги” (120-ўрин), “ҳукуматнинг очиқлиги” (120) ва “асосий ҳуқуқлар” (110)** мезонлари бўйича мамлакатимиз ўта қуйи поғоналарни банд этган.

Ёки, **“World bank”** ташкилотининг **“инсон камолоти”** индекси бўйича Ўзбекистон **106-ўринни (2016 йилда 105)** эгаллаган<sup>2</sup>, **“Transparency international”** ташкилотининг **“коррупцияни қабул қилиш”** индексида эса, **146-ўрин** билан Джибути, Папуа-Янги Гвинея, Ангола, Уганда, Марказий Африка Республикаси, Бангладеш, Ливан каби давлатлар қаторидан жой олган<sup>3</sup>.

Ушбу рейтинглар, бир томондан, прокуратура органларининг фаолиятини янада кучайтириш лозимлигидан далолат берса, бошқа томондан, унинг келгуси истиқболларини белгилашга таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, ҳуқуқий соҳадаги тизимли муаммоларга барҳам бериш ва қонун устуворлигини тўлақонли таъминлаш учун мамлакатимизда ҳуқуқий ислохотларнинг узоқ муддатга мўлжалланган концепциясини яратиш зарур.

Бироқ, афсуски, бундай концепциянинг мавжуд эмаслиги баъзан давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий майдонда кечмаслигига, давлат органларига юклатилган вазифаларнинг чалкаштириб юборилишига, Конституция ва қонунларни ўзбошимчалик билан турлича талқин қилинишига сабаб бўлмоқда.

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/country/2020/Uzbekistan> (мурожаат вақти: 24.04.2021 й.)

<sup>2</sup> [Электрон манба]. URL: <https://gtmarket.ru/ratings/human-development-index> (мурожаат вақти: 24.04.2021 й.)

<sup>3</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl> (мурожаат вақти: 24.04.2021 й.)

Бу борада, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилувчи орган – прокуратуранинг стратегик ривожлантириш истиқболлари ишлаб чиқилмаганлиги **ҳуқуқий давлатчиликни мустаҳкамлашдаги унинг ролини тўлақонли намоён этилишига тўсқинлик қилмоқда.**

Ваҳоланки, Ўзбекистонда бошқа кўплаб соҳаларда фаолиятни стратегик ривожлантириш масаласи концептуал муаммо сифатида аллақачон ўзининг амалий пойдеворига эга бўлиб улгурди.

Жумладан, ислоҳотларни тизимли давом эттириш, истиқболли мақсадларни белгилаш мақсадида мамлакатимизда **30 дан ортиқ** турли соҳа ва идораларни ривожлантириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқилди.

“2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”<sup>1</sup> асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли Фармони “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли Фармони билан “Илм - фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сонли Фармони билан “2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли Қарори билан “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари” ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланди.

Худди шундай, 2020 йил 22 июнда **“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси”**<sup>2</sup> қабул қилиниб, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлашнинг узоқ муддатга мўлжалланган энг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

“Буюк келажак” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан эса, **Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача стратегик ривожлантириш бўйича Концепцияси**<sup>3</sup> ишлаб чиқилди.

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: [https://strategy.uz/index.php?static=strategy\\_actions](https://strategy.uz/index.php?static=strategy_actions). (мурожаат вақти: 20.03.2021 й.)

<sup>2</sup> [Электрон манба]. URL: [https://nrm.uz/contentf?doc=627204\\_&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=627204_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

<sup>3</sup> [Электрон манба]. URL: Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача стратегик ривожлантириш бўйича Концепцияси. (мурожаат вақти: 20.03.2021 й.)

Бундан ташқари, **Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси**<sup>1</sup> лойиҳаси тақдим этилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, замонавий воқелик прокуратура фаолиятини такомиллаштириш, хусусан, унинг истиқболдаги мақсад, вазифа ва тараққиёт йўналишларини аниқ белгилаб олган ҳолда янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни қатъий талаб этмоқда.

### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Ўзбекистонда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳуқуқшунос олимлар Ф.А.Абдумажидов, Э.М.Абзалов, Х.Б.Бобоев, А.Ж.Давлетов, З.С.Ибрагимов, З.М.Исломов, О.М.Мадалиев, М.Махбубов, О.Р.Оқилов, Б.Х.Пўлатов, М.А.Раджабова, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Рустамбаев, А.Х.Саидов, О.Т.Хусанов ва бошқалар илмий тадқиқотлар ўтказишган<sup>2</sup>.

Бу борада чет эллик олимлар И.А.Антонов, А.Б.Ахметова, И.Ж.Бахтыбаев, В.Бессарабов, А.Ю.Винокуров, В.В.Долежан, О.С.Капинус, С.Г.Кехлеров, В.М.Точилковский, Gordon, Jerg Gutmann, Sanford, Staelens J, Stefan Voigt ва бошқалар ҳам прокуратура органларини ривожлантириш бўйича самарали изланишлар олиб боришган<sup>3</sup>.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини стратегик ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш ҳамда асослантирилган амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг давлат бошқарувидаги ўрни ва аҳамиятини таҳлилий ўрганиш;
- прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва назорат функциясининг моҳиятини тизимли таҳлил асосида тадқиқ қилиш;

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/03/26/korrupsiyaga-qarshi-kurashish-boyicha-milliy-strategiya-loyihasi-ilmiy-va-akademik-doira-vakillari-muhokamasida>. (мурожаат вақти: 14.05.2021 й.)

<sup>2</sup> Мазкур асарлар рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

<sup>3</sup> Мазкур асарлар рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

– прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид халқаро стандартлар ва хорижий тажрибани қиёсий таҳлил асосида ўрганиш;

– прокуратура органлари фаолиятидаги мавжуд тизимли муаммоларни ўрганиш;

– прокуратура органлари фаолиятидаги муаммоларнинг ҳал этиш йўллари ва стратегик ривожлантиришнинг истиқболлари бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий изланишни амалга оширишда умумлаштириш, тарихийлик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, аниқлаштириш, сўровнома ўтказиш, статистик ва амалиёт материалларини ўрганиш каби илмий усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини стратегик ривожлантириш истиқболлари сифатида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш, қонунда назарда тутилмаган хос бўлмаган вазифаларга барҳам бериш, прокурор мустақиллигини реал таъминлаш кафолатларини яратиш, жиноятчиликка қарши курашишда, шу жумладан коррупциянинг олдини олишда прокуратуранинг назорат ва мувофиқлаштирувчи ролини янада кучайтириш, инсон ҳуқуқларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишдаги аҳамиятини ошириш, судларда прокурор ваколатларини таъминлашга оид фаолиятни сифат жиҳатдан яхшилаш, прокуратурада ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлашнинг аниқ тизимини шакллантириш, стратегик режалаштириш амалиётини жорий этиш, прокурорларнинг фаолиятни баҳолаш мезонларини қайта ишлаб чиқиш, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш таклифлари илгари сурилган;

– илғор хорижий мамлакатлар прокуратура органлари фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида прокуратура бошқарувида коллегиял органлар ролини кучайтириш, прокурорларнинг мустақиллиги, шаффофлиги, холислиги ва малакасига оид стандартларни жорий этиш ҳамда прокуратура фаолияти устидан назорат механизмларини ривожлантириш бўйича хулосалар таклиф этилган;

– тадқиқот натижасида прокуратура органлари фаолиятини **стратегик ривожлантиришнинг концепцияси лойиҳаси** ишлаб чиқилган;

– прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг **“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига** прокуратуранинг вазифаларини аниқ белгилаш, прокурорлар кенгашини ташкил этиш, прокурорларнинг мустақиллиги кафолатларини ўрнатиш, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси ва Жиноят кодексига прокурор талабларини бажармаганлик, унга босим ўтказганлик учун жавобгарликни кучайтириш каби **ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар** тайёрланган.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини стратегик ривожлантириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** прокуратура органлари фаолиятини стратегик ривожлантиришнинг муаммоларига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, халқаро стандартлар ва хориж тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, унда билдирилган таклиф ва тавсиялардан прокуратура органларининг келгусидаги фаолиятини стратегик режалаштириш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

Шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Прокурор назорати”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” ва бошқа махсус модуллардан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказишда, ушбу фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва ўқув дастурларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.



Шундан келиб чиққан ҳолда, диссертация прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи бугунги кун талабига жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга, асосий қонун ҳужжатларини янги таҳрирда қабул қилишга, ушбу соҳада фаолият олиб борувчи мутахассисларга қўлланма сифатида фойдаланишга хизмат қилади.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, **6** та параграфни қамраб олган **2** та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми **105** бетни ташкил этади.

## **I БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **1.1. Давлат ҳокимияти органлари тизимида прокуратура органларининг ўрни ва аҳамияти**

Ҳар бир жамият ўз миллий давлатчилигини барпо этар экан, энг аввало, бугунги кун ҳамда келажаги учун асосий стратегик устувор мақсадларни белгилаб олади ва унинг ҳуқуқий асосини яратади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда, демократия ва ижтимоий адолатга асосланган **инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат** барпо этишни **бош мақсад** қилиб олди.

Ушбу мақсад 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Асосий қонун – Конституциямизда ўз ифодасини топди. Чунончи, Конституцияга мувофиқ, **халқ ҳокимиятчилиги** эътироф этилди ҳамда **Конституция ва қонуннинг устунлиги** сўзсиз тан олинishi белгиланди<sup>1</sup>.

Жумладан, давлат ўз фаолиятини **инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида** амалга ошириши лозимлиги ҳамда давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (15-модда) / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.

жамоат бирлашмалари, фуқаролар **Конституция ва қонунларга мувофик** иш кўришлари шартлиги мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — **қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши** принципига асосланиши қайд этилди<sup>1</sup>.

**Шу ўринда, давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида прокуратура қандай ўрин тутади ва прокурор назоратининг аҳамияти нималардан иборат бўлади деган саволлар туғилиши табиийдир.**

Маълумки, XVIII аср ўрталарида **Шарль Луи Монтескье** ва бошқа мутафаккирларнинг таълимотига асосланган ва кейинчалик Европада юзага келган парламент республикаларининг давлат қурилишида мужассамлашган классик схема асосида ҳокимиятлар бўлиниши бугунги кун давлатларидаги тегишли органларнинг функциялари ва ўзаро муносабатлари ҳамда алоқадорлигини ҳуқуқий-сиёсий жиҳатдан белгиланишига замин яратиб берди<sup>2</sup>.

Шу асосда, парламент – қонун чиқарувчи ҳокимиятни ифода этса, ҳукумат – қонунлар ижроси ва давлат ҳокимиятини таъминлайди, суд – низоларни ҳуқуқий ҳал қилиш ва қонунни қўллашни амалга оширади, прокуратура – қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни таъминлайди.

Бинобарин, давлат институтлари тизимида прокуратура органлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Прокуратура тарихи ҳамда хориж ва мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизимига кўра, прокуратура қонун ижросини назоратни амалга оширувчи, жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилувчи, судда иштирок этувчи ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияларини бажарувчи махсус ваколатли органдир<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (11-модда) / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.

<sup>2</sup> Қаранг: Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. – М., 1955. – 290- бет. Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент. “Адолат”, 2018. – 125-бет.

<sup>3</sup> Чуршов Б., Гуъцин В. 3. Правозащитные функции прокуратуры в постсоциалистическом государстве // Государство и право. -1998. -№ 5; Чуршов А. В. Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод граждан // Законность. -1997. -№ 8.

Этимологик жиҳатдан “**прокуратура**” ибораси лотинча “**procurare**” сўзидан олинган бўлиб, “**ғамхўрлик қилмоқ**” деган маънони англатади<sup>1</sup>.

Ушбу институт Европада қонунийликни кузатувчи ҳамда жиноят учун таъқиб этувчи махсус тузилма сифатида XIII-XIV асрларда шаклланган.

Жумладан, прокуратура илк марта **1302** йилда Францияда айнан қиролнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида ташкил этилган. Қирол прокурор ёрдамида бутун давлат механизмининг самарали ишлашини бошқариб турган<sup>2,3</sup>.

Прокуратура институти кейинчалик бошқа мамлакатлар (*Австрия, Германия*)да тарқала бошлаган ва XIX аср бошига келиб Европада қонунийликни кузатиш прокуратурани ташкил қилишнинг ҳукмрон шаклига айланган<sup>4</sup>.

Роман-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатларда ушбу институт кўпинча “**оммавий вазирлик**” (*Ministerio Publico, Ministere public*) ёки “**фискалия**”, Германияда “**давлат вакилининг хизмати**” (*Staatsanwaltschaft*), Чехияда “**давлат ҳимоячиси**” деб номланади. АҚШда прокуратура вазифасини бажарувчи институт “**атторнейлик хизмати**” деб аталади<sup>5</sup>.

Россияда прокуратура 1722 йилда ташкил топган. Ўша вақтда прокуратура давлатни ҳамда барча фуқароларни кўриқлаши кераклиги белгиланган<sup>6</sup>.

Шу ўринда, тарихда мусулмон мамлакатларида романо-герман ва англо-саксон ҳуқуқ тизимларидаги “прокуратура” институтидан анчайин қадимий бўлган, қонунийлик аҳволини назорат қилувчи махсус давлат тузилмалари фаолият юритганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Масалан, мусулмон ҳуқуқида қонунлар ижроси устидан назорат институти аввал бошидан мавжуд бўлган ва бу “**муҳтасиб**” (*ёки “ҳисба”*) тузилмаси шариат нормаларини ижросини назорат қилиш билан бирга жинойий таъқибни ҳам амалга оширган. “**Қозилик**” институти эса одил судловни амалга ошириб келган.

<sup>1</sup> Modern legal encyclopedia. 1994; Бельсон Я.М. Суд, прокуратура и тюрьма в современном буржуазном государстве. - М., 1972.

<sup>2</sup> Мельников Н.В. Прокурорская власть и личность: правовые средства обеспечения конституционных прав и свобод граждан России. — *Urist*, 2003. — 394 с.

<sup>3</sup> Қаранг: Гартунг Н. История уголовного судопроизводства и судоустройства Франции, Англии, Германии и России. — Рипол Классик, 2013. — 207 с.

<sup>4</sup> Қаранг: Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили) - Т.: “Ношир” 2011. - 22-бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Давид Р. Основные правовые системы современности. — М., 1967. - Стр. 67

<sup>6</sup> Қаранг: Прокуратура Санкт-Петербурга. - СПб., 1987. - С. 6

Ислом тарихига кўра, “мухтасиб” институти VII асрда халифа Умар (р.а.) томонидан шикоятларни кўриб чиқиш ва низоларни ҳал қилиш учун ташкил этилган<sup>1</sup> ва аббосий халифа Маҳди (755-785) ҳукмронлиги даврида янада кенг ваколатларга эга бўлган<sup>2</sup>.

**Мухтасиб** (араб. - назорат қилувчи) – ўрта аср мусулмон давлатларида ислом маросимлари, урф-одатлари ва шариат қонунларининг бажарилиши, одамларнинг жамоат жойларида юриш-туриши устидан назорат қилувчи амалдор бўлиб, шариат тизимига хос мансабдор шахслар тоифасига кирган.

Ўрта Осиёда улар раис деб аталган. Мухтасибни одатда давлат бошлиғи тайинлаган, аммо у маъмурий жиҳатдан қозидан пастроқ лавозим ҳисобланган<sup>3</sup>.

Кўпгина мусулмон мамлакатларида мухтасиблар тўлиқ қозининг бўйсунувида бўлган ва қози уларни ўз танлови асосида тайинлаган. Кейинроқ, халифалик ўрнига султонлик пайдо бўлганидан кейин мухтасиб лавозими ҳукмдор бошқаруви остига ўтган. Натижада, улар давлат бошлиғи томонидан тайинланадиган мансабдор шахсга айланган ва ижро ҳокимиятига бўйсундирилган<sup>4</sup>.

Мухтасиблар апелляция инстанцияси ҳисобланган “Қози ул – қуззот” (*олий судья*) билан параллел равишда фаолият кўрсатишган. Улар ўртасидаги асосий фарқ шунда эдики, мухтасиб, дарҳол қарор қабул қилишни талаб этадиган майда ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишни истисно қилмаганда, ишни тўлиқ ҳал этиш ваколатига эга бўлмаган<sup>5</sup>.

Бухоро шаҳрида 1920 йилга қадар “мухтасиб” институти ўрта асрлардаги шаклида сақланиб қолган. Манбаларда қайд этилишича, қонунийликнинг таъминланиши натижаси ўларок, бу ерда бўлган чет элликлар намоз вақтида расталар 20-25 дақиқа очик қолдирилса-да, ҳеч нарса йўқолмаслигидан ҳайратланишган<sup>6,7</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Дин Готтер. Омбудсман ҳамда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, №1. 1999. –Б.27-28.

<sup>2</sup> Қаранг: Раджабов К., Кандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. Ташкент, 2015. – С.102.

<sup>3</sup> Қаранг: Семенов А. А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей в средневековой Бухаре. М.,1948. С. 140

<sup>4</sup> Қаранг: Бухарский мухтасиб в начале XX века. [Электрон манба]. URL: [googleweblight.com](http://googleweblight.com).

<sup>5</sup> Қаранг: Абу Юсуф Йакуб Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (мусульманское налогообложение). СПб., 2001. – С.29.

<sup>6</sup> Қаранг: Ислам. Энциклопедический словарь. – С.183.

<sup>7</sup> Қаранг: Бухарское ханство в фотоколлекциях. [Электрон манба]. URL: [www.kunstkamera.ru](http://www.kunstkamera.ru).

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг ушбу ҳудудда Чор империяси қонунлари амал қила бошлаган ва прокуратура суд-ҳуқуқ тизимида фаолият юритиб келган.

Большевиклар тўнтаришидан кейин, 1922 йил 9 майда<sup>1</sup> Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан 1922 йил 3 июнда қонуний кучга кирган Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ҳақидаги Низом тасдиқланган<sup>2</sup>. 1922 йилнинг июнь ойида Туркистон АССРда прокуратура марказ ва ҳудудларда ташкил этилган<sup>3</sup>.

Собиқ иттифоқ тузуми ҳукм сурган даврда прокуратура коммунистик партия ҳокимиятининг таянчларидан бири сифатида ҳукмрон ғоя – коммунистик мафқурани ҳимоя қилган ва социалистик қонунчиликнинг ижроси устидан назоратни амалга оширган.

Прокуратуранинг тарихи шуни кўрсатмоқдаки, у қандай ном билан аталмасин, қонунлар ижросини назорат қилувчи институт сифатида давлат бошқарувини амалга оширишда ҳамма вақт муҳим аҳамият касб этиб келган.

Энди, юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, прокуратуранинг давлатимизнинг яхлит тизимида тутган ўрни ҳақида фикр юритсак.

**Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси давлат номидан Конституцияга риоя этилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб борувчи давлатнинг кўп функцияли органи ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизимида прокуратура органларининг тутган ўрни ва аҳамиятини белгилашга оид бир неча асосий йўналишлар мавжуд.

**Биринчидан,** прокуратура давлат назорати органидир. Қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати ўзига хос фаолият ҳисобланади. Прокуратуранинг мавжудлиги бу – қонунчилик эҳтиёжидир.

<sup>1</sup> “Известия ТуркЦИК” от 1992 года 3 июня.

<sup>2</sup> ЦГА Республики Узбекистан Ф.25.оп.1.Д.19-а.Л.161.

<sup>3</sup> Қаранг: Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларини ташкил этилиши ва ривожланиши. Юр.фанлар докторлиги учун ёзилган диссертация автореферати.-Тошкент, 1993 йил. 16-бет.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конституция ва қонунларга риоя этилиши устидан назорат бу мустақил фаолият бўлиб, фақатгина прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

Мазкур фаолиятни прокуратура органларидан ташқари, бошқа ҳеч қандай давлат ва нодавлат органлари, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уюшмалар, мансабдор шахслар ва бошқалар бажариши мумкин эмас.

Прокуратура назорати давлат ҳокимиятининг бирон-бир тармоғи (*суд, қонун чиқарувчи, ижро этувчи*)га мансуб эмас, шу билан бирга, уларнинг айрим хос белгиларига ҳам эга.

**Иккинчидан**, прокуратура давлат институтлари тизимида алоҳида ўрин тутади. У Конституцияда назарда тутилган ҳокимият тармоқлари билан функционал муносабатларга эга. Прокуратура назорати уларнинг бирортаси билан тўлиқ боғлиқ бўлмай, уларни мувозанатлаштириб, оптимал ишлашини таъминлайди.

Мисол учун, прокуратура Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Президенти олдида ҳисобдордир. Қуйи турувчи прокурорлар халқ депутатлари тегишли кенгашларига ҳисобот беради. Айти пайтда, прокуратура депутатларга нисбатан жиноий таъқибни амалга ошириш ваколатига эга ва ҳоказо.

**Учинчидан**, прокуратура ва бошқа назорат органлари нафақат бир-бири билан ҳамкорлик қилибгина қолмай, балки ўзаро ўзбошимчаликлардан тийилишига мажбур қиладиган зарур воситалар мажмуига эга бўлган иккита мустақил тизим – назорат ва мувозанат тизимини ифодалайди.

Бугунги кунда жами **60** дан ортиқ назорат-текширув органлари мавжуд бўлиб, прокуратура органлари томонидан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида **30** дан ортиқ қўшма тартиблар имзоланган.

**Тўртинчидан**, прокуратуранинг қонун чиқарувчи ҳокимият органлари билан ўзаро алоқадорлиги шундан иборатки, унинг асосий вазифаси – қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш – бутун қонун чиқарувчи тизим барқарорлигининг кафолати ҳисобланади.

Шунингдек, прокуратура ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши қонун ижодкорлигидир.

Ўз имкониятларига кўра прокуратура қонунийлик ҳолати ва тизимли муаммолар ҳақида бошқа ҳар қандай давлат органидан яхшироқ хабардор бўлади. Шу боис, прокуратуранинг қонун ижодкорлиги фаолияти қонун чиқарувчи учун доимо самара келтиради.

**Бешинчидан**, прокуратура нафақат назорат органи, балки жиноят процессининг фаол иштирокчиси ҳамдир. Дастлабки терговни олиб бориш, тергов ва суриштирув органлари устидан назорат, судда давлат айбловини қувватлаш, суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан юқори инстанция судларига протест келтириш шулар жумласига киради.

Прокуратуранинг биргина, мамлакат тараққиётига асосий тахдидлардан бири – **коррупцияга қарши курашиш** борасида фаолиятига назар ташласак, 2019-2020 йилларда жами **2 142 (994 / 1148)** та жиноят иши бўйича **3 062** нафар (*1339 / 1723*) амалдорлар мансабдорлик жиноятини содир этганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилган<sup>1</sup>.

Терговда улар томонидан жами **2 трлн. 354 млрд.** (*1 трлн. 853,9 млрд. / 500,1 млрд.*) сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланиб, **2 трлн. 102 млрд.** (*1 трлн. 746,3 млрд. / 355,7 млрд.*) сўми ёки **94 фоизини** амалда ундирилган<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашишдаги таъсирчан ролини бошқа ҳеч қайси орган бажара олмайди.

Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида назорат ва мувофиқлаштиришда ифодаланадиган қоришиқ функция прокурор фаолиятини ўзига хослигини намоён қилувчи асосий хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Прокуратура ўз ваколатлари ва вазифалари доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ушбу функция прокурор назорати тармоқларининг ўзаро бирдамлигини, шунингдек, жиноятчиликка қарши янада самарали курашиш учун давлат

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: <https://prokuratura.uz/> - /korruptsiyagaqarshi. (мурожаат вақти: 02.04.2021 й.)

<sup>2</sup> [Электрон манба]. URL: <https://prokuratura.uz/> - /korruptsiyagaqarshi. (мурожаат вақти: 02.04.2021 й.)

ҳокимиятининг бошқа органлари, нодавлат ташкилотлари билан муттасил ҳамкорлик қилишини назарда тутди.

Бу вазифа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига раҳбарлик қилишни англамайди, чунки уларнинг барчаси қонунга асосан ва ўзларига берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Мувофиқлаштириш уларнинг фаолиятини ягона ёндашув асосида амалга оширишга йўналтиришни англади.

**Жиноятчиликка қарши курашиш борасида** прокурорлар томонидан охириги уч йил ва жорий йилнинг 5 ойида **1 836** та мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишлари ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

**Олтинчидан**, прокуратура бошқа давлат органлари томонидан **фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига** риоя этилишини кафолатловчи давлатнинг самарали механизми сифатида намоён бўлади.

Жумладан, прокуратура органлари томонидан 2016-2020 йилларда ўтказилган назорат тадбирларида **679 463** нафар **фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган**.

Бу даврда уларнинг мурожаатлари асосида ўтказилган текширишларда аниқланган **қонун бузилишларини бартараф** этиш юзасидан **33 764** та назорат ҳужжатлари қўлланилган.

Прокуратуранинг давлат механизмида тутган ўрнига тааллуқли энг мунозарали мавзулардан бири – **унинг ҳокимиятлар тақсимланиши тизимидаги ўрни ҳақидаги масаладир**.

Бу борада илмий адабиётларда ҳар хил ёндашувлар илгари сурилган. Гарчи, ушбу масаладаги фикрлар ҳар доим ҳам аниқ ва бир хил бўлмаса-да, бироқ, уларнинг умумий хусусиятлари мавжуд.

Жумладан, **олимларнинг бир гуруҳи** прокуратурани ижро ҳокимиятига мансублигини кўрсатишади.

Масалан, **рус ҳуқуқшунос олими Н.Федоров** *прокуратурани ташкилий жиҳатдан ижро этувчи ҳокимият таркибига киритишни таклиф* қилади.



*Бунда, у чет эл мамлакатларининг аксариятида прокуратура ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари таркибига киришини далил қилиб келтиради<sup>1</sup>.*

*Шу каби, яна бир гуруҳ олимлар ва амалиётчилар прокурор ваколатлари маъмурий ва императив хусусиятга эга эканлиги сабабли уни ижро этувчи ҳокимият сифатида таъкидлашади<sup>2</sup>.*

*Олимларнинг иккинчи гуруҳи эса, прокуратура мамлакат ҳудудида қонунларнинг бажарилишини, шунингдек, қўйи ҳуқуқий ҳужжатларни қонунга мувофиқлигини текширганлиги учун ҳанузгача прокуратура ҳокимият **қонун чиқарувчи тармогининг ўзига хос “қўшимчаси”** деб ҳисоблашади.*

*Ушбу фикр тарафдорлари қўйидаги мантиққа таянадилар: қонун чиқарувчи ҳокимият қонунлар чиқаради ва прокуратура уларнинг бутун мамлакат бўйлаб ижросини назорат қилади.*

*Уларнинг фикрига кўра, прокуратура қонун чиқарувчи ҳокимият механизмларидан биридир<sup>3</sup>, прокурор назорати эса ҳокимиятнинг махсус туридир, у ваколатларни бевосита қонун чиқарувчидан олиши, уларни шакллантириши ва фақат унинг олдида ҳисобдор бўлиши керак<sup>4</sup>.*

*Масалан, рус олимларидан бири **В.Ломовский** прокуратура қонун чиқарувчи ҳокимият остида бўлиши керак, деб ҳисоблайди, чунки, бир томондан, қонунлар қабул қилинганидан кейин олий қонун чиқарувчи ҳокимият уларнинг бажарилишига бефарқ қараб туролмайди. Шунинг учун, у қонунийликнинг бирлигини таъминлаш функциясини сақлаб қолади, уни бевосита, шунингдек, прокуратура органлари орқали амалга оширади.*

*Бошқа томондан, прокуратура, ушбу муаллиф ёзганидек, ўзига юклатилган вазифаларни бажаришида давлатда “ёлғиз” бўлолмайди, уни қўллаб-қувватлаш керак, чунки у кўпинча “энг кучли одамларга” қаршилик кўрсатиши керак, шу боис, прокуратура қонун чиқарувчи ҳокимият остида бўлиши керак<sup>5</sup>.*

<sup>1</sup> Федоров Н.В. О судебной реформе в России // Государство и право. 1992. №6.

<sup>2</sup> Каранг: Бессарабов В.Г Место прокуратуры в государственном механизме современной России. // Законность. - 1999. - № 10. - С. 40-45.

<sup>3</sup> Каранг: Кореневский Ю.В. Становление правового государства в Российской Федерации и функции прокуратуры. Круглый стол / Ю.В. Кореневский // Государство и право. - 1994. - № 5. - С. 3-34.

<sup>4</sup> Каранг: Виноградов О.А. Прокуратура в системе органов государственной власти // Законность. - 1997. - № 4. - С. 47-49.

<sup>5</sup> Каранг: Ломовский В.Д. Какой власти принадлежит прокуратура.//Российская юстиция.- 2001. - № 9. - С. 21-22.

**Фикримизча, юқоридаги ҳар иккала гуруҳ олимлари Россия ҳуқуқ тизими ва амалиётдан келиб чиққан ҳолда илмий қараишларини баён қилишган бўлиб, бу қараишлар миллий ҳуқуқ тизимимизга унчалик ҳам мос келмайди.**

**Чунки, биринчи гуруҳ олимлари прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат билан боғлиқ фаолиятига унчалик эътибор қаратишмаган бўлсалар, иккинчи гуруҳ олимлар, аксинча, ушбу фаолиятга кўпроқ ёндашишиб, прокуратуранинг жиноий таъқибни амалга ошириш, одил судловга кўмаклашиш каби вазифаларига тўхталишмаган.**

**Шу ўринда, учинчи бир қараш тарафдори В.Н.Ерёминанинг таъкидлашича, “замонавий прокуратура ҳокимиятнинг ҳеч қайси тармоғига кирмайди, у ҳокимиятлар бўлинишининг шаклланаётган тизимида зарурий механизмни ифодалайди ҳамда тийиб туриш ва мувозанат тизимининг муҳим элементи ҳисобланади. Прокуратуранинг мустақиллиги – унинг қонунлар ижроси устидан назорат қилиш соҳасида муваффақиятли ишлаши учун зарур шароитдир”<sup>1</sup>.**

**Профессор А.Д.Бойков ҳам, прокуратура давлатнинг қонунийликни назорат қилувчи органи бўлиб, унинг фаолиятини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига нисбатан тенг равишда олиб боради, деб ҳисоблайди<sup>2</sup>.**

**Худди шундай, бу борада тадқиқотлар ўтказган ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар З.Исломов, М.Раджабова, Ғ.Алимов, И.Жасимовлар ҳам прокуратурани давлат ҳокимиятининг ҳеч қайси тармоғига кирмаслигини кайд этишган.**

**Мисол учун, профессор З.Исломов прокуратура ўз функциялари мазмунига кўра қонун чиқарувчи ёки ижро ҳокимиятига мансуб бўла олмаслигини таъкидлаган<sup>3</sup>.**

<sup>1</sup> Қаранг: Якупов, З. Р. Роль прокуратуры в механизме государственной власти современной России. // Право: современные тенденции : материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Краснодар, февраль 2017 г.). — Краснодар : Новация, 2017. — С. 95-98. — [[Электрон манба]. URL: <https://moluch.ru/conf/law/archive/225/11641/>.

<sup>2</sup> **Бойков А. Д.** Третья власть в России. Очерки о правосудии, законности и судебной реформе 1990–1996 гг. М., 1997.

<sup>3</sup> **Исламов З.М.** К какой власти отнести прокуратуру? - Народное слово, 3 июля 2003 года.

Шу каби, **М.Раджабованинг фикрига** кўра, *прокуратура юқоридаги иккита ҳокимиятдан фарқли равишда қонунларнинг аниқ ва бир хилда қўлланишини назорат қилувчи давлат ҳокимият органи ҳисобланади*<sup>1</sup>.

Ёки, **Ғ.Алимов** Ўзбекистон Конституцияси нормаларини таҳлил қилиб, *“прокуратура Конституцияда мустақамланган давлат ҳокимияти тармоқларининг биронтасига кирмайди”*<sup>2</sup> деган хулосага келган.

Худди шундай, амалиётчи ҳуқуқшунос **И.Жасимов** Ўзбекистон прокуратураси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг биронтасига кирмайдиган, функционал жиҳатдан мустақил бўлган давлат-ҳуқуқий институти эканлиги ҳақидаги мулоҳазани илгари сурган<sup>3</sup>.

**Фикримизча**, ушбу олимларнинг прокуратуранинг ҳеч қайси ҳокимиятга мансуб бўлмаган ўзига хос, мустақил, ҳокимиятлар орасидаги оқилона мувозанатни таъминлайдиган институт эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларини ҳуқуқий жиҳатдан ва прокуратуранинг тарихий шаклланиши моҳиятига кўра тўғри деб ҳисоблаш мумкин.

Шу ўринда, ҳозирда прокуратуранинг “сектор” билан боғлиқ функциялари тобора кенгайиб, аста-секинлик билан уни ижро ҳокимиятига бўйсундириши жараёни кечаётганлигини ҳисобга олсак, прокуратуранинг ижро ҳокимиятидан мутлақо мустақил эканлиги ҳақидаги таъриф бугунги кунда ҳақиқий вазиятга унчалик мос келмай қолаётганлигини ҳам қайд этиб ўтмоқчимиз.

**Шундай бўлса-да**, прокуратура ўз вазифалари мажмуи ва моҳиятига кўра давлат ҳокимиятининг муҳим унсури ҳисобланади, у ҳокимият ҳар бир тармоғи ўз ваколатларини қонун доирасида бажаришига имконият яратади, айни вақтда, қонунийликнинг бирлигини таъминлаш асосида уларнинг ўзаро алоқасига кўмаклашади.

**Фикримизча**, “de jure” жиҳатдан ҳам, прокуратуранинг моҳиятига кўра ҳам уни давлат ҳокимиятининг биронта ҳам тармоғи таркибига киритиш тўғри

<sup>1</sup> Қаранг: Раджабова М.А. Ҳуқуқий давлатчилик сари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000. - 22-24-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Алимов Ғ. Правовой статус и деятельность органов государственной власти в Республики Узбекистан. – Т., 2004 – С.40.

<sup>3</sup> Қаранг: Жасимов И.К. Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги прокуратуранинг бугунги кундаги ўрни. – Т., 2004.-С. 74.

бўлмайди. Шу билан бирга, уни алоҳида “тўртинчи ҳокимият” сифатида талқин қилиш ҳам нотўғри. Чунки, у умуммажбурий бошқарув функциясига эга эмас.

Прокуратура фақат ўз функцияларини лозим даражада бажариши учун қонунга биноан берилган ҳокимият ваколатлари ва имкониятларга эгадир.

Бу борада, ҳуқуқшунос олим З.Ибрагимов *прокуратуранинг қайси ҳокимият тармоғига мансублиги ёки алоҳида ҳокимият эканлигини **ҳуқуқий норма орқали** белгилашни* таклиф этган.

У мазкур таклифига асос сифатида шуни таъкидлайдики, *ҳокимият бўлиниши таълимоти (тамойили) нуқтаи назаридан мамлакатимиз давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли аниқ белгиланмаганлиги Ўзбекистондаги сиёсий-ҳуқуқий ривожланиш даражасини, унинг тарихи, маданияти ва анъаналарини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш мақсадига қаратилган тегишли “ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш тизими”ни инобатга олган ҳолда прокуратурани ривожлантиришга доир изчил концепцияни яратиш, шунингдек, прокуратурани ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан муносабатини тўлиқ аниқлаш имконини бермайди<sup>1</sup>.*

Профессор **М.Рустамбаев** ва доцент **Е.Никифорова** бу масалага бошқа томондан ёндашиб, *давлатимизнинг ҳуқуқий тизими (барча бошқа давлатлардагидек) кўплаб ички алоқалар орқали бир-бири билан узвий боғланган, нормал фаолият кўрсатиши ўн йиллар ва ундан ҳам зиёд муддатда аста-секинлик билан юзага келган мураккаб механизмдан иборатдир.*

*Ушбу механизмнинг қайсидир бир қисмини ўйламасдан ва шошма-шошарлик билан ўзгартириш мамлакатнинг бутун ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини издан чиқариши мумкин, деган фикрни илгари сурадилар<sup>2</sup>.*

Бу масалада, *“ҳуқуқий давлатга икки кичик тизимни ўз ичига оладиган ҳокимиятнинг нормал фаолиятини кафолатлаш тизими хосдир, - деб ёзади В.В.Клочков. - Биринчи кичик тизим шундай бир тартибни кафолатлайдики, унда*

<sup>1</sup> Қаранг: Ибрагимов, З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили).– Т.: “Ношир” 2011. - 34-бет.

<sup>2</sup> Рустамбаев М., Никифорова Е. Прокуратура в правовом государстве // Правда Востока, 2002 йил 19 ноябрь.

қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятлари ҳар бири ўз ваколатлари доирасида, фақат ўзигагина хос бўлган воситалар ва усуллар билан иш кўради, бошқа ҳокимиятларнинг вазифаларини бажармайди, уларнинг ваколатларини ўзлаштиришига, бутун давлат ҳокимиятини узурпация қилиш ҳаракат қилмайди.

*Одатда кафолатларнинг мазкур кичик тизими ўзаро мувозанат ва чекловлар мажмуи (tizими) деб аталади. Иккинчи кичик тизим бўлинган ҳокимиятларнинг ўзаро алоқасини ва улар ягона давлат ҳокимияти сифатида баҳамжиҳат фаолият кўрсатишини таъминловчи чора-тадбирларни ўз ичига олади*<sup>1</sup>.

Бироқ, ҳуқуқий давлат назарияси ва амалиётининг такомиллашуви, АҚШ, Европа иттифоқи ва бошқа илғор давлатлардаги президентлик республикаларининг тажрибаси ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги ва ўзаро алоқадорлигининг самараси фақат уларни кафолатловчи механизмлар мавжуд ва амал қилгандагина намоён бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, *ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатни самарали таъминлашдаги прокуратуранинг ўрнини **фақатгина янги ҳуқуқий меъёрларни яратиш билангина сақлаб бўлмайди**, балки бу масалага мамлакатимизда вужудга келган ҳозирги сиёсий-ҳуқуқий устқурма моҳиятидан келиб чиқиб ёндашиш тўғри бўлади*, деб ҳисоблаймиз.

Прокуратура барча ҳокимият тармоқлари томонидан қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириб, улар ўртасида ўзаро мувозанат ва чеклов ролини самарали ўташи давлат ва жамият учун манфаатли бўлади.

Ҳозирги кунда ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларда прокуратуранинг ролини қисқартириш, прокурорларнинг ишларни судда кўрилишидаги иштироки ва таъсирини камайтириш<sup>2</sup>, тергов устидан суд назоратини ривожлантириш<sup>3</sup>,

<sup>1</sup> Қаранг: Клочков В.В. Методологические вопросы организации и деятельности прокуратуры // Проблемы теории законности, методологии и методики прокурорского надзора. – М., 1994. – 11-12-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон

қонунлар ижроси устидан назорат соҳасида Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги каби органларининг фаолиятини кенгайтириш<sup>1</sup> тенденциялари кузатилмоқда.

Бу борада прокуратуранинг тергов органларини назорат қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш вазифаларини судга топшириш таклиф қилинмоқда<sup>2</sup>.

**Фикримизча**, бошқа соҳалар каби прокуратурада ҳам ислохотларга доимий эҳтиёж мавжуд, фақат кўзланган ижобий натижаларга эришиш учун олдиндан пухта ўйлаш, вазифаларни белгилаш ва уни амалга оширишда илмий тадқиқот ва асосли прогнозларга таяниш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бу жараёнда, прокуратуранинг амалдаги вазифаларини бошқа муассасалар қанчалик уддалай олади, тайёр тизимни такомиллаштириш ўрнига янги тузилмаларни яратиш ёки функцияларни қайта тақсимлаш қанча ортиқча сарф-харажатни келтириб чиқаради, **энг асосийси бу ўзини оқлайдими, ресурслар беҳуда исроф бўлмайдими деган саволларга муқаррар жавоб топиш зарур бўлади.**

**Хулоса ўрнида, қонун устуворлигисиз жамият ва давлат барқарорлигини таъминлашнинг имкони мавжуд бўлмайди. Бу борада қонунийликни тўлақонли таъминлаш учун ўзининг уюшқоқ фаолиятини самарали тарзда йўналтира оладиган ягона ва самарали давлат органи – прокуратурadir.**

*Чунки, бошқарув, назорат-текширув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятининг қонунийлиги устидан самарали ва изчил назорат айнан прокуратура томонидан амалга оширилиши тарихан шаклланган тажрибадир.*

## **1.2. Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва назорат функциясининг моҳияти**

Прокуратуранинг давлат органи сифатидаги мақоми ва функциялари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон.

<sup>2</sup> Назаров О.Ш. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига амал этилиши устидан прокурор назорати// Диссертация иши.; Тошкент 2007.

*Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни уларнинг мазмуни ва қабул қилиш тартибига кўра 5 та гуруҳга ажратиш лозим. Яъни:*

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг қонуности ҳужжатлари;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг идоравий ҳужжатлари;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари.

Энди ушбу мезон бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқсак.

**1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми ва функциясини белгилаб берган бош қонундир. Унинг 24-боби прокуратура фаолиятига бағишланган<sup>1</sup>.

Хусусан, Асосий Қонуннинг 118-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Бош прокурор, Асосий қонуннинг 93-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, бу ҳақдаги фармон Конституциянинг 80-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан, вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари Бош прокурор томонидан тайинланади.

**2. Прокуратура фаолиятига доир қонунлар туркумига** Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Иқтисодий-процессуал кодекси, Оила кодекси, Сайлов кодекси, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон .

“Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонунлар киради.

Маълумки, 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, прокуратуранинг вазифалари, фаолият йўналишлари ва бошқа жиҳатлари белгилаб берилган<sup>1</sup>.

2001 йил 29 августда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниши билан прокуратура фаолияти янада такомиллаштирилган<sup>2</sup>.

Ушбу қонун билан фуқаролар назорат объектидан чиқарилган, фаолиятнинг асосий йўналишлари кенгайтирилган, “умумий назорат” тушунчасига барҳам берилган, “амрнома” прокурор назорати бекор қилинган ва фаолиятга доир бошқа янги қоидалар белгиланган.

**“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун прокуратура органларининг асосий вазифалари, тизими, ваколатлари, прокурор назорати, судда иштирок тартиби, прокурор назорати ҳужжатлари, прокуратура органлари ходимларининг мақомини белгилаб беради.**

Мазкур Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш ҳисобланади.

Шунингдек, Қонун билан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Унга кўра, улар қуйидагилардан иборат:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.



ташкilotлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш<sup>1</sup>.

Таъкидлаш лозимки, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга 2001 йил 29 август кунидан бошлаб 2021 йил 1 июнь кунига қадар **жами 21 та моддага 36 та ўзгартириш ва қўшимчалар** киритилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

Прокурорларнинг жиноят, фуқаролик, иқтисодий процесслардаги иштироки, мақоми, ваколатлари Жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, иқтисодий процессуал кодексларида белгиланган.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодекси 33-моддасига асосан, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади”.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 337-моддасига мувофиқ, жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратни амалга оширади. Кодекснинг 34, 382-моддаларида прокурорнинг ваколатлари тўлиқ кўрсатилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 275-моддасида прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини олиб бориши белгиланган. Ушбу кодекснинг 317-моддасига биноан прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан белгиланган тартибда протест келтиради<sup>1</sup>.

Худди шундай, Фуқаролик процессуал кодексининг 50, 51, 245, 307-моддалари, Иқтисодий процессуал кодексининг 49-моддаси прокурорларнинг суддаги фаолиятига бағишланган.

Жиноят-ижроия кодексида прокуратуранинг жинойий жазоларни ижро этилишида қонунларга риоя этилиши устидан назорат масалалари кўрсатилган<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, прокурор фаолиятини тартибга солувчи қонунлар билан бирга, бошқа ҳар қандай қонуннинг ижроси прокурор назоратининг предмети сифатида намоён бўлади.

**3) Қонуности ҳужжатлар** ҳам прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асос ҳисобланиб, уларга “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, 1994 йил 22 сентябрь // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 27.04.2021 й., 03/21/685/0373-сон; 29.04.2021 й., 03/21/688/0394-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (17-модда). 1997 йил 25 апрель // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/19/586/4106-сон; 01.07.2020 й., 03/20/625/1007-сон.

Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари киради<sup>1</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси **прокуратураси органлари фаолиятига ҳуқуқий пойдевор** давлатимизнинг суверен тараққиёт йўлига ўтиши асносида қонуности ҳужжат билан қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги ПФ-313-сонли Фармони<sup>2</sup> билан **Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилган.**

Ушбу Фармон асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 январдаги 33-сонли қарори<sup>3</sup> билан Ўзбекистон прокуратураси фаолияти ташкил этилган.

Ўтган даврда прокуратура органлари зиммасига турли ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш вазифалари ҳам юклатилган, жумладан, Бош прокурор Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия<sup>4</sup> ва Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясига<sup>5</sup> раислик қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сонли қарори<sup>6</sup> билан прокуратура ҳузурида **Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти** ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406-сонли Фармони<sup>7</sup> ҳам прокуратура тарихида муҳим ўрин тутган қонуности ҳужжат ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682- сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги ПФ-313-сонли Фармони 1-банди. 08.01.1992 // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 97-модда.

<sup>3</sup> [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/386224> (Ҳужжат кучини йўқотган 22.02.2021).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 360-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/366769>. (Ҳужжат кучини йўқотган 27.06.2017).

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-911-сонли Қарори, ҳужжат 28.09.2020 йилда кучини йўқотган // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1370056>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги “Иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 291-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2018 й., 06/18/5438/1189-сон; 11.05.2018 й., 07/18/3699/1184-сон.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга

Хусусан, ушбу ҳужжат билан прокуратура органларининг **қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни** ташкил этиш бўйича **7** та устувор вазифалари белгилаб берилган.

Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом билан белгиланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сонли Фармони<sup>2</sup> билан “**ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш**” прокуратуранинг устувор вазифаси этиб қайд этилган. Ушбу Фармонда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини сўзсиз бажариш, амалга оширилаётган ислохотларга тўсиқ бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш ва бошқалар **прокуратура органлари ўз фаолиятида асосий эътибор қаратиши лозим бўлган устувор йўналишлар** сифатида белгиланган.

Коммунал соҳадаги тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ижро иши билан боғлиқ ҳуқуқ амалиётини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сонли Қарори<sup>3</sup> билан янги тузилма – **Мажбурий ижро бюроси** ташкил этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли Қарори<sup>4</sup> билан **секторда ижтимоий-иқтисодий**

---

оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3016-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 07/19/4102/2434-сон.

**ислохотларга кўмаклашиш бўйича прокурорлар зиммасига мутлақо янги вазифалар** юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги ПФ-5343-сонли Фармони<sup>1</sup> қонунчилик ижроси устидан назорат ва бошқа йўналишларда **9 та янги тузилмалар** ташкил этилган.

Шунингдек, прокуратура ходимларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш юзасидан тегишли кафолатлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли Фармони<sup>2</sup> билан **Бош прокуратура Академияси** ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги ПФ-5690-сонли Фармони<sup>3</sup> билан 2019 йил 1 апрелдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Бош прокуратурадан Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил зиммасига ўтказилган.

Мазкур Фармонга мувофиқ прокуратура органларининг **1 198** та штат бирликлари қисқартирилгани ҳолда, тадбиркорлик фаолияти устидан назорат функцияси прокуратура зиммасидан бутунлай олиб ташланмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги ПҚ-4643-сонли Қарори<sup>4</sup> билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган ислохотларни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги “Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5343-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5438-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5690-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2019 й., 06/19/5690/2772-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4643-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.03.2020 й., 07/20/4643/0332-сон.

самарали амалга ошириш мақсадида Бош прокурор ўринбосари, Қорақалпоғистон ва вилоятлар прокурорларининг ўринбосарлари, Транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимлари жорий этилган. Шунингдек, ушбу мақсадларда қўшимча **145** та штат ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сонли Фармони<sup>1</sup> билан **Мажбурий ижро бюросининг тузилмаси ҳамда ваколатларини мақбуллаштириш, унинг иш услубини тубдан қайта кўриб чиқиш** масалалари белгилаб берилган.

**4) Бош прокуратуранинг идоравий ҳужжатлари** ҳам прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Бу турдаги ҳужжатларни Бош прокурорнинг буйруқлари, чет эл ташкилотлари билан тузган ҳамкорлик ҳақидаги битимлари, бошқа давлат органлари билан тузилган қўшма қарорларга ажратиш мумкин.

Прокуратуранинг давлат органи сифатидаги мақоми ва функцияларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида илмий адабиётларда бир қанча мулоҳазалар мавжуд.

Жумладан, **А.Ю.Винокуровнинг** фикрича, *прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асослари Россия Конституцияси, “Россия Федерацияси прокуратураси тўғрисида”ги Қонун, Президент ва Ҳукумат ҳуқуқий ҳужжатлари, суднинг олий органлари айрим ҳужжатлари, Федерация субъектлари конституциялари ва қонунлари ҳамда Бош прокурор, Ҳарбий прокурор ва ҳудудий прокурорларнинг ташкилий-фармойиш хусусиятидаги ҳужжатларидир*<sup>2</sup>.

**О.С.Капинус ва С.Г.Кехлеровлар** эса, *прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари сирасига Россия Конституцияси, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, прокуратура тўғрисидаги қонун, Конституциявий суд қарорлари, Президент фармонлари, Бош прокурорнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва буйруқларини киритишган*<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сонли Фармони// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

<sup>2</sup> Винокуров А.Ю. Научно-практический комментарий к Федеральному закону “О прокуратуре Российской Федерации”. В 2 т. Том 1. 2-е издание. перераб. и доп. – М. : Издательства Юрайт, 2018. – 354 с.

<sup>3</sup> Настольная книга прокурора. В 2 ч. Часть 1 : практ. Пособие / под общ. ред. О.С.Капинус, С.Г.Кехлерова. – 5-е

Прокуратуранинг идоравий ҳужжатлари бўйича изланиш олиб борган баъзи ҳуқуқшунос олимлар қайд этганидек, *“прокуратура томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг асоси қонунлар билан, унинг батафсил тартибга солиниши эса прокуратуранинг ўз норматив ҳужжатлари билан ўрнатилади”*<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олим **Б.Пўлатов** ҳам, *“Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида иш Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари билан ҳам ташкил этилади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига асосланади”*<sup>2</sup>, деб қайд этган.

**Ф.Ғайбуллаевнинг фикрига** кўра, *“Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари қаторида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг буйруқлари алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари билан прокуратура фаолиятининг у ёки бу соҳасини тартибга солувчи низомлар ва йўриқномалар тасдиқланади”*<sup>3</sup>.

Бинобарин, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига асосан Бош прокурор буйруқлар чиқаради ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди, чет эл давлатларининг тегишли органлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузади<sup>4</sup>.

Бош прокуратуранинг Регламенти Конституция, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари, “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низомга мувофиқ прокуратуранинг ички ташкилий фаолиятини белгилайди.

---

изд. перераб. и доп. – М. : Издательства Юрайт, 2019. – 481 с.

<sup>1</sup> Дворецкий М.Ю. Приоритетные направления деятельности прокуратуры Российской Федерации при реализации правозащитных функций и обоснованному привлечению к ответственности // “Вестник ТГУ”, 2015, №5 (145). – С. 203.

<sup>2</sup> Қаранг: Пўлатов Б.Х. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини таъминлашда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш муаммолари // “Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янгича асосларда шакллантириш” мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари. (29 ноябрь 2007 йил. Тошкент) - Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 27.

<sup>3</sup> Ғайбуллаев Ф. Прокуратура органлари томонидан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари // “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги долзарб муаммолар ва изланишлар” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари тўплами. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б. 235.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (13-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

Унга кўра, Бош прокурор томонидан прокуратура органлари ва муассасаларининг барча ходимлари учун ижроси мажбурий бўлган ташкилий-бошқарув йўналишидаги (буйруқ, кўрсатма, фармойиш, низом, йўриқномалар ва бошқа) ҳужжатлар қабул қилинади.

Таркибий тармоқларнинг асосий вазифалари, фаолияти ташкил этилиши ва ходимларининг ваколатлари Бош прокурорнинг буйруғи билан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади.

**5. Ўзбекистон Республикасининг Олий суд Пленуми қарорлари ҳам прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.**

Жумладан, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Олий суд Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

**Хулоса қилиб айтганда, прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асослари прокуратура органларининг мақоми, тизими, асосий вазифалари, ваколат ва мажбуриятлари, прокуратура ходимлари мақоми, прокуратура фаолиятини ташкил этиши ва прокурор назоратини амалга ошириш тартибини белгиловчи меъёрий нормалар мажмуидир.**

Бундан ташқари, прокуратура фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни хронологиясига кўра шартли равишда **3 та даврга** ажратиб, таҳлил қилиш мумкин. Жумладан:

**Биринчи давр** – мустақил Ўзбекистон прокуратурасига тамал тоши қўйган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги ПФ-313-сонли Фармони<sup>1</sup>дан бошлаб, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири<sup>2</sup> кучга киргунга қадар қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги ПФ-313-сонли Фармони, 08.01.1992 // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 257-ш-сон 29.08.2001 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.



**Иккинчи давр** – 2001 йил 29 августда янги тахрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг<sup>1</sup> қабул қилиниши билан бошланиб, Ҳарбий прокуратура, Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментини ташкил этиш ҳақидаги Ҳукумат қарорлари<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406-сонли Фармони<sup>3</sup>, “хабеас корпус” институтини жорий этишга доир ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар;

**Учинчи давр** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сонли Фармони<sup>4</sup> билан прокуратура органларига янги функциялар юклатилиши билан бошланиб, ҳозирга қадар давом этмоқда.

**Прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида гапирганда, прокурорнинг назорат функцияси давлат мавжуд бўлишининг зарур шартларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.**

Чунки, ҳуқуқ-тартиботни, жумладан, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш давлатнинг устувор сиёсий-ҳуқуқий вазифаларидан ҳисобланади.

Прокурор назоратининг тушунчаси мазмуни ҳақида кўплаб олимлар томонидан турли ўхшаш ва фарқли мулоҳазалар билдирилган.

Жумладан, **Б.Пўлатов** “Прокурор назорати – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси ҳисобланади. Прокурор давлат номидан назоратни амалга оширади. Прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишининг муҳим механизми бўлиб қолмоқда”<sup>5</sup>, деб баён қилган.

**Ф.Рахимовнинг** фикрига кўра, “Ўзбекистонда прокурор назорати – Ўзбекистон Республикаси номидан давлат фаолиятини амалга оширувчи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 257-П-сон 29.08.2001 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон.

<sup>5</sup> Қаранг: Пўлатов Б.Х. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми // “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси”, 2017, №4 (32). – Б. 27-28.

*прокуратура органларининг ўзига хос фаолият туридир. Прокурор назорати давлат фаолиятининг мустақил, алоҳида мақомга эга ўзига хос кўринишидир*<sup>1</sup>.

**М.Рустамбаев** “Прокурор назорати – давлат номидан махсус ваколатга эга мансабдор шахс – прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир<sup>2</sup>, деб кўрсатган.

Яна бир ҳуқуқшунос олим **З.Ибрагимов** эса, “Прокурорга қонунда, бир томондан, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ваколатлари берилган бўлса, иккинчи томондан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ёки уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш мажбурияти ҳам юклатилган”<sup>3</sup>, деб таъкидлаган.

**Фикримизча**, прокурор назорати мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадини кўзловчи, махсус ваколат ва мухтор мақомга эга бўлган институт – прокуратура органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда давлат номидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Бу ерда, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат функциясининг пировард мақсади қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳисобланади.

*Прокурор назорати, гарчи, қонунда давлат номидан деб кўрсатилмаса-да, Ўзбекистон Республикаси номидан амалга оширилишини назарда тутган ҳолда, Б.Пўлатов, Ф.Рахимов ва М.Рустамбоевларнинг фикрини тўлиқ қувватлаймиз.*

Яъни, прокурор ўз фаолиятини бирон идора, шахс номидан ёки шу идора ёки шахс манфаатидан келиб чиқиб эмас, балки, давлат номидан давлатимиз ва жамиятимиз манфаати йўлида амалга оширади.

<sup>1</sup> Қаранг: Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий таҳрири остида. – Т.: “Нашир” нашриёти, 2008. – Б. 87-94.

<sup>2</sup> Қаранг: Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура: рисола / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – Б. 8-12.

<sup>3</sup> Қаранг: Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили). Монография. – Т.: “Noshir”, 2011. – Б. 131.

Шу ўринда, “прокуратура фаолияти” билан “прокурор назорати” тушунчалари ўртасида маълум фарқлар мавжудлигини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Чунончи, **прокуратура фаолияти фақатгина назорат функцияси билан чекланиб қолмайди.** Жумладан, *прокуратуранинг мувофиқлаштириши, жинойтлар юзасидан дастлабки терговни олиб олиб бориши, қонун ижодкорлиги, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириши функциялари тўғридан-тўғри унинг назорат билан боғлиқ вазифаларини англамайди.* Балки, булар прокуратура умумий функцияси билан боғлиқ вазифалар ҳисобланади.

Прокуратура фаолияти назорат функциясини амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар, ҳаракатлар мажмуида ифодаланса, назорат фаолияти қонунларнинг ижросини, жинойят таъқибнинг амалга оширилишини назорат қилиш мақсадида расмийлаштирилади.

Маълумки, давлат назоратининг жуда кўплаб шакллари мавжуд. Масалан, Президент Администрацияси назорати, парламент назорати, суд назорати, ижроия ҳокимиятининг назорати, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари назорати, бошқарув, назорат-текширув ваколатига эга бўлган бўлган идоралар томонидан амалга ошириладиган назорат, идоравий-соҳавий назорат, алоҳида мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган назорат ва ҳоказолар.

Прокурор назорати давлат назоратининг юқоридаги шаклларида ўзининг моҳияти, ҳуқуқий асослари, амалга ошириш усуллари, таъсирчанлиги ва бошқа кўплаб жиҳатларга кўра фарқланади.

Бу борада, рус ҳуқуқшуноси **В.Рохлинга** кўра<sup>1</sup>, прокурор назоратининг моҳияти унинг қуйидаги хусусиятларида намоён бўлади:

1) прокурор назорати давлат номидан, давлат хизматчиларининг алоҳида тоифаси – прокурорлар томонидан амалга оширилади;

2) прокурор назорати қонунда белгиланган катта (кенг) кўламдаги таъсир чоралари воситалари орқали амалга оширилади;

3) прокурор назорати давлатнинг алоҳида функцияси – муҳофаза ва назорат функциясини таъминлашга хизмат қилади;

<sup>1</sup> Қаранг: Прокурорский надзор в Российской Федерации. // Отв. ред. проф. Рохлин В.И. -М.: “Сентябрь”2000.- Стр. 18, 29-32.

4) прокурор назорати давлат фаолиятининг бошқа шаклларида ўзининг қонунбузилишга нисбатан муносабат билдириш шаклларида кўра фарқ қилади.

Бундан ташқари, бизнингча, қуйидаги жиҳатлар прокурор назоратининг мазмунини янада очиқ беради:

1) прокурор назорати давлат ва жамиятнинг энг муҳим масалалари – қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади;

2) ҳуқуқий табиатига кўра барча қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан уларнинг фаолият доирасидан қатъий назар аниқ вақтда тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилади;

3) прокурор назорати Конституция билан белгиланган махсус мақомга эга бўлган энг таъсирчан ва самарали давлат назорати шакли ҳисобланади.

Прокурор назоратининг объектлари ҳам назорат моҳиятини тушунишда яқиндан ёрдам беради. Бу борада айрим коллизия ва ноаниқликлар мавжуд.

Масалан, прокурор назорати одатда олий қонун чиқарувчи ва олий ижро ҳокимияти органларига, Ўзбекистон Республикаси олий мансабдор шахсларига, судларга, Ҳисоб палатаси ва бошқаларга нисбатан татбиқ этилмайди. Ваҳоланки, қонунчилик прокурор назоратининг объектлари доирасини чегараламаган.

**Фикримизча,** *ушбу назарий қоидаларни турлича кенгайтириб, ва ёки қонунга нисбатан ўзбошимчалик билан сунъий дахлсизлик шароитини яратилишининг олдини олиш учун прокурор назорати татбиқ этилмайдиган давлат органлари ва мансабдорларнинг рўйхатини Конституция ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг ўзида аниқ ва қатъий белгилаб қўйиши мақсадга мувофиқ бўлади.*

Прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиб, ҳуқуқшунос олим **А.Ж.Давлетов** шундай дейди: *“Прокурор назорати турли соҳаларда ва прокуратура фаолиятининг барча йўналишлари орқали амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири ўз тактикаси ва услубига эга. Улар прокурорларнинг ваколатларида намоён бўлади”*<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Давлетов А.Ж. Прокурорский надзор: Учебник. - Нукус: “Билим”, 1999. - Стр. 8.

**Бизнингча ҳам, прокурор назорати ҳуқуқий тартибга солишининг алоҳида хусусиятларига эга ва айни пайтда унинг ҳуқуқий режими давлатнинг умумий тартибга солиш механизмининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.**

Прокурор назорати қонун устуворлигини, қонунийликнинг бирлиги ва мустақамланиши, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг, шунингдек, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашни кафолатлаш мақсадида амалга оширилади.

Ушбу жараёнда прокурорлар прокурор назорати ҳуқуқий муносабатларининг бошқа иштирокчилари билан ўзаро муносабатларга киришади. Бу муносабатлар давлат мажбурлови ва ишонтириш воситалари орқали муайян ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф этишга қаратилган прокурор комплекс чораларини қўллашни ўз ичига олади.

Прокурор назоратини амалга ошириш механизми ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки унга тайёрланаётганлиги аниқланган пайтдан амал қила бошлайди.

Прокурор назоратининг ҳуқуқий воситаси сифатида прокурор назорати ҳужжатлари – протест, тақдимнома, қарор, ариза ва огоҳлантирув тушунилади<sup>1</sup>.

**Хулоса ўрнида, ҳозирги кунда прокурор назоратининг доираси ва ҳажмини самарадорлик нуқтаи назардан ихчамлаштириш, чегаралаш, замонавий тенденцияларга мослаштириш долзарб вазифадир.**

**Қайд этмоқчимизки, прокуратура фаолиятини замонавий талабларга мослаштириш, иш унумдорлиги ва самарадорлигини оширишдаги муҳим жиҳатлардан бири бу унинг амалда бажараётган, лекин ҳуқуқий ва рационаллик нуқтаи назаридан мақбул бўлмаган вазифаларига барҳам беришидир.**

### **1.3. Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари**

**Прокуратура органлари фаолияти** бугунги кунда бутун мамлакат бўйлаб қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (37-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

оширишда ифодаланувчи, давлатнинг алоҳида ваколатларга эга бўлган махсус органининг функционал фаолият тури ҳисобланади.

Мазкур фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлашган тизими томонидан амалга оширилади<sup>1</sup>. Ушбу тизимни Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари, вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ҳарбий ва Транспорт прокуратуралари, туман-шаҳар прокуратуралари ҳамда уларга тенглаштирилган ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар ташкил этади<sup>2</sup>. Шунингдек, Бош прокуратура ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси ва уларнинг бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Бош прокуратурада муайян соҳалар бўйича назоратни амалга ошириш мақсадида таркибий тузилмалар – бошқармалар ва бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган. Вилоятлар прокуратуралари ҳамда вилоят прокуратураларига тенглаштирилган прокуратураларда бўлимлар ва гуруҳлар ташкил этилган.

Илмий-назарий адабиётларда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишда асосан **“ишни ташкил этиш”** ва **“бошқарув”** масалаларига эътибор қаратилган бўлиб, ушбу тушунчалар **“прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш”** тушунчасига ҳамоҳанг қўлланилиб келинади.

Масалан, ҳуқуқшунос олим **Ф.М.Кобзаревнинг** фикрича, *прокуратура органларида ишларни ташкил этиш прокуратура органлари олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича прокуратура тизимининг иш жараёнини мақбуллаштиришга йўналтирилган ўзаро боғлиқ комплекс ҳаракатларини ифода этади.*

*Прокуратура органларида бошқарувнинг мазмуни юқори турувчи прокуратура органлари ва прокурорларнинг қуйи турувчи (бўйсунувчи) прокурор*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 746-ХП-сон 09.12.1992 // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 141-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 9-сон, 241-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 746-ХП-сон 09.12.1992 / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 141-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 9-сон, 241-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда.

ходимларга қонун ҳужжатлари билан уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажаришига эришиши мақсадида иродавий таъсир кўрсатишида намоён бўлади”<sup>1</sup>.

**Ф.Х.Рахимовнинг** фикрича, прокуратура органларида бошқарув – қўйи турувчи прокуратуралар ва ходимлар олдига қўйилган вазифаларни бажаришдан ташкил топган фаолият устидан, кўп қиррали, асосли ва бевосита йўналтирилган тадбирлардан иборат жараён дур”<sup>2</sup>.

Прокуратурада ишни ташкил қилиш ва бошқарув масаласида юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрларини қувватлаган ҳолда, **“прокуратура органларида ишни ташкил этиш”** тушунчаси орқали белгиланган аниқ вазифаларнинг ижросини ташкил этиш билан боғлиқ узвий амаллар кетма-кетлиги тушунилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бошқарув эса, ушбу кетма-кетлик ва узвийликни таъминлашга қаратилган иродавий таъсир дур.

Таъкидлаш лозимки, ушбу тушунчалар нисбатан муस्ताқил бўлса-да, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ дур. Бироқ, **бизнингча**, бу ўринда кайд этилган ҳар иккала тушунчани умумий бирлаштирадиган тушунча сифатида **“прокуратура фаолиятини ташкил этиш”** тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Фикримизча**, прокуратура фаолиятини ташкил этиш тўғрисида гап кетганда, мазкур давлат органи фаолиятини йўлга қўйиши заруратини англаш, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши, ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар ва фаолиятнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тегишли тамойиллар асосида таркибий тузилмаларни шакллантириши, уларнинг ишини режалаштириши ва ташкил этиши, бошқарувни амалга ошириши, натижаларни баҳолаш каби умумий ҳаракатлар мажмуи англашилади.

Кўриниб турибдики, **“прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш”** тушунчаси **“прокуратура органларида ишни ташкил этиш”**

<sup>1</sup> Смотрите. Настольная книга прокурора. В 2 ч. Часть 1 : практ. Пособие / под общ. ред. О.С.Капинус, С.Г.Кехлерова. – 5-е изд. перераб. и доп. – М. : Издательства Юрайт, 2019. – 481 с. – Серия : Профессиональная практика. – С. 45.

<sup>2</sup> Қаранг: Прокуратура органларида бошқарув ва ишларни ташкил этиш масалалари. Е.В.Коленко таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, “Ҳуқуқ” газетаси нашриёти. – Б 4.

тушунчасидан кўра кенгроқ тушунча ҳисобланади. Шунингдек, у “прокуратура органларида бошқарув”ни ҳам камраб олади.

Маълумки, прокуратура органлари ва улар фаолиятини ташкил этиш “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда белгиланган устувор раҳбарий меъёрлар – бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик тамойилларига асосланади<sup>1</sup>.

Прокуратура органларининг ягона марказлашган тизимида қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Бош прокурорга бўйсунishi ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади.

Юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан, процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли, шунингдек, у ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

Шу ўринда, қонунчиликда “**бирлик**” тамойилининг аниқ ҳуқуқий тушунчаси мавжуд эмаслигини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Бу борада, ҳуқуқшунос олим **Б.Пўлатовнинг** фикрига кўра, *прокуратура фаолиятининг бирлик тамойили, аввало, бу органлар олдига қўйилган вазифаларнинг бирлиги билан белгиланади. Қонун бузилишини аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги юқори турувчи ва қуйи прокурорларнинг ваколатлари бир хил*<sup>2</sup>.

**З.Ибрагимов** ҳам ушбу фикрни қувватлаб, “*прокуратура органларининг иш фаолиятидаги бирлик тамойили уларнинг юқоридан настгача бир хил тартиб-қоидалар асосида ягона мақсадларни кўзда тутган ҳолда фаолият кўрсатишини, ягона вазифаларни амалга оширишини ҳамда айнан бир хилдаги қонунларга риоя қилишини намоён этади*”<sup>3</sup>, деб таъкидлаган.

Ҳуқуқшунос олим **О.Мадалиев** эса, “*прокурор назоратидаги бирлик тамойили – прокуратура тизимига кирувчи барча органлар фаолиятини ягона*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 746-ХП-сон 09.12.1992 // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 141-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 9-сон, 241-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда.

<sup>2</sup> Пўлатов Б.Х. “Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати”. – Т. 2006. – Б. 42.

<sup>3</sup> Ибрагимов З.С. “Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси”. – Т. 2011. – Б. 174.



шакл, мақсад ва умумий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда акс эттирилиши ҳамда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан бир хилда прокурор таъсир чораларини, прокурор назорати ҳужжатларини қўллашда ифодаланиши билан ажралиб туради” деган фикрни илгари сурган. Шунингдек, у бирлик тамойили деганда, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳудудий ва ихтисослашган прокурорларнинг ягона тизими тушунилишини кўрсатган<sup>1</sup>.

**Фикримизча, ҳақиқатдан ҳам илмий-назарий жиҳатдан ушбу тамойил прокуратура мақсади ва фаолиятининг бир хиллигини англатади. Бироқ, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳудудий ва ихтисослашган прокурорларнинг ягона тизими бирликни ифодаламайди, балки, бу кўпроқ прокуратуранинг марказлашганлигини кўрсатувчи таъриф десак тўғри бўлади. Чунки, бу ерда гап тизим ва иерархия ҳақида кетмоқда.**

**Шундан келиб келиб чиқиб, юқоридаги назарий мулоҳазалар асосида “бирлик” тамойилига бошқа тамойиллар каби қонунда аниқ таъриф берилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.**

Прокуратура фаолиятини ташкил этишнинг ажралмас хусусиятларидан яна бири бу прокурорларнинг ўз фаолиятини қонун доирасида мустақил амалга оширишлари ҳисобланади.

Конституция асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинган давлат ҳокимияти тизимида прокуратура ўзи функционал вазифасининг моҳиятига кўра ушбу ҳокимиятларнинг бирортасига мансуб эмас ва ҳокимият бирликларининг **“ўзаро тийиб туриш механизми”**да **“қонуннинг ҳимоячи”**си сифатида намоён бўлади.

Шундай экан, унинг ушбу мураккаб вазифани самарали бажара олиши учун прокуратура нафақат давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан мустақил, балки ҳар қандай бошқа субъектларнинг салбий таъсиридан ҳам ҳимояланган бўлиши лозим.

Чунки, прокуратуранинг давлат ҳокимиятини бирон-бир тармоғига, шунингдек, маълум бир гуруҳ, партия, ташкилот ёки алоҳида шахсларга ҳуқуқий

<sup>1</sup> Мадалиев О.М. “Prokuror nazorati”. – Т. 2012. – Б. 85.

ёки амалий жиҳатдан тобе бўлиб қолиши уни муқаррар равишда иқтисодий, сиёсий ёки ҳуқуқий “**лобби**” воситасига айланишига олиб келади.

Шунингдек, прокуратура фаолиятига ноқонуний аралашув унинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қонун билан белгиланган ваколатларидан тўлақонли ва самарали фойдаланишига тўсқинлик қилади.

Оқибатда, жамиятда қонун устуворлигининг таъминланиши у ёқда турсин, қонунийлик амал қилмай кўяди, фуқароларнинг ўзаро ёки давлат билан муносабатларини, давлат органлари ва мансабдор шахсларининг фаолиятини тартибга солишдаги ҳуқуқнинг ўрнини **шахсий қараш ва ёндашувлар** эгаллайди.

Айниқса, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш борасидаги назорат, тергов ва мувофиқлаштириш функциясини мустақил амалга оширишига асоссиз аралашув **умумий тарзда криминоген вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўлади.**

Прокурор ҳокимиятлар бўлиниш тамойилига зид равишда бирон-бир ҳокимият тармоғи функция ва вазифаларини бажара бошласа, **биринчидан**, прокуратура ўз мустақиллигини йўқотиб, ушбу тармоққа қарам бўлиб қолади.

Оқибатда, назорат функциясини қўлга киритган тармоқ қолган ҳокимият органларига нисбатан кучлироқ мавқега эга бўлади. Бу эса, ҳокимиятлар орасидаги бир-бирини тийиб туриш тамойилига путур етказди, муносабатлардаги мувозанат бузилади.

**Иккинчидан**, муайян ҳокимият тармоғи функциясини бажариши прокуратура учун мазкур тармоқнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб манфаатдорлик вужудга келади. Бу эса, натижаларни яхшилаш мақсадида ҳисоботларда сохта маълумотларни акс эттириш, коррупциявий ҳолатларнинг авж олиши каби салбий ҳолатларни юзага келтиради.

**Учинчидан**, прокуратура органлари иш ҳажмининг ортишига сабаб бўлиб, малакали кадрлар ёки бошқа ресурсларнинг етишмаслиги шароитида, фаолиятининг сифатига салбий таъсир қилади. Назорат самарадорлигининг

пасайиши латент қонун бузилишлари, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар ошишига олиб келади. Бу эса, ижтимоий барқарорликка путур етказди.

Шундан келиб чиқиб, Асосий Қонунимизнинг 120-моддасида **прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширишлари** мустаҳкамлаб қўйилган<sup>1</sup>.

Ушбу конституциявий норма “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унга кўра прокуратура органларининг фаолиятига аралашиб тақиқланади<sup>2</sup>.

Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг рухсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Мустақиллик тамойилининг негизида ҳисобдорлик масаласи ҳам бор бўлиб, бу ҳуқуқий жамиятнинг ажралмас қонуниятидир. Бунда асосий масала ҳисобдорликнинг кимга қаратилганлиги билан боғлиқдир.

Агар ҳисобдорлик унга ваколат берган субъект олдида бўлса, бу нормал ҳолат ҳисобланади. Масалан, халқ – бу билвосита ваколат берган субъект деб қаралса, унинг манфаатларини ўзида акс эттирувчи Олий Мажлис Сенати ва Президент институтлари ҳисобдорлик субъекти бўлиши табиий ҳолдир.

Жумладан, Бош прокурор Давлат раҳбарига мунтазам равишда қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати, зудлик билан ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар тўғрисида, ҳар олти ойда прокуратура органлари амалга оширган ишлар ҳақида ахборот тақдим этади.

Бош прокурорнинг Олий Мажлис Сенатига ҳисобот бериш тартиби тегишли ҳужжатлар билан белгиланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1992 йил 8 декабрь. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 257-II-сон Қонуни, 2001 йил 29 август. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

**Тўртинчидан**, Бош прокурор қонунчилик ташаббусига эга бўлиб, мазкур ваколат прокуратура органларига қонунчилик жараёнида иштирок этишини таъминлайди. Бу ваколат мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида мустақил иштирок этиш имкониятини беради.

Мустақиллик тамойилига кўра, *прокурорлар функционал қарорларни қабул қилишни ва ҳаракатларни фақат қонунийлик, ички ишонч, тўлиқлик, ҳар томонлама ва холислик талабларига мувофиқ* амалга оширадilar.

Демак-ки, прокуратура барча давлат тузилмаларидан мустақил фаолият юритиши лозим. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳеч бири прокурорнинг назорат фаолиятига халақит бермаслиги керак, бу эса, ушбу фаолиятни амалга оширишда қонунларга қатъий риоя этилишини кафолатлашга имкон беради.

Шу ўринда, “мустақиллик” тамойилини фаолият доираси нуқтаи назаридан, **ташқи ва ички мустақилликка** ҳам ажратиш мумкин.

Бунда, **прокурорларнинг ички мустақиллиги** – ўз вазифаларида шаффофлик ва адолатлилик, иш фаолиятини баҳолаш, ишга қабул қилиш, лавозимга кўтариш, ишдан бўшатиш ва иш ҳақи масалалари билан боғлиқ мустақилликни ўз ичига олади.

**Ташқи мустақиллик** эса, прокуратуранинг “уччала ҳокимият” тизимида кирувчи барча органлардан ва бошқа субъектлардан мустақил фаолият кўрсатишида намоён бўлади.

Прокуратура фаолиятида мустақиллик тамойилига риоя қилиш **прокурорнинг сиёсий мустақиллигини** ҳам талаб қилади. Прокуратура фаолиятига сиёсий таъсир кўрсатиш эҳтимолини истисно қилиш учун ходимлар хизматни ўташ даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб туришлари лозимлиги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида мустаҳкамланган.

Шу ўринда, прокуратура органларининг ваколатлари ва мажбуриятлари фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланишини назарда тутган ҳолда, фаолиятни белгиловчи муҳим мезон – **“қонунийлик”** тамойили ҳам “прокурорнинг мустақиллиги”ни реал таъминланмасдан туриб амал қилиш имкони бўлмайди.

Қонунга биноан, прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт.

Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра амалга оширилишидан қатъи назар, қонунни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Маълумки, прокурорлар зиммасига, қонунлар ижроси устидан назорат борасидаги катта ваколатлари билан бирга, Конституция ва қонунларга риоя этиш бўйича жиддий масъулият ҳам юклатилган ҳамда жавобгарликнинг асослари анчайин қатъий белгиланган.

Дарҳақиқат, прокуратура қонунлар ижроси устидан назорат олиб боришда фақат қонунга таяниши ва ваколат доирасидан заррача четга чиқмаслиги лозим.

Бу борада **Ю.Э.Винокуровнинг** фикрига кўра, *“Мустақиллик тамойили ўта муҳим давлат ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, унга доимий риоя қилинган тақдирдагина прокуратура органлари жамиятда қонун устуворлигини ва яхлитлигини таъминлашни, фуқароларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, давлат ва жамият манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди”*<sup>1</sup>.

Ўзбек ҳуқуқшуноси **З.С.Ибрагимовнинг** таъкидлашича, *“Мустақиллик тамойили прокуратура органлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси ... ҳуқуқий ва адолатли давлатчилик тузумини барпо этишга киришган дастлабки кунларданоқ, прокуратура органларининг фақат қонунга асосланган ҳолда фаолият кўрсатиши белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, прокуратура органларини партия қўмиталари ва маҳаллий ҳокимият идораларининг таъсиридан халос этди”*<sup>2</sup>.

Яна бир ҳуқуқшунос олим **О.М.Мадалиев** эса, *“Мустақиллик тамойили – бу прокурорлар томонидан ўзларининг барча функционал қарор ва ҳаракатларини қонунга асосан олиб боришларидир (назоратни амалга ошириш, тергов олиб бориш ва б.)”*<sup>3</sup>, деб қайд этган.

<sup>1</sup> Прокурорский надзор / Под ред. Винокурова Ю.Е. – М., 2004. 40 с.

<sup>2</sup> Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий макоми ривожланишининг қиёсий таҳлили) \ - Т.: “Ношир” 2011. – Б.183.

<sup>3</sup> Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.106.

“Мустақиллик” тамойилига берилган таъриф ва унинг аҳамияти ҳақидаги юқоридаги олимларнинг фикрини қувватлаган ҳолда, **қўшимча қилмоқчимиз – прокурор фаолиятига аралашув, тўсқинлик ёки бошқа шу каби хатарлар унинг функциясини “қонуний” ва “самарали” амалга оширишига тўсиқ ҳисобланади.**

Шу нуқтаи назардан, албатта, ҳар бир прокурор ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва кўрсатмаларига асосланиши лозим.

Прокуратура органларига ҳар қандай шаклдаги босим бўлмаслиги керак. Бунда, нафақат маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, уларнинг вакиллари ва мансабдор шахслари, балки, **олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ҳам ноқонуний таъсир ўтказилишига йўл қўйилмаслиги лозим.**

**Бизнингча, прокурорнинг бевосита вазифаси – қонун устуворлигини таъминлаш функцияси хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, прокуратуранинг ўз фаолиятида имкон қадар мухтор ва мустақил ваколатларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.**

Умуман олганда, мустақиллик тамойили прокурорлар зиммасига юклатилган вазифаларнинг фақат қонун асосида, тўлиқ ва самарали амалга оширишларига имкон яратиб берадиган ҳуқуқий мезондир.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда амалиётимизда прокурорларнинг мустақиллигини таъминлашда бир қанча муаммолар кузатилмоқда.

Жумладан, мустақиллик тамойилини амалда таъминланиши мавзусида ўтказилган сўровда қатнашган респондентларнинг **71** фоизи прокуратура ўз фаолиятини мустақил ва холис амалга оширишига айрим тўсиқлар мавжудлигини таъкидлашган<sup>1</sup>.

Албатта, прокурорнинг мустақиллиги унинг чексиз ваколатларга эга бўлиш имконини ёки шунга интилишини англатмайди, балки, унинг ҳисобдорлиги давлат бошқаруви тизимида маълум бир идоранинг мутлақ ваколатларга эга бўлиб қолишидан ва ҳокимият мувозанатини бузилишидан сақлаб туради.

<sup>1</sup> Қаранг: Диссертациянинг 2-илоvasи.

Айнан прокурорнинг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасидаги узвийлик ва мақбул мувозанат борасида қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Кўплаб Ғарб давлатлари олимлари *прокурор мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасида оқилона мувозанат сақланиши лозим*<sup>1</sup>, деб ҳисоблашади. Яна бир гуруҳ олимлар *прокурор ҳисобдорлиги суд жараёнидан ташқари бошқа барча ҳолатларда бўлиши лозим*<sup>2</sup>лигини таъкидлашади.

Бу борада АҚШлик олимлар Jerg Gutmann ва Stefan Voigtнинг прокурор мустақиллиги (**prosecutorial independence – PI**) ва ҳисобдорлиги (**prosecutorial accountability – PA**)ни ўлчаш ҳамда уларнинг ўзаро таъсири юзасидан олиб борган тадқиқотини анчайин аҳамиятли деб ҳисоблаш мумкин.

Уларнинг таъкидлашича, *“Прокурор мустақиллиги – қонун устуворлигини амалга ошириш учун муҳим шартдир. Агарда, прокуратура ҳукуматдан мустақил бўлмаса, унда айрим шахсларнинг мавқеи қонун устуворлигидан устун келади ва натижада ҳукумат жиноий жавобгарликка кимни тортиш ёки тортмаслик масаласига таъсир кўрсата бошлайди.*

*Шу билан бирга, агар прокурорлар айбдор шахсларни жиноий таъқиб қилмаслик ёки ноқонуний айбловни илгари суриш бўйича коррупцияга йўл қўйсалар, прокурор мустақиллигининг, ҳаттоки, юқори даражасида ҳам, мансабдор шахсларга қарши жиноий ишларни юритиш самарали бўлмайди”*<sup>3</sup>.

Мазкур олимларнинг тадқиқотида, **“прокурорлар мустақил эмаслиги”** ва **“прокурорлар коррупциялашганлиги”** ҳолатининг жиноий таъқиб тизимига нисбатан салбий таъсирига оид сўровлар натижаларини **World Justice Project** (Жаҳон адолат лойиҳаси)нинг доимий кўрсаткичларига жамлаш орқали прокурорлар мустақиллиги (PI) ва ҳисобдорлиги (PA) даражаси аниқланади.

Қизиқарлиси, ушбу адабиётдаги мезонларга асосан тузилган рейтингда Ўзбекистон прокуратураси 99 та давлат ўртасида **прокурорлар мустақиллиги (PI) бўйича 41 ўрин, ҳисобдорлиги (PA) бўйича эса 28 ўринни** эгаллаган.

<sup>1</sup> Di Federico, Giuseppe. 1998. “Prosecutorial Independence and the Democratic Requirement of Accountability in Italy: Analysis of a Deviant Case in a Comparative Perspective.” *British Journal of Criminology* 38 (3): 371–87

<sup>2</sup> Gordon, Sanford C. 2009. “Assessing Partisan Bias in Federal Public Corruption Prosecutions.” *American Political Science Review* 103 (4): 534–54

<sup>3</sup> Jerg Gutmann, Stefan Voigt. October 11, 2019. “The Independence of Prosecutors and Government Accountability” by the University of Chicago. // [Электрон манба]. URL: <https://www.journals.uchicago.edu/doi/pdf/10.1086/703749>.

Шу жойда, муаллифлар маълумотлар тўлиқ ва етарли эмаслиги нуктаи назаридан ушбу ўлчовнинг ҳақиқий вазиятга мос келмаслигининг эҳтимоли ҳақидаги жиддий хавотирларини<sup>1</sup> баён қилганликларини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Бундан ташқари, **van Aaken ва бошқа муаллифлар** ўзларининг тадқиқот ишида прокурор мустақиллигининг давлат секторидаги коррупцияга таъсирига алоҳида эътибор қаратишган.

Уларга кўра, **прокурорлар ҳукумат таъсиридан мустақил бўлсаларгина, мансабдор шахслар содир этган жиноятлари учун юқори эҳтимол билан жавобгарликка тортиладилар. Жавобгарликнинг йўқлиги эса, жиноятни келгусида ҳам содир этиши хавфини оширади.**

Бу олимлар прокурор мустақиллигининг икки мезони, яъни **“de jure”** ва **“de facto”**ни илгари суришган ва уларнинг тадқиқоти фақатгина **“de facto”** прокурор мустақиллигининг юқори даражаси давлат секторидаги коррупция эҳтимолининг даражасини пасайтиришини кўрсатган<sup>2</sup>.

**Ҳақиқатан ҳам, прокурор мустақил бўлсагина, мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларига нисбатан муросасиз кураша олади. Бу жараён, айниқса, коррупциянинг олдини олишда катта самара беради.**

Шунингдек, прокурорнинг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасида оқилона мувозанат бўлиши керак, ва унинг қай даражада оқилона ва самарали эканлиги масаласи реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда юқоридаги каби илмий тадқиқотлар асосида ўлчаниши, баҳолаб борилиши ва шу асосда зарур тўхтам ва ечимларга келиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқача айтганда, прокурорлар ҳар қандай ноқонуний аралашувдан мустақил бўлсаларда, ва лекин, улар пора олишга ёки бошқа ноқонуний коррупциявий йўллар билан бойишга мойил бўлсалар, назорат, масъулият ёки жавобгарлик механизми мавжуд эмаслиги оқибатида, тизим, шубҳасиз, ҳеч қачон ҳолис бўлмайди ва адолат тамойили прокуратуранинг ўзида бузилади.

<sup>1</sup> Jerg Gutmann, Stefan Voigt. October 11, 2019. “The Independence of Prosecutors and Government Accountability” by the University of Chicago. // [Электрон манба]. URL: <https://www.journals.uchicago.edu/doi/pdf/10.1086/703749>.

<sup>2</sup> van Aaken, Anne, Lars P. Feld, and Stefan Voigt. 2010. “Do Independent Prosecutors Deter Political Corruption? An Empirical Evaluation across Seventy-Eight Countries.” American Law and Economics Review.



Шу боис, ҳисобдорликни тўғри ўрнатишдаги асосий масала унинг кўзланган мақсадга қанчалик мослиги, самарали йўлга қўйилганлиги, айниқса, жамоатчилик назорати каби таъсирчан воситалар билан ўзаро мувофиқлиги таъминланганлиги каби қатор омиллар билан боғлиқдир.

Масалан, прокуратуранинг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини етарли эмаслиги ҳам унинг ўзида коррупция ва бошқа қонунбузарликлар хавфининг кучайишига сабаб бўлади.

Фикримизча, ҳар қандай ҳолатда ҳам прокурор мустақиллигининг чегараси ва ҳисобдорлиги даражаси ва меъёри фақат қонун билан қатъий ва аниқ белгиланиши ҳамда амалда (“de facto”) ҳам ҳуқуқий норма белгилаган чегара доирасидан умуман четга чиқмаслиги керак.

Прокурорнинг ҳисобдорлиги, агарда у ҳуқуқий жиҳатдан оқилона тартибга солинган ва ушбу тартиб ҳақиқатда амал қилган тақдирда унинг мустақиллигига тўсиқ бўлмайди.

Ушбу мавзуда ўтказилган сўровда иштирок этган респондентларнинг **57** фоизи “мустақиллик” ва “ҳисобдорлик” тамойиллари ўзаро оқилона узвийликда прокуратура фаолиятидаги қонунийлик ва самарадорликни таъминлайди деб таъкидлашган<sup>1</sup>.

Прокуратура органларида мустақиллик тамойилининг аҳамияти давлатчилик институтларининг тобора ривожланиши билан бутун дунё мамлакатларида ортиб бормоқда.

Прокуратура органи ва унинг фаолияти мустақиллиги тамойили ҳар қандай мамлакат учун ўта муҳим аҳамиятига эга, чунки, давлат органи сифатида фақат **ташкилий ва функционал мустақилликка эга бўлган прокуратурагина Конституция талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ўзига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажара олади.**

Бундан ташқари, прокуратура органлари фаолияти қонун билан белгиланган чекловларни истисно қилганда ошкора амалга оширилиши лозим.

<sup>1</sup> Қаранг: Диссертациянинг 2-иловаси.

Қонунчиликка мувофиқ, прокуратура органлари қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиш, ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш йўли билан ўз фаолиятини ошқора амалга оширади.

Яъни, прокуратура иш фаолиятини қонунда белгиланган (рухсат берилган) доирада аҳоли ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун очиқ маълумот ва ахборот олиш имкониятини яратган ҳолда олиб боришлари шарт.

Прокуратура органларида ишларни ташкил этишда соҳавийлик, минтақавийлик тамойиллари, вазифаларни тақсимлаш, режалаштириш, таҳлил, баҳолаш усуллари қўлланилади.

*Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органлари қонун ҳужжатларида белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун ўз фаолиятини раҳбарий меъёрлар – тамойиллар асосида ташкил этади. Прокуратура органлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тамойилларига риоя этилиши фаолиятнинг самарадорлик даражасини белгилайди.*

*Бугунги кунда прокуратуранинг аҳамиятини янада тўлиқ намоён қилиш ва иш унумдорлигини ошириш учун унинг фаолиятини ташкил этиш асослари ҳам такомиллаштириб борилиши лозим.*

## **II БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид халқаро стандартлар ва хориж тажрибаси**

Халқаро ҳуқуқ амалиёти ва суд-ҳуқуқ тизими ривожланиши натижасида прокуратура органларининг фаолияти бўйича қатор халқаро мезонлар – стандартлар шаклланган. Бундай стандартлар дастлаб тажриба сифатида қарор топиб, кейинчалик халқаро ҳужжатлар билан ўрнатилган.

Прокуратура органлари фаолиятига оид халқаро стандартлар ҳақида фикр юритганда, уларни тизимлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқаро стандартларни ўрнатувчи ҳужжатлар уларни қабул қилган субъектлар ва амал қилиш доирасига кўра шартли равишда **3 гуруҳ** – универсал, минтақавий ва иккитомонлама ҳужжатларга бўлинади.

Жумладан, **универсал ҳужжатларга** халқаро ташкилотлар қабул қилган ва аъзо давлатлар учун амал қиладиган халқаро ҳужжатлар киради.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ), БМТнинг Тараққиёт Дастури, БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Халқаро прокурорлар ассоциацияси ва бошқалар томонидан қабул қилинган ҳужжатларни ушбу туркумга киритишимиз мумкин.

Масалан, 1990 йил 7 сентябрда Кубанинг Гавана шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муомала қилиш бўйича 8-Конгресси томонидан “Прокурорларнинг роли тўғрисидаги тавсиялар” қабул қилинган<sup>1</sup>.

Мазкур тавсиялар иштирокчи давлатларни жиноят процессида прокурорларни адолатли, холис, самарали бўлишини рағбатлантириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг аниқ кафолатлари ва ўзак қадриятларини таъминлаш мақсадида уларга ёрдам беришга чақиради.

Тавсияларда айбловчиларни танлаш, касбий тайёрлаш ва уларнинг мақоми, вазифалари, хулқи, жиноий судлов тизимида уларнинг ҳиссасини ошириш имкониятлари, полиция билан ҳамкорлик тамойиллари, ваколатлари ва ихтиёрларининг чегараси ва жиноят процессидаги ролига эътибор қаратилган.

Мазкур ҳужжат прокуратура органларининг ушбу йўналишдаги ишини баҳолашда қўлланиладиган халқаро стандартлар доирасини ифода этади<sup>2</sup>.

Ушбу ҳужжатнинг 12-моддасига кўра, жиноий таъқибни амалга оширувчи шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз мажбуриятларини адолатли, изчил

<sup>1</sup> Guidelines on the Role of Prosecutors // [Электронманба]. URL: <https://www.chchr.org/> (мурожаат вақти: 13.04.2021 й.)

<sup>2</sup> [Электрон манба]. URL: [https://www.unodc.org/pdf/criminal\\_justice/10-2547\\_2\\_Justice\\_3\\_ebook.pdf](https://www.unodc.org/pdf/criminal_justice/10-2547_2_Justice_3_ebook.pdf) (мурожаат вақти: 11.06.2021 й.)

ва тезкорлик билан бажаришлари, инсон ҳуқуқлари ва инсоний қадр-қимматни ҳурмат қилишлари ва асрашлари, шу орқали жиноий жараён ва жиноий одил судлов тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлашга ҳисса қўшишлари лозим.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 58/4-сонли резолюцияси билан қабул қилинган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси” 11-моддаси 2-бандига кўра, ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳуқуқ тизимининг асосий тамойилларидан келиб чиқиб, суд тизимига кирмайдиган, аммо суд ҳокимияти билан бир хил мустақилликка эга бўлган прокуратура органлари мустақиллигига зарар етказмаган ҳолда, прокурорлар ва бошқа ходимларнинг ҳалоллиги ва сотилмаслигини мустаҳкамлаш ҳамда улар орасида коррупция учун ҳар қандай имкониятларга барҳам бериш чораларини кўради<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1604-сонли (2003) “Қонунлар устуворлигига асосланган демократик жамиятда прокуратура роли ҳақида”ги Тавсияларига кўра, Ассамблея қонун устуворлигини ҳимоя қилиш, фуқароларни жиноий тажовузулардан асраш, гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишидаги прокуратуранинг муҳим ролини тан олади ва юқори баҳолайди.

Мазкур ҳужжатда прокуратура органларининг жиноят қонунчилиги соҳасига кирмайдиган функциялари бўйича қуйидагилар тавсия этилган:

- прокурорнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатлари ҳеч қандай манфаатлар тўқнашувига олиб келмаслиги ва ўз ҳуқуқларини давлат орқали ҳимоя қилишга интилаётган шахсларни четга суриб қўймаслиги керак;

- прокуратура органлари давлат ҳокимияти исталган тармоғининг индивидуал ишлар даражасидаги аралашувларидан тўлиқ мустақил бўлгандагина ҳокимиятнинг тақсимланиши самарали бўлади;

- прокурорларнинг ваколатлари ва функциялари жиноят содир этган шахсларни жиноий таъқиб қилиш, ишларни жиноий судловга юбориш орқали давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг умумий вазифалари билан чекланиб,

---

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси” 11-моддаси // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml) (мурожаат вақти: 11.06.2021 й.)

**бошқа ҳар қандай функцияларни бажариш учун алоҳида, йўналтирилган ва самарали органлар ташкил этилади<sup>1</sup>.**

Жумладан, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг (2012) 11-сонли “Прокурорларнинг жиноий судловдан ташқаридаги роли тўғрисида”ги Тавсиялари давлатнинг ички ҳуқуқий тизими прокурорлар жиноий судловдан ташқари функцияларини назарда тутган барча ҳолатлар учун таклиф этилган.

Бунда, прокурорларнинг жиноий судловдан ташқари вазифалари умумий ва жамоат манфаатлари, инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқ устуворлигини ифодалаш ҳисобланади.

Прокурорларнинг жиноий судловдан ташқари функция ва ваколатлари барча ҳолатларда қонунда назарда тутилиши ва бирон-бир тушунмовчилик бўлмаслиги учун аниқ белгиланиши лозим.

Прокурорлар ўз функцияларини тўлақонли амалга оширишлари учун ўз ихтиёрида барча зарур молиявий ва кадрлар ресурсларига, шунингдек, керакли тайёргарликдан ўтиш имконига эга бўлиши зарур.

Ушбу Тавсияларда прокурорнинг суддаги иштироки, қонунлар ижросини назорат қилишдаги роли, халқаро ҳамкорлик ва бошқа масалалар ўрин олган<sup>2</sup>.

Булардан ташқари, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг “Жиноят ишлари бўйича суд тизимида давлат прокурорларининг роли тўғрисида”ги тавсиялари (2000)<sup>3</sup>, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1604-сонли “Қонунлар устуворлигига асосланган демократик жамиятда прокуратура роли ҳақида”ги Тавсиялари (2003), Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг 4-сонли Қарори (2004)<sup>4</sup>, Европа давлатлари Бош прокурорларининг 2005 йил 31 майдаги “Прокурорлар этикаси ва ҳуқ-атвори

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1604-сонли (2003) “Қонунлар устуворлигига асосланган демократик жамиятда прокуратура роли ҳақида”ги Тавсияси // [Электрон манба]. URL: [https://www.coe.int/T/t/Parliamentary\\_Assembly/\[Russian\\_documents\]/\[2003\]/Rec1604.asp](https://www.coe.int/T/t/Parliamentary_Assembly/[Russian_documents]/[2003]/Rec1604.asp) (мурожаат вақти: 11.06.2021 й.)

<sup>2</sup> Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг (2012) 11-сонли “Прокурорларнинг жиноий судловдан ташқаридаги роли тўғрисида”ги Тавсияси // [Электрон манба]. URL: <https://rm.coe.int/1680a21d04> (мурожаат вақти: 11.06.2021 й.)

<sup>3</sup> Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 2000 йилдаги “Жиноят ишлари бўйича суд тизимида давлат прокурорларининг роли тўғрисида”ги тавсияси // [Электрон манба]. URL: <https://www.refworld.org/>,

<sup>4</sup> Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг 4-сонли (2004) қарори // [Электрон манба]. URL: <https://normativ.kontur.ru/document?moduleId=1&documentId=177673>.

бўйича Европа раҳбарий принциплари” (Будапешт раҳбарий принциплари)<sup>1</sup>, Европа Кенгашининг “Давлат прокурорларининг этикаси ва ижроси тўғрисида”ги тавсиялари (2005)<sup>2</sup>, Европа судьялари ва прокурорлари маслаҳат кенгашларининг “Демократик жамиятда судьялар ва прокурорлар тўғрисида”ги Бордо Декларацияси<sup>3</sup> (2009) ва бошқалар Европада прокуратурага оид халқаро стандартларни белгиловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

**Минтақавий ҳужжатлар** сирасига минтақавий ташкилотлар доирасида амал қилувчи меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) Бош прокурорларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши (БПМК), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ҳужжатлари киради.

МДХ иштирокчи - давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг 2006 йил 16 ноябрдаги 27-мажлисида 27-6-сонли қарори билан қабул қилинган “Прокуратура тўғрисидаги намунавий қонун” ташкилотнинг аъзо давлатлари учун прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг намунавий қоидалари мажмуи сифатида тавсия этилган.

**Иккитомонлама ҳужжатлар** эса, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан прокуратура фаолиятига оид масалалар бўйича келишувлари ҳисобланади. Бош прокуратура билан муайян хорижий давлатнинг ваколатли органи ўртасида тузилган ҳамкорликка оид ҳужжатлар ушбу гуруҳга мансубдир.

Жумладан, Бош прокуратура томонидан чет эл давлатлари прокуратуралари билан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам соҳасида **16** та, экстрадиция бўйича **12** та, маҳкумларни ўтказиш бўйича **7** та хорижий давлат билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишувлар тузилган.

Шунингдек, Бош прокуратура **2** та минтақавий конвенция (Минск, Кишинев конвенциялари), **3** та универсал конвенция (БМТ Коррупцияга қарши

---

<sup>1</sup> Европа давлатлари Бош прокурорларининг “Прокурорлар этикаси ва ҳулқ-атвори бўйича Европа раҳбарий принциплари” 2005 йил 31 май. // [Электрон манба]. URL: <https://stylopedia.ru/2x598.html>.

Будапешт раҳбарий принциплари. 2005 йил 31 май. // [Электрон манба]. URL: <https://stylopedia.ru/2x598.html>.

<sup>2</sup> European guidelines on ethics and conduct for public prosecutors // [Электронманба]. URL: <https://rm.coe.int/>.

<sup>3</sup> “Демократик жамиятда судьялар ва прокурорлар тўғрисида”ги Бордо Декларацияси 2009.// [Электрон манба].URL: <https://rm.coe.int/>.

курашиш, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда Гиёҳвандликка қарши курашиш конвенциялари)<sup>1</sup> иштирокчиси ҳисобланади.

Прокуратура органларига оид халқаро стандартлар ҳақида гап кетганда, 1995 йилда ташкил этилиб, ҳозирда дунё бўйлаб **177** та мамлакатдан **183** та ташкилот ва **1 900** индивидул шахслар аъзо бўлган **Халқаро прокурорлар ассоциацияси** (ХПА)нинг ҳужжатлари алоҳида ўрин тутди.

Ушбу ташкилот томонидан қабул қилинган 1999 йил 23 апрелдаги “Прокурорларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчларининг баёни ҳамда касбий жавобгарлик стандартлари”<sup>2</sup> дунё бўйлаб прокуратура органлари томонидан риоя этилиши лозим бўлган минимал стандартларни ўз ичига олади ва прокурорларнинг касбий хулқ-атвори, мустақиллиги, холислиги, жиноят процессидаги роли, ҳамкорлик ва ваколат масалаларига дахл қилади.

**Прокуратура органлари фаолиятига оид халқаро стандартларни қуйидаги йўналишлар бўйича туркумлаш мумкин:**

1) Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш, прокуратура бошқарувида коллегиял органлар ролини кучайтириш;

2) Прокурорларнинг мустақиллиги, шаффофлиги, холислиги ва малакасига оид стандартлар;

3) Прокуратура фаолияти устидан назорат механизмлари, унинг жамият олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш.

**Прокуратура органлари бошқарувида коллегиял органлар ролини кучайтириш** масаласи муҳим халқаро стандартлардан бири ҳисобланади.

Бу борада Европа прокурорлари маслаҳат кенгашининг “Прокурорларнинг мустақиллиги, ҳисобдорлиги ва этикаси бўйича” 13-сонли тавсияси (2018) 24-бандида прокурорларнинг лавозимга (юқори) тайинланиши, ва интизомий жавобгарликка тортилиши прокуратура органлари кенгаши сингари мустақил профессионал орган томонидан назорат қилиши назарда тутилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: [https://www.unodc.org/pdf/criminal\\_justice/10-2547\\_2\\_Justice\\_3\\_ebook.pdf](https://www.unodc.org/pdf/criminal_justice/10-2547_2_Justice_3_ebook.pdf) (мурожаат вақти: 11.06.2021 й.)

<sup>2</sup> Standards of professional responsibility and statement of the essential duties and rights of prosecutors // [Электрон манба]. URL: <https://www.iap-association.org/> (мурожаат вақти: 11.06.2021 й.)

<sup>3</sup> Европа прокурорлари маслаҳат кенгашининг “Прокурорларнинг мустақиллиги, ҳисобдорлиги ва этикаси бўйича” 13-сонли тавсияси (2018) // [Электрон манба]. URL: <https://www.osce.org/files/f/documents/3/5/447865.pdf>.

Жумладан, Сербия, Албания, Польша, Эстония, Латвия, Хорватия, Молдова ва Грузияда прокуратура бошқарувида коллегиял органлар мавжуд.

Масалан, Сербиянинг “Прокурорларнинг давлат кенгаши тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ, прокурорларнинг давлат кенгаши давлат прокурорлари ва уларнинг ўринбосарларининг мустақиллигини таъминловчи мустақил орган ҳисобланади<sup>1</sup>. Кенгаш таркиби Бош прокурор, Адлия вазири, Миллий Ассамблеянинг ваколатли қўмитаси раиси ҳамда Миллий Ассамблея томонидан сайланадиган саккиз нафар аъзодан иборат бўлади.

Кенгаш Бош прокурор лавозимига номзодлар рўйхатини тасдиқлайди ҳамда лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади, шунингдек, прокурор ўринбосарларининг ваколатини тугатиш масаласини ҳал қилади.

Худди шундай амалиёт Грузия, Молдова ва Латвия прокуратураси бошқарувида ҳам жорий этилган<sup>2</sup>.

Прокурорлар фаолиятини белгиловчи навбатдаги жиҳатлар бу – уларнинг **мустақиллиги, шаффофлиги, холислиги ва малакасига оид стандартлардир.**

БМТнинг юқоридаги Тавсиясига кўра, **мустақиллик тамойили** орқали прокурорлардан қонунийликни мустаҳкамлаш, адолатни кафолатлаш, қонунларга ҳурмат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаб қилинади<sup>3</sup>.

ХПАнинг “Прокурорларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчларининг баёни ҳамда касбий жавобгарлик стандартлари” муқаддимасида “Прокурорлар ... изчил, мустақил ва холис бўлишга интилиши ва шундай кўринишга эга бўлиши керак”<sup>4</sup>лиги кўрсатилган.

Ушбу ҳужжатнинг **2-моддасида** муайян юрисдикцияда прокуратуранинг рухсат берилган идоравий ваколатларини амалга ошириши мустақил ва сиёсий аралашувсиз кечиши лозим деб таъкидланган.

<sup>1</sup> Law of the Republic of Serbia on the State Council of Prosecutors // [Электронманба]. URL: <https://mLos.jt.rs/dokumenta/zakoni-i-propisi/>. (мурожаат вақти: 08.05.2021 й.)

<sup>2</sup> The Constitution of Georgia // [Электронманба]. URL: <https://matsne.gov.ge/en/document/view/30346%3B?publication-34>. (мурожаат вақти: 08.05.2021 й.)

<sup>3</sup> Прокуратура в правовом государстве / Материалы многосторонней встречи, организованной Советом Европы и Генеральной прокуратурой РФ. – М., 1997. с. 45 (мурожаат вақти: 08.05.2021 й.)

<sup>4</sup> Стандарты профессиональной ответственности и положение об основных обязанностях и правах прокуроров. Международной ассоциацией прокуроров 23 апреля 1999 года // [Электрон манба]. URL: <https://www.iap-association.org/>. (мурожаат вақти: 01.06.2021 й.)



Шунингдек, бошқа органлар прокурорларга умумий ёки махсус кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлса, бундай кўрсатмалар шаффоф, қонуний ва прокуратура мустақиллигини идрок этиш ва ҳимоя қилиш учун раҳбарий таъминот билан ўрнатилган қоидаларга қатъий мос бўлиши шарт.

Мазкур ҳужжатга кўра, прокурорлар ўз касбий вазифаларини мустақил ва ушбу стандартларга мувофиқ тарзда бажаришларини таъминлаш учун **ҳукуматнинг ўзбошимчалик ҳаракатларидан ҳимояланган бўлиши** керак.

Умуман олганда, прокурорлар бу борада қуйидаги ҳуқуқ, ваколат, мажбурият ва имкониятларга эга бўлиши лозим:

- профессионал функциясини қўрқитишсиз, тўсиқсиз, таъқибсиз, ноқонуний аралашувсиз ёки асоссиз фуқаролик, жиноий ва бошқа жавобгарликсиз бажариш;

- ўз касбий функцияларини бажаришлари туфайли шахсий дахлсизлигига таҳдид туғилганда оиласи билан биргаликда давлатнинг ҳимояси остида бўлиш;

- хизматни олиб боришнинг оқилона шароитини яратиш, уларнинг бажарадиган ишига мос келадиган иш ҳақи тўлаш, шунингдек, иш ҳақи ёки бошқа имтиёзларини ўзбошимчалик билан пасайишига йўл қўймаслик;

- лавозимда бўлиш, пенсия, ёлланиш ёки алоҳида ҳолларда сайланиш шартларига мувофиқ тарзда пенсияга чиқиш ёшининг оқилона ва тартибга солинадиган муддати;

- ишга қабул қилиш ва лавозимга кўтаришни объектив омиллар – касбий малакаси, қобилияти, интизоми, одоб-ахлоқи, иш самарадорлиги ва тажрибаси асосида амалга ошириш ҳамда қарорларни адолатли ва холис қабул қилиш;

- тегишли касбий стандартлар доирасидан ташқаридаги хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги шикоятлар билан боғлиқ ҳолда интизомий чора қўллаш талаб этилганда қонунга асосланган ҳолда тезкор ва холис эшитувлар ўтказиш;

- касбий ассоциациялар ва бошқа ташкилотлар тузиш ҳамда уларда ўз манфаатларини илгари суриш, касбий тайёргарликни ошириш ва ўз мақомини муҳофаза этиш мақсадида иштирок этиш;

- касбий стандартлар ёки ахлоқ қоидаларига зид бўлган ноқонуний буйруқ ёки буйруқни бажаришдан озод қилиш<sup>1</sup>.

Бу борада, Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти томонидан 2020 йилда нашр этилган “Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Тинч океани ҳудуди бўйича прокурорларнинг мустақиллиги”<sup>2</sup> қўлланмасига кўра, прокурорнинг мустақиллигини таъминлаш учун уларни хизматга қабул қилиш ва лавозимини кўтариш касбий ваколат ва ҳалоллик мезонлари асосида **адолатли, ҳолис ва рақобатбардош танлов** орқали амалга оширилиши керак.

Бунда, ишга қабул қилиш ва лавозимга кўтариш тартиби қонун билан қатъий тартибга солиниши, танлов ўтказилишидан олдин танлов тартиби ва мезонлари оқилона вақт ичида жамоатчиликка маълум қилиниши, танлов юқори касбий малакага асосланган бўлиши, ҳеч қандай аниқ сиёсий гуруҳ ёки ташкилот унда иштирок этишга таъсир қилмаслиги танловнинг шarti ҳисобланади.

Халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида халқаро экспертларнинг мулоҳазаларига тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Жумладан, БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судлар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия - Саяннинг 2019 йил 19-25 сентябрь кунлари мамлакатимизга ташрифи давомида тайёрланган Ўзбекистон суд тизими ҳақидаги ҳисоботида прокурор лавозимига номзодларни тайинлаш механизмини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилган.

Ҳисоботда маърузачи “Бош прокурор лавозимига номзодни тайинлаш ва уни четлатиш бўйича аниқ мезонларнинг йўқлиги прокуратура мустақиллиги таъминланишига тўсиқ бўлиши, жиддий коррупция эҳтимолини юзага келтириши мумкин”лигини ҳам таъкидлаган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.iap-association.org/Russian/Документация-МАП/Стандарты-МАП>. (мурожаат вақти: 03.04.2021 й.)

<sup>2</sup> OECD (2020), The Independence of Prosecutors in Eastern Europe, Central Asia and Asia Pacific//[Электрон манба]. URL:<https://www.oecd.org/corruption/acn/The-Independence-of-Prosecutors-in-Eastern-Europe-Central-Asia-and-Asia-Pacific.pdf>.

<sup>3</sup> БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судлар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг Ўзбекистонга ташрифи бўйича тайёрланган ҳисоботи. // [Электрон манба]. URL:<https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/17/review/>; <https://undocs.org/ru>. (мурожаат вақти: 06.05.2021 й.)

Халқаро тажрибада **прокурорларни касбий тайёрлаш** нафақат лавозим учун зарур бўлган касбий билим ва кўникмаларни эгаллашни, балки, касбий фаолият давомида доимий таълим олишини назарда тутди.

Масалан, Бельгия, Болгария, Дания, Эстония, Финляндия, Франция, Италия, Латвия, Литва ва Польша давлатларида амалиётчи юристларни, шу жумладан, прокурорларни узлуксиз ошириш тартиби ўрнатилган<sup>1</sup>.

Мавзу доирасида **прокуратура фаолияти устидан назорат механизмлари** бўйича халқаро стандартлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Бу борада, БМТ Бош Ассамблеясининг 2012 йил 7 июндаги “Судьялар ва юристлар мустақиллиги тўғрисида”ги ҳисоботида<sup>2</sup> халқнинг прокуратурага бўлган ишончини ошириш учун прокуратура органларининг кенг жамоатчилик олдида бевосита ёки билвосита ҳисобдор бўлишлари кераклиги таъкидланган. Бунда, прокуратура устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида уларнинг қарори устидан шикоят қилиш тартибини жорий этиш тавсия этилган.

Венеция Комиссиясининг “Суд тизимининг мустақиллиги бўйича Европа стандартлари тўғрисида”ги ҳисоботи (2010) иккинчи қисмига мувофиқ прокурорнинг инсон ҳуқуқларини чеклайдиган жиноят-процессуал ҳаракатлари суд назоратида бўлиши кераклиги белгиланган<sup>3</sup>.

Жумладан, Германия<sup>4</sup>, Литва<sup>5</sup>, Туркия, Эстония ва Қозоғистон<sup>6</sup> давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигида прокурорнинг процессуал ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судга шикоят қилиш тартиби мавжуд.

<sup>1</sup> The Training of Judges and Legal Practitioners - Ensuring the Full Application of EU Law // [Электрон манба]. URL: <https://www.europarl.europa.eu/>. (мурожаат вақти: 06.05.2021 й.)

<sup>2</sup> Venice Commission, Report on European standards, para . 87.10 .

<sup>3</sup> Report on European standards as regards the independence of the judicial system // [Электрон манба]. URL: <https://www.venice.coe.int/> (мурожаат вақти: 06.05.2021 й.)

<sup>4</sup> Германия Жиноят-процессуал кодекси 07.04.1987. // [Электрон манба]. URL: [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_stpo/englisch\\_stpo.html](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stpo/englisch_stpo.html) (мурожаат вақти: 06.05.2021 й.)

<sup>5</sup> Republic of Lithuania law on the Prosecution Service 13 October 1994 // [Электрон манба]. URL: [https://www.legislationline.org/download/id/7470/file/Lithuania\\_law\\_prosecution\\_service\\_1994\\_am2014\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/7470/file/Lithuania_law_prosecution_service_1994_am2014_en.pdf).

<sup>6</sup> Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 2014 йил 4 июль 231-V-сон. // [Электрон манба]. URL: <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>; (мурожаат вақти: 06.05.2021 й.)

Эстония Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 2003 йил 12 февраль. // [Электрон манба]. URL: [https://www.legislationline.org/download/id/6463/file/Estonia\\_CPC\\_as\\_of\\_2005\\_ru.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6463/file/Estonia_CPC_as_of_2005_ru.pdf); (мурожаат вақти: 11.06.2021)

Туркия Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 2004 йил 17 декабрь. // [Электрон манба]. URL: [https://www.legislationline.org/download/id/4257/file/Turkey\\_CPC\\_2009\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/4257/file/Turkey_CPC_2009_en.pdf). (мурожаат вақти: 11.06.2021 й.)

БМТнинг Наркотик моддалар жиноят бошқармаси ҳамда ХПАнинг 2014 йилдаги “Прокурорларнинг мақоми ва роли тўғрисида”ги қўшма хулосасида прокуратурага юклатилган вазифа ва функцияларни қонуний ва самарали амалга оширилаётганлигини баҳолаш мақсадида унинг қарорларини қайта кўриб чиқиш ваколатига эга махсус ички ва ташқи органларни ташкил этиш тавсия қилинган.

Масалан, Японияда вилоят даражасидаги суд органлари ҳузурида прокуратура органларининг тергов фаолиятини назорат қилиш бўйича Қўмита<sup>1</sup> ташкил этилган. Фуқаролар орасидан сайланадиган 11 нафар аъзодан иборат ушбу қўмита фаолиятининг мақсади тергов жараёнида прокуратура ходимларининг ҳаракатлари қонунийлигини назорат қилиш ҳисобланади.

Норвегияда Адлия ва полиция вазирлиги (The Ministry of Justice and the Police) ҳузурида **Полиция фаолиятини тергов қилиш бюроси**<sup>2</sup> (The Norwegian Bureau for the Investigation of Police Affairs) мавжуд бўлиб, ушбу Бюро прокуратура ва полиция ходимларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан тергов олиб бориш ҳуқуқига эга ваколатли орган ҳисобланади.

Прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини белгилайдиган яна бир муҳим омил бу – **унинг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигидир.**

Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 2000 йилдаги “Жиноят ишлари бўйича суд тизимида давлат прокурорларининг роли тўғрисида”ги тавсияларининг 11-бандида давлат прокуратураси ўз фаолияти юзасидан даврий ва ошқора ҳисобот бериши кераклиги белгиланган.

Унга кўра, прокуратура жамоат манфаатларини ҳимоя қилувчи орган бўлганлиги учун ўз фаолияти ҳақида маҳаллий ва вилоят даражасида, марказлаштирилган бўлса, миллий даражада ҳисоб бериши лозим.

Прокурорларнинг доимий ҳисобдорлиги халққа тегишли бўлиб, бу бевосита оммавий ахборот воситалари ёки нашр этилган ҳисоботлар орқали ёки сайланган ассамблея олдида амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Европа судьялари ва прокурорларининг маслаҳат кенгашларининг 2014 йилдаги “Прокурорларга тегишли Европа нормалари ва принциплари бўйича

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL:[https://www.courts.go.jp/links/kensin/seido\\_gaiyo/index.html](https://www.courts.go.jp/links/kensin/seido_gaiyo/index.html) (мурожаат вақти: 11.06.2021 й.)

<sup>2</sup> [Электрон манба]. URL:<https://www.spesialenheten.no> (мурожаат вақти: 11.06.2021 й.)

тавсиялари”да прокуратура органлари ўз фаолияти юзасидан амалга оширилган (оширилаётган) ишлар тўғрисида маълумотларни ОАВ орқали доимий равишда кенг жамоатчиликни хабардор қилиш амалиётини йўлга қўйиш белгиланган.

Бу борада, Литванинг “Прокуратура хизмати тўғрисида”ги Қонуни<sup>1</sup> 4-моддасига мувофиқ, Бош прокурорнинг Сеймга тақдим этган прокуратура органлари фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларини прокуратура хизматининг расмий сайтига доимий равишда жойлаштириб бориш белгиланган.

Украинанинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни<sup>2</sup> 6-моддасига асосан прокуратура органлари ҳар йили камида икки марта ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликни хабардор қилади.

Прокуратура органларининг фаолиятига оид хорижий тажриба ҳақида гапирганда, чет мамлакатлар **прокуратураларининг функциялари модели** ҳамда **давлат тизимида тутган ўрнига** алоҳида тўхталиш лозим бўлади:

**1.** Илмий адабиётларда хорижий мамлакатлардаги прокуратура органлари функцияларининг мазмунига кўра **2 та моделга** ажратилади:

**Биринчи моделга** континентал (ғарб) ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларнинг мутлақ кўпчилиги киради. Ушбу мамлакатларда прокуратура жиноятчиларни жавобгарликка тортиш, давлат айбловини судда қўллаб-қувватлаш, шунингдек, дастлабки тергов жараёни ва шахсларни ҳибсда сақлашнинг қонунийлигини назорат қилувчи орган ҳисобланади.

Ғарбда давлатларида умумий назоратнинг мавжуд эмаслиги уларда фуқаролик жамияти аллақачон шаклланганлиги, тартибга солиш механизмлари, шу жумладан, барқарор қонунчилик, қонунга ҳурмат ва унинг олдида жавобгарликнинг ҳуқуқий анъаналари мавжудлиги билан изоҳланади.

**Иккинчи моделни** социалистик (ХХР, КХДР, Куба, Вьетнам ва бошқалар) ва бир қатор МДҲ мамлакатларида кўриш мумкин. Ушбу давлатларда прокуратура қонунийлар ижросини умумий назорат қилиш билан бирга жиноий

<sup>1</sup> Republic of Lithuania law on the Prosecution Service 13 October 1994 // [Электрон манба]. URL: [https://www.legislationline.org/download/id/7470/file/Lithuania\\_law\\_prosecution\\_service\\_1994\\_am2014\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/7470/file/Lithuania_law_prosecution_service_1994_am2014_en.pdf). (мурожаат вақти: 21.05.2021 й.)

<sup>2</sup> Украинанинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил 14 октябрь 1697-VII-сон. // [Электрон манба]. URL: [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=31619547 - pos=0;0](http://continent-online.com/Document/?doc_id=31619547 - pos=0;0) (мурожаат вақти: 21.05.2021 й.)

таъқиб қилиш, терговга процессуал раҳбарлик ва судда айбловни қувватлайдиган кўп функцияли орган сифатида фаолият юритади.

“Умумий назорат” деб номланган функция ҳозирги пайтда социалистик, шунингдек, кўплаб пост-социалистик мамлакатлар, яъни Беларусия, Болгария, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Руминия, Тожикистон, Туркменистон прокуратураларига хосдир.

Жиноий таъқибини бошлаш ва айбловни қўллаб-қувватлаш функциялари ҳар иккала моделдаги деярли барча прокуратураларда мавжуддир.

Арманистон, Озарбайжон, Беларусия, Болгария, Венгрия, Германия, Хитой, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Норвегия, АҚШ ва Японияда прокуратуранинг кенг тарқалган функцияси – дастлабки терговни ўтказиш ҳисобланади. Россия, Қозоғистон каби давлатларда жиноятлар бўйича дастлабки терговни прокуратурадан ажратилган махсус ташкилотлар олиб боради.

Дастлабки тергов ва суриштирувнинг қонунийлигини назорат қилиш Арманистон, Беларусия, Болгария, Венгрия, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Россия, Туркменистон, Франция, Швейцария, Японияда прокуратуранинг кенг тарқалган вазифасидир.

Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Чехия мамлакатлари қонунчилигида прокуратура органларининг дастлабки терговга процессуал раҳбарликни амалга ошириш функциялари белгиланган.

Суд қарорларининг қонунийлиги устидан прокурор назорати функцияси, қоида тариқасида, юқори судга шикоят қилиш имкониятидан иборат бўлиб, Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Россия Конституциялари ва қонунларида мустаҳкамланган.

Жазо ва бошқа чораларни қўллашни назорат қилиш, бир томондан, жиноий таъқиб қилишнинг асосий вазифаси, бошқа томондан эса, инсон ҳуқуқларининг ҳимоясига оид функциялари билан боғлиқ бўлиб, Арманистон, Беларусия, Венгрия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Россия, Руминия, Туркменистон, Эстония қонунчилигида кўзда тутилган.

2. Прокуратура органларининг давлат институтлари тизимидаги ўрнидан келиб чиқиб **тўртта гуруҳга** ажратиш қабул қилинган<sup>1</sup>:

- 1) прокуратура органлари Адлия вазирлиги таркибига киради;
- 2) прокуратура органлари суд тизими таркибига тўлиқ кирган ҳолда суд органлари ҳузурида фаолият юритади;
- 3) прокуратура органлари мустақил алоҳида тизим ҳисобланиб, парламент ёки давлат раҳбари олдида ҳисобдор бўлган ҳолда фаолият юритади;
- 4) прокуратура органлари ёки уларнинг бевосита аналоғи мавжуд эмас.

**Биринчи гуруҳ** адлия таркибига кирувчи прокуратуралар бўлиб, АҚШ, Канада, Германия, Франция, Туркия, Белгия, Нидерландия, Дания, Руминия, Корея Республикаси, Италия, Исроил, Япония, Грузия, Эстония, Сурия киради.

Жумладан, **Францияда** Бош прокурор ва Адлия вазири лавозимлари алоҳида ташкил этилган бўлиб, прокуратура Адлия таркибига киради ва мамлакат Бош прокурори Адлия вазирига бўйсунди.

Ушбу давлат прокуратураси ваколатларига суд полициясини назорат қилиш, жиноий айбловни судда қўллаб-қувватлаш, жамият манфаатлари талаб қилганда фуқаролик ишларида иштирок этиш киради. Прокурорлар ўз вазифаларини бажаришда тўлиқ мустақил ҳаракат қиладилар.

**Италия** ва **Руминияда** прокурорлар суднинг бир қисми бўлгани ҳолда, ташкилий жиҳатдан Адлия вазири, яъни ижро этувчи ҳокимиятга бўйсунди.

Худди шундай, **Германияда** ҳам прокуратура адлия тизимининг бўлаги бўлиб, унинг кўрсатмаларига бўйсунди. Прокуратура органларининг асосий вазифаси жиноий таъқиб қилиш, яъни жиноят ишларини қўзғатиш, айбловни илгари суриш этиш ва ҳукмни ижро этиш ҳисобланади.

**Японияда** прокуратура ташкилий жиҳатдан Адлия вазирлиги таркибига кирсада, прокурорлар ўз касбий вазифаларини мустақил амалга оширадилар.

Япония прокуратурасининг асосий вазифалари – энг муҳим ва мураккаб жиноий ишларни дастлабки тергов қилиш, баъзи ҳуқуқбузарларни судсиз жиноий жавобгарликка тортиш, судда айбловни қувватлаш, полиция ишини

<sup>1</sup> Корчинский П.П. “Прокуратура в системе конституционного права: сравнительно правовой анализ”, Автореферат, Симферопол, 2020.

ҳамда жазоларнинг ижросини назорат қилишдир<sup>1</sup>.

АҚШда эса Адлия вазири (Бош Атторней) бир вақтнинг ўзида Бош прокурор ҳисобланиб, у қонунларга риоя этилиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини назорат қилади, шунингдек, Федерал тергов бюросининг умумий раҳбарлигини амалга оширади.

Ҳозирда АҚШ прокуратурасининг ваколатлари сезиларли даражада кенгайиб бормоқда ва бу орган мамлакатдаги энг қудратли ҳукумат идораларидан бири ҳисобланади.

АҚШ прокуратураси марказлаштирилмаган ва учта мустақил даража: федерал, штат ва маҳаллий прокуратураларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири минтақанинг хос юрисдиксияси доирасида ишлайди. АҚШ прокурорлари федерал қонунлар (қарорлар, низомлар ёки қоидалар)нинг бошқа давлат органлари томонидан ижро этилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Таъкидлаш керакки, бу тоифа мамлакатларининг кўпчилигида (Бразилия, Туркия, Руминия, Грузия каби давлатлардан ташқари) прокуратуранинг мақоми Конституция билан белгиланмаган. Масалан, АҚШ, Италия, Япония, Франция, Германияда прокуратура тўғрисидаги асосий қоидалар махсус қонунлар ёки процессуал кодекслар билан тартибга солинган.

**Иккинчи гуруҳ** мамлакатларида прокуратура суд тизимининг тўлиқ таркибий қисми ҳисобланади ва ўз фаолиятини судлар билан боғлиқ равишда амалга оширади. Уларга **Испания, Колумбия, Болгария, Латвия** киради.

Жумладан, Испанияда прокуратура суд тизимига функционал мухторият билан киритилган бўлиб, вилоят даражасидаги судларда фаолият юритади. Прокуратура қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқладиган жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашади, судлар мустақиллигининг таъминланишини назорат қилади.

Ушбу мамлакат прокуратурасига суд ҳокимияти бўйича Бош кенгаш ҳулосасини эшитгандан сўнг, Ҳукумат таклифига биноан Қирол томонидан

---

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: [https://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Pravo/katshenko/45.php](https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Pravo/katshenko/45.php) (мурожаат вақти: 06.06.2021 й.)



тайинланадиган Бош прокурор раҳбарлик қилади ва у суд ҳокимияти иерархиясида Олий трибунал раисидан кейинги иккинчи шахс ҳисобланади.

Прокуратура мустақил тузилма бўлган ва қонун чиқарувчи орган ёки давлат раҳбари олдида ҳисобот берадиган **учинчи гуруҳга КХДР, ХХР, Куба, Вьетнам, Лаос, Литва, Лотин Америкаси ва МДҲ давлатлари** киради.

Ушбу мамлакатлар прокуратуралари зиммасига юқорида қайд этилган функциялар билан бирга **қонунлар ижроси устидан назорат функцияси** ҳам юклатилган. Назоратнинг ушбу тури объекти жисмоний шахслар, турли хил муассаса ва хўжалик ташкилотлари, шунингдек, ижро этувчи органлар тизимида кирувчи давлат органлари ҳисобланади.

Шунингдек, уларнинг кўпчилигида прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми (Белоруссия, Венгрия, Бразилия ва бошқалар), унинг асосий функциялари (Озарбайжон, Албания, Арманистон, Болгария ва бошқалар) Конституцияларнинг ўзида аниқ белгилаб қўйилган.

Лотин Америкасида, хусусан, Бразилия, Колумбия ва Эквадорда прокуратура органлари маъмурий, молиявий ва функционал жиҳатдан мухториятга эга мустақил давлат органи ҳисобланади.

Масалан, Бразилия Конституциясининг 127-моддасида “прокуратура – давлатнинг юрисдикция функцияси учун муҳим аҳамиятли ҳамда ҳуқуқ-тартибот, демократик режим, жамият ва шахснинг муқаррар манфаатларини ҳимоя қилишга масъул бўлган доимий муассасадир” деб кўрсатилган.

**Бирлик, бўлинмаслик ва функционал мустақиллик** ушбу давлат прокуратурасининг институционал тамойиллари бўлиб ҳисобланади.

Ушбу давлат органи Бош прокурор раҳбарлигидаги ягона марказлашган тизим бўлиб, унга Федерал прокуратура, меҳнат прокуратураси, ҳарбий прокуратура, федерал округ прокуратураси ва давлат прокуратураси киради.

**Тўртинчи гуруҳга** прокуратура ўзи ёки унинг тўғридан-тўғри аналоги умуман мавжуд бўлмаган мамлакатларни киритиш керак.

Масалан, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия мамлакатларида прокуратура махсус давлат органи сифатида мавжуд эмас. Прокуратурага хос

функциялар Бош атторнейлар ва оммавий таъқиб хизматлари томонидан амалга оширилади.

**Хулоса қилиб айтганда**, дунё мамлакатларида прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш жараёни фаол кечмоқда. Бу борада халқаро стандартларнинг ўрни бекиёсдир.

*Мамлакатимиз прокуратураси фаолиятини такомиллаштириш ҳақида ўйлар эканмиз, демократизм, қонунийлик ва иш унумдорлигини ошириш борасида халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини, миллий хусусиятларимизни инобатга олган ҳолда, қонунчилигимизга жорий этиш масаласини ҳал қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.*

## **2.2. Прокуратура органлари фаолиятидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари**

Прокуратура фаолиятини такомиллаштириш мақсадида унинг келгусидаги истиқболларини стратегик режалаштириш учун ушбу институтнинг **жорий ҳолати** ҳамда **мавжуд муаммолар** чуқур таҳлил қилиниши лозим бўлади.

Прокуратура фаолиятининг жорий ҳолати деганда, бугунги кунда унинг давлат ҳокимиятини амалга оширишда тутган ўрни, унга Конституция ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун билан, шунингдек, ислохотлар жараёнида юклатилган вазифалар ҳамда уларнинг ижроси аҳволини тушуниш лозим.

Прокуратура фаолиятидаги муаммо ҳақида сўз юритганда, нафақат хато ва нуқсонлар, балки прокуратурани такомиллаштириш, иш унумдорлигини ошириш, фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари йўлида ўз функцияларини самарали бажариши билан боғлиқ масалалар ҳам назарда тутилади.

Бу масалалар, бир томондан, жамият ва давлат ҳаётидаги воқеликлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, прокуратуранинг фаолиятида юз берадиган жараёнларга ҳам тааллуқлидир.

Ушбу муаммоларни **қўлами ва долзарблик даражасидан** келиб чиққан ҳолда **жорий** ҳамда **стратегик** муаммоларга ажратиш мумкин.

**Жорий муаммолар** сифатида прокуратуранинг доимий фаолияти билан боғлиқ, кундалик ишни ташкил этиш, шунингдек, тактик ёндашув ва имкониятлар орқали ҳал этиладиган муаммоларни кўрсатиш мумкин.

**Стратегик муаммолар** эса, прокуратуранинг узоқ истиқболга мўлжалланган ривожлантириш мақсадларига тўсқинлик қилувчи омиллар, устувор йўналишлар бўйича фаолиятни самарали ташкил этишдаги тизимли муаммолар ва стратегик аҳамиятдаги бошқа вазифалар билан боғлиқдир.

Уларга прокуратуранинг мақоми, давлат ҳокимиятида тутган ўрни, ҳокимият тармоқлари билан ўзаро муносабатлари, алоқадорлиги ва ҳамкорлиги, ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш масалалари, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, кадрлар сиёсати истиқболлари ва бошқалар киради.

Бизнингча, уларни **келиб чиқиш асослари ва ҳал қилиш усуллари**га қараб **ҳуқуқий** ва **ташкилий гуруҳларга** ажратиб тадқиқ қилиш мумкин.

Бунда, ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидаги камчиликлар билан боғлиқ ва уларнинг ечими қонунчиликни такомиллаштириш орқали бартараф этилиши мумкин муаммолар **ҳуқуқий тоифага** мансуб ҳисобланади.

Прокуратура фаолиятини ташкил этишга оид, жумладан, таркибий тузилиши билан боғлиқ масалалар **ташкилий муаммо** сифатида намоён бўлади.

Тадқиқот жараёнида сўралган респондентларнинг **18** фоизи прокуратура фаолиятининг **жиноятчиликка қарши курашиш, 16** фоизи **бошқарув, жумладан, вазифаларни белгилаш, ишни ташкил этиш ва баҳолаш, 15** фоизи кадрлар билан ишлаш, меҳнатни тартибга солиш, **13** фоиздани **терговга қадар текширув, суриштирув ва терговни олиб бориш** ҳамда муассаса **фаолиятига оид муаммоларни илмий тадқиқ қилиш** соҳаларида тизимли муаммолар мавжудлигини қайд этишган<sup>1</sup>.

**Бизнингча, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг энг асосий ва бошланғич стратегик муаммоси бу – унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқдир.**

<sup>1</sup> Қаранг: Диссертациянинг 2-илоvasи.

Маълумки, Конституцияга мувофиқ, прокуратуранинг асосий вазифаси – қонунларнинг **аниқ ва бир хилда** ижро этилиши устидан назорат қилишдир.

Бироқ, прокуратура тизимида барча қонунларнинг ижроси устидан мунтазам контрол қилиш амалиёти ва механизми шаклланмаган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалда **2 800** дан ортиқ (шу жумладан, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида) қонунлар бўлиб, амалиётда прокуратура органлари фаолияти барча қонунлар ижросини эмас, балки фақат долзарб ва устувор аҳамиятга эга бўлган қонунлар ижросини доимий назорат қилишга йўналтирилган.

Прокуратура тузилмаларининг мавжуд таркиби, штат birlikлари сони, куч ва воситалари чекланган бўлиб, юқоридаги вазифани тўлақонли бажаришнинг ҳақиқатда имконияти мавжуд эмас.

Бундан ташқари, замонавий давлатчилик шароитида жамоатчилик назоратининг фаоллашуви, давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилаётганлиги, қонунийликнинг мезонлари тез суръатларда ўзгараётганлиги **“барча қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши”** устидан назорат вазифасини аниқлаштириш ва ихчамлаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, очиқлик сиёсати фуқаролик жамиятининг асосий унсурларидан бири – жамоатчилик назоратини сезиларли даражада фаоллашувига таъсир кўрсатди ва бу ўз навбатида, қонунийлик, шу жумладан, давлат органлари фаолиятида қонунларга риоя этилиши аҳволи устидан “халқ назорати”ни фаол равишда шаклланишига замин яратмоқда.

Ўтган сўнгги беш йилда жамиятимизда юз бераётган воқеликларга, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва сиёсий жараёнларга нисбатан фуқароларимизнинг муносабат билдириш ҳолати миқдор, сифат ва натижадорлик нуқтаи назаридан тубдан ўзгарди.

Ҳозирги кунда қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назорати илгаритдан прокурор ёки давлатнинг бошқа турдаги назоратига “юк” бўлган

кўплаб вазифаларни ўзига олмоқда ва тезкор таъсир кўрсатиш жиҳатидан, хатто, бу борада сезиларли муваффақиятларни ҳам таъминламоқда.

Шунингдек, давлат бошқаруви тизимида **электрон ҳукумат** кўлами тобора кенгайиб, **ижро ҳокимияти** ривожлантирилмоқда, ахборот-технологиялари ютуқларини жорий этиш орқали **қонунлар ижросини электрон назорат қилиш** тизими самарали йўлга қўйилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент ва Ҳукуматнинг ҳуқуқий ҳужжатлари ижросини “Ijro.gov.uz” дастури орқали электрон назорат қилиш тизимини ишга туширилиши қонунийликни назорат қилишнинг самарали амалиётини вужудга келтирди<sup>1</sup>.

Ушбу дастур дастлаб Бош прокуратура, сўнгра Ҳисоб палатаси, кейинчалик Адлия вазирлиги томонидан юритилиши белгиланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сонли Фармони<sup>2</sup> ва ПҚ-3666-сонли Қарори<sup>3</sup> билан адлия органларининг асосий вазифалари қаторида ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сонли Фармонида<sup>4</sup> Адлия вазирлиги зиммасига **жамиятда қонун**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3962-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2018 й., 07/18/3962/2004-сон; 04.10.2019 й., 06/19/5846/3866-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 06/18/5415/1072-сон; 20.05.2020 й., 06/20/5997/0634-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада ташкиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/20/6021/1047-сон; 09.03.2021 ., 06/21/6184/0192-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон.

устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган изчил ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштириш кўшимча функция тариқасида юклатилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда баъзи хорижий давлатлардаги каби прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат қилиш борасидаги айрим функциялари эндиликда янги таъсис этилган инсон ҳамда тадбиркорлик ҳуқуқлари бўйича вакил институтлари томонидан амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, тегишли соҳаларда қонунийликни назорат қилишга масъул текширув органларининг сони ва фаолияти кўлами ортиб бормоқда. Биргина, ижтимоий соҳада **20 дан ортиқ** назорат органлари фаолият юритмоқда.

Ушбу жараёнлар, албатта, прокуратура назорат функциясини барча объектларда тўғридан-тўғри эмас, балки юқоридаги ҳуқуқий институтлар орқали амалга ошириш имкониятини беради.

Таъкидлаш лозимки, қонунларнинг **“аниқ ва бир хилда”** ижро этилиши устидан назорат собиқ совет давлати<sup>2</sup> прокуратурасидан “мерос” қолган институт бўлиб, бу функция бугунги кунда Ўзбекистондан ташқари фақат Тожикистон, Туркманистон ва Белорус Республикалари қонунчилигида сақланиб қолган. Қирғизистонда эса, айнан шу шаклдаги функция прокуратура томонидан фақат ижро ва бошқа давлат органларида амалга оширилиши кўзда тутилган<sup>3</sup>. Собиқ иттифоқ таркибида бўлган бошқа мамлакатларда эса, ушбу мавҳум амалиёт шаклидан аллақачон воз кечилган.

Келгусида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт мақсадлари ҳамда ҳуқуқий эҳтиёжларини ҳисобга олиб, прокуратура вазифаларини аниқлаштириш ва мақбуллаштириш бўйича чуқур тадқиқотлар ўтказилиши зарур.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонуни 669-П-сон 27.08.2004 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-440-сон 29.08.2017 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон.

<sup>2</sup> Закон СССР от 30.11.1979 О прокуратуре СССР Статья 1 // [Электрон манба]. URL: <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docview&page=1&print=1&nd=102010154&rdk=0&empire=>. (мурожаат вақти: 28.04.2021 й.)

<sup>3</sup> [Электрон манба]. URL: <http://www.ksgp-cis.ru/prokuratury-sng> (мурожаат вақти: 28.04.2021 й.)

Прокуратура фаолиятининг асосий ҳуқуқий манбаси – Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ҳақида фикр юритганда, жамият ва давлатнинг манфаат ва эҳтиёжларига мос равишда унинг мунтазам равишда ўзгариб, такомиллашиб боришини қайд этиш лозим. Мазкур қонун қабул қилинганлигига 20 йилдан ошган бўлиб, бу даврда нафақат мамлакатимизда, балки прокуратура тизимида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди.

Ушбу қонунга такомиллашув бўйича қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса-да, у **халқаро илғор стандартларга** ва мамлакатимизнинг **ҳозирги тараққиёт эҳтиёжларига** тўлиқ жавоб бермайди.

Жумладан, **биринчидан**, амалдаги қонун прокуратуранинг вазифаларини белгилаш, фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, шаффофлик ва холисликни таъминлаш, прокурорларнинг мустақиллиги, ҳисобдорлиги, иш унумдорлигини баҳолаш, кадрларни танлаш, тайинлаш, уларнинг малакаси ва масъулиятини ошириш каби масалаларни замонавий усулларда тартибга солиш борасида халқаро стандартларга мос эмас<sup>1</sup>.

Бу борада сўралган респондентларнинг **45** фоизи “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритиш, **41** фоизи эса уни **янги таҳрирда қабул қилиш** зарурлигини кўрсатган<sup>2</sup>.

**Иккинчидан**, Бош прокуратура ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси фаолият кўрсатгани ҳолда, уларнинг фаолияти юқоридаги қонун билан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорлари<sup>3, 4</sup> билан тартибга солинади. Ваҳоланки, ушбу идоралар мукаммал шаклланган, тегишли компетенцияга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сифатида Бош прокуратура тизимига киради. Шу боис, мазкур органлар фаолиятининг

<sup>1</sup> Диссертациянинг 4-бобида бу ҳақда батафсил ёритилган.

<sup>2</sup> Қаранг: Диссертациянинг 2-илоvasи.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2018 й., 06/18/5446/1251-сон; 11.01.2019 й., 06/19/5624/2471-сон, 16.03.2019 й., 06/19/5690/2772-сон; 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3016-сонли Қарори 30.05.2017 // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 425-модда, 25-сон, 531-модда.

асосий масалалари ҳам “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Учинчидан,** прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом билан белгиланган<sup>1</sup>.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси ходимларининг хизмати ҳам тегишлича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли Фармони<sup>2</sup> ҳамда 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сонли Қарори билан тасдиқланган<sup>3</sup> Низомлар билан тартибга солинган.

Бизнингча, прокуратурада хизматни ўташ тартиби бир ёки бир нечта қонуности ҳужжати билан эмас, балки, ягона қонун билан белгиланиши лозим.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг 17-бандига мувофиқ, 2019 йил 1 декабргача “Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўрсатилган<sup>4</sup>.

Дастурда, ушбу қонунда прокуратура органлари ва муассасаларида хизмат қилиш учун институционал механизмларни мустаҳкамлаш, кадрларни шаффоф танловлар асосида саралаб олишнинг мутлақо янги механизмини жорий этиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш белгиланган эди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида”ги Низом 23.05.2018 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3016-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 425-модда, 25-сон, 531-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат Дастури”нинг 17-банди // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.



**Тўртинчидан,** “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда давлат органлари функцияларини чалкаштириб юбормаслик ва қонун иерархиясига амал қилинишини таъминловчи муҳим жиҳат – прокуратура функцияларининг йўналиши, вазифаларининг доираси, ваколат ва мажбуриятларининг чегараси ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланмаган.

Хусусан, 2021 йил 21 апрелда киритилган ўзгартиришга қадар “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда **прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади** деб кўрсатилган бўлса-да, **de facto** бундай ҳуқуқий ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари билан ҳам белгилаш амалиёти шаклланган.

**Ваҳоланки,** Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни<sup>1</sup> 7-моддасига кўра, Давлат раҳбари ва Ҳукуматнинг ҳуқуқий ҳужжатлари қонуности ҳужжат бўлиб, Қонуннинг 11-моддасига биноан **қонуности ҳужжатларида қонун ҳужжатлари даражасида тартибга солиниши лозим бўлган масалалар бўйича нормалар белгиланишига йўл қўйилмайди.**

Бундан ташқари, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, прокурорнинг назорати фақат қонун ижросига қаратилган бўлиб<sup>2</sup>, **қонуности ҳужжатлар<sup>3</sup> – Давлат раҳбари ва Ҳукуматнинг ҳуқуқий ҳужжатларининг ижроси назорат предмети сифатида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган.**

Бироқ, амалиётда, айниқса охириги 5-6 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ижроси билан боғлиқ вазифалар **прокуратура назорат фаолиятининг асосий қисмини** ташкил этмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни (11-модда) // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (1-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни (7-модда) // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

Бу борада, хорижий давлатлар тажрибасини кўрадиган бўлсак, Қозоғистоннинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратуранинг ваколатлари, ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиби **Конституция ва қонун** билан белгиланиши кўрсатилган. Шу билан бирга, давлат раҳбарининг ҳужжатларидаги топшириқлар ҳам Қозоғистон прокуратурасининг вазифаларидан бири эканлиги қайд этилган.

Аксинча, Қирғиз Республикасининг 2020 йил 24 августдаги “Қирғиз Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида прокуратура органлари зиммасига **Қирғиз Республикаси қонунларида назарда тутилмаган вазифаларни юклатиш мумкин эмаслиги** қатъий белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Худди шундай қоида, Тожикистоннинг “Тожикистон Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни<sup>2</sup> ва Россиянинг “Россия Федерацияси прокуратураси тўғрисида”ги Федерал Қонунида<sup>3</sup> ҳам қайд этилган.

Қонунлар, қонуности ҳужжатлари ижроси устидан назорат йўналишлари давлат органлари ўртасида тўғри тақсимланмаганлиги, вазифаларни белгилашда турли чалкашлик ва такрорлашлар мавжудлиги сабабли бу борадаги тизимли муаммолар бартараф этилмасдан қолмоқда.

Хусусан, “Танқидий таҳлиллар ижро интизоми самарасиз даражада эканлигидан далолат берадиган кўплаб ҳолатлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, биринчи киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари етарлича иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаяпти; иккинчи — давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташкилий ҳамда назорат фаолиятининг шакллари ва услублари такомиллаштирилмаган; учинчи қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамияти мансабдор шахслар томонидан етарли даражада ўрганилмаяпти...”<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Закон “О прокуратуре Кыргызской Республики” 24 августа 2020 г. [Электрон манба]. URL:<http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112108/10?mode=tekst>. (мурожаат вақти: 04.05.2021 й.)

<sup>2</sup> Конституционный закон Республики Таджикистан “Об органах прокуратуры Республики Таджикистан” 15 июля 2005 года. [Электрон манба]. URL:<http://www.prokuratura.tj/ru/legislation/the-constitutional-law-on-the-prosecutors-office-of-tajikistan.html>. (мурожаат вақти: 04.05.2021 й.)

<sup>3</sup> Винокуров А.Ю. Научно-практический комментарий к Федеральному закону “О прокуратуре Российской Федерации”. В 2 т. Том 1. 2-е издание. перераб. И доп. – М.: Издательства Юрайт, 2018. – 354 с. – Серия : Профессиональные комментарии.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли Фармони билан “Ijro.gov.uz” тизими орқали **қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг янги тизими** жорий қилинди.

Унга кўра, Адлия вазирлиги “Ijro.gov.uz” тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида ижро этилишининг назоратини олиб боради ва “Ijro.gov.uz” тизимини юритади ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради. Ушбу янги назорат тизимида Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Президент Администрациясининг вазифалари ҳам белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 8 январдаги 12-сонли қарорига мувофиқ, прокуратура органлари ижро интизомига риоя этмаган мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар кўрилишини таъминлайди<sup>1</sup>.

Бундан кўринадики, бугунги кунда қонуности ҳужжатларнинг ижроси устидан ўрнатилган **юқоридаги назорат механизмига паралел равишда ушбу соҳада прокурор назорати ҳам истисно этилмаган.**

**Фикримизча, муқаддам прокурор назоратисиз ижросини ташкил этиш анчайин қийин бўлган юқоридаги қонуности актлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш функциясини (агарда қонун билан белгиланган алоҳида ҳолатлар бўлмаса), бугунги шароитда, бу жараёни “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда аниқ тартибга солган ҳолда прокуратуранинг зиммасидан соқит қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.**

Қонуности ҳужжатлари ижроси устидан назоратни ташкил этишда **прокуратуранинг ролини ўта долзарб вазифалар бўйича, шу жумладан, адлия ва бошқа масъул назорат қилувчи идораларнинг фаолиятида қонунийлик, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини амалга ошириш каби мақсадларда сақлаб қолиш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз.**

---

раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.02.2021 й., 06/21/6166/0101-сон.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли Қарори.

**Бешинчидан,** ҳозирги кунда прокуратуранинг қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг аниқ тартиби, мувофиқлаштириш функцияси, айрим органларнинг фаолияти устидан назоратни ташкил этиш масалалари етарли норматив асосларга эга эмас. Амалиётда ушбу масалалар асосан Бош прокуратуранинг идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Бу борада, ҳуқуқшунос олим **З.Ибрагимов** прокурор назоратининг процессуал жиҳатларини ўзида ифодалаган ягона “*Прокурорлик назорати кодекси*”ни қабул қилиниши тақлифини илгари сурган<sup>1</sup>.

**Бизнингча,** ҳозирги кунда, яъни давлат бошқарувида жиддий ислохотлар кетаётган, **давлатнинг назорат функциялари мазмуни ҳали аниқлаштирилаётган ва шу билан бирга прокуратуранинг ролига муносиб баҳо берилмаётган бир шароитда** ушбу кодексни ишлаб чиқиш барвақтдир.

Бундан ташқари, прокуратура фаолиятига дахлдор ҳужжатларнинг кодификацияси масаласига **суд-ҳуқуқ соҳасида ягона истиқболли концепциянинг мавжуд эмаслиги** ҳам тўсқинлик қилади.

**Фикримизча,** прокуратуранинг мақомини кўтариш, унинг функцияларини ва мажбуриятларини тўғри белгилаш, хизматни ўташнинг аниқ тартибини ўрнатиш, фаолиятга замонавий илғор тажрибаларни жорий этиш, фаолият самарадорлигини ошириш каби муҳим масалаларни қонунга киритиш ҳамда реал амал қилишини таъминлаш ҳозирда **бирламчи долзарб вазифа** ҳисобланади.

Ушбу вазифани ҳал қилгандан сўнггина прокуратура фаолиятига оид қонунчиликни тизимлаштириш масаласини кўтариш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги энг муҳим қонунлар **конституциявий қонунлар** ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ибрагимов, З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили) - Т.: “Ношир” 2011. - 169-бет.

Юқоридаги фикрнинг давоми ўларок, **прокуратура конституциявий орган** эканлигини инобатга олиб, **янги тахрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунни конституциявий қонун мақомида қабул қилиниши** давлат назоратининг энг самарали шаклига нисбатан ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ёндашув бўлган бўлар эди.

**Олтинчидан**, Қонунда аниқланган ҳуқуқбузарликларни тўлиқ бартараф этилишини таъминлаш механизми етарли акс эттирилмаган.

Қонун бузилишларига прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш орқали барҳам бериш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун прокурор назорати ҳужжатларини кўриб чиқилишининг тартибини қатъийлаштириш лозим.

**Еттинчидан**, ҳуқуқий ҳужжатларга асосан “Прокуратура тўғрисида”ги ва “Прокуратура органларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Қонунларни алоҳида қонунлар тариқасида қабул қилинаётганлигига тўхталсак.

**Фикримишча**, *ҳали прокуратуранинг асосий функциялари ва мақоми бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланмасдан, амалдаги қонунни замонавий талабларга мос равишда ишлаб чиқмасдан туриб, прокуратурада хизматни ўташ тўғрисидаги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас.*

Бу борада, Молдова, Қирғизистон каби давлатларда ушбу қонунлар яхлит битта қонун шаклида мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин<sup>1</sup>.

**Бундан ташқари**, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа соҳаларга оид қонунларда ҳам турли номувофиқликлар мавжуд.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни 23-моддасида “Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни қонунларга мувофиқ прокуратура органлари амалга оширадilar.

<sup>1</sup> Закон “О прокуратуре Кыргызской Республики” 24 августа 2020 г. [Электрон манба]. URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112108/10?mode=tekst>. Закон Республики Молдова “О прокуратуре”. [Электрон манба]. URL: [http://procuratura.md/ru/leg/\(мурожаат вакти: 17.05.2021 й.\)](http://procuratura.md/ru/leg/(мурожаат вакти: 17.05.2021 й.))

Бу органлар айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар”<sup>1</sup>, деб белгиланган.

Ваҳоланки, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар устидан бу тахлит назорат прокуратура органлари ваколатларидан аллақачон чиқарилган ва ҳуқуқий амалиёт сифатида ҳам барҳам топган.

Бинобарин, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасида хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашшига, шунингдек идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришига йўл қўйилмайди”<sup>2</sup>, деб кўрсатилган.

Бошқа қонун ҳужжатларида ҳам, жумладан, хўжалик юритиш соҳасида, тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишдаги прокурор назоратининг иштирокини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда.

Масалан, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига кўра, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан прокурор назорати тартибида амалга ошириладиган давлат назорати тегишли қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади<sup>3</sup>.

Бу соҳада прокурор назоратини аввалгидек кенг талқин қилиш иқтисодиётга давлат аралашувини камайтириш, бизнес ривожига халақит қилмаслик, суиистеъмолчилик ва коррупцияни олдини олиш, нотўғри ва ортиқча иш амалиётидан қутилиш нуқтаи назаридан мутлақо мақбул бўлмаган ҳолатдир.

Чунки, **биринчидан**, қонунчиликка мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги ўзаро алоқалари прокурор назоратининг объекти ёки предмети ҳисобланмайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни 23-моддаси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 23-моддаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни 2-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда.

**Иккинчидан,** “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини назорат қилиш тартиби, хусусан, асослари, шакллари кўрсатилмаган. Назоратнинг бу шакли айрим давлатлар, мисол учун Россияда прокуратура тўғрисидаги қонун билан бир қадар тартибга солинган.

**Учинчидан,** жорий ижтимоий-иқтисодий тизим шароитида прокуратуранинг иқтисодиётга аралашувининг ортиши нафақат коррупция хавфини оширади, балки, шундоқ ҳам ҳали ҳуқуқий-ташкилий жиҳатдан қулай шароит яратилмаган бизнеснинг ривожига кўплаб қўшимча тўсиқларни яратади.

**Тўртинчидан,** тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш вазифаси зиммасига юклатилган солиқ ва бошқа назорат органлари мавжуд.

**Бешинчидан,** тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Бизнес омбудсман<sup>1</sup> фаолияти йўлга қўйилиб, бу соҳадаги назорат ва бошқа органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси ушбу идора зиммасига юклатилган.

Прокуратуранинг **ушбу идораларнинг фаолиятини такрорлаб,** хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан у ёки бу шаклда назоратни амалга ошириши давлат ресурсини ноўрин ва беҳуда сарфланишини англатади.

Умуман олганда, прокуратура фаолиятига дахлдор қонунчиликни ислоҳ қилиш давомида **ҳуқуқий ҳужжатларни ягона концепциявий ёндашув асосида хатловдан ўтказиш ва ўзаро уйғунлигини таъминлаш** мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Прокуратура фаолиятидаги жиддий муаммолардан яна бири бу – унинг **“қонунан мавжудлиги” – назорат функциясига мос бўлмаган, асосан ижро органларига хос бўлган вазифалар билан шуғулланиб келаётганлигидир.**

Маълумки, 2017 йилдан бошлаб прокурорларга янги вазифа – **секторда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш вазифаси** юклатилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги ЎРҚ-440-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 915-модда.

таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли Қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар маъмурий ҳудудлари тўртга бўлиниб, уларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳокимлар, **прокуратура**, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати **ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилигида секторлар тизими фаолияти ташкил этилди.**

Мазкур Қарор билан **прокурорнинг сектор раҳбари сифатидаги ҳисобдорлиги ва фаолиятини баҳолаш қоидалари** белгиланди. Унга мувофиқ, прокурор ҳар чоракда секторнинг фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари олдида ҳисобот беради.

**Прокурорнинг сектори фаолияти** Бош вазир ва унинг тегишли ҳудудга бириктирилган ўринбосарлари томонидан мувофиқлаштирилади ва у амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан бирга Вазирлар Маҳкамасига тизимли равишда ҳисобот бериб боради.

Сектор раҳбари – **прокурорнинг фаолияти** Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан **Бош прокуратура ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда** мониторинг қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сонли Қарори билан **прокурорларнинг секторлардаги вазифалари кўлами ва мажбуриятлари доираси янада ортди.**

Таъкидлаш жоизки, Конституциянинг 98-моддасига мувофиқ, **мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ижро ҳокимияти – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул бўлиб, у:**

1) самарали **иқтисодий, ижтимоий**, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда **иқтисодиётнинг**



**ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича** дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

2) фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан назоратни таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди ҳамда Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бундан ташқари, Асосий Қонунимизнинг 100-моддасида қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; **ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш** каби вазифалар **маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига юклатилган.**

Айни пайтда, прокурорлар секторларда **Конституция ва қонунлар билан ижро органларига юклатилган юқоридаги вазифаларни** фаол амалга ошириб келмоқдалар.

Жумладан, “...прокурорлар нафақат қонун ҳимоячиси, балки сектор раҳбари сифатида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили ҳамда жорий йилнинг биринчи ярмида уйма-уй юриш асосида 1,5 миллиондан зиёд хонадонлардаги муаммолар ҳал этилди. Қарийб 58 минг нафар фуқаро иш билан таъминланди”<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, давлат органлари мавжудлигининг зарурати бу, аввало, унинг **халқ манфаатларини қанчалик ифода этиши** билан белгиланади. Бироқ, бу ўринда, **прокуратуранинг ижро органларининг вазифасини бажариши келгусида қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради:**

**Биринчидан,** прокуратуранинг “ҳокимиятлар бўлиниши”даги ўзаро мувозанатни таъминловчи функцияси таъминланмай, бир ҳокимият тармоғининг кучайишига олиб келади ва “узурпация”ни шаклланишига йўл очади.

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 28 август, № 182 (7684).

Бунинг оқибатида давлат органлари ўртасида вазифаларни нооқилона ва ўзбошимчалик билан тақсимлаш амалиёти шаклланади.

**Иккинчидан**, прокуратура ўзининг асосий функцияси – қонун устуворлигини таъминлаш вазифасини тўлақонли бажара олмайди ва жамиятдаги қонун билан ўрнатилган барқарорликка путур етади. Айниқса, бу жинойтчиликни олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш ишида жиддий мураккабликларни юзага келтиради.

**Учинчидан**, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш функцияси қонун билан зиммасига юклатилган давлат органлари ўз фаолиятини самарали амалга оширмайди, уларнинг фаолияти устидан прокурор назоратининг сусайиши ўзибўларчилик ва суистеъмомчиликларни кучайтиради.

**Тўртинчидан**, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги вазифалар бажарилишига прокуратура ижро органи билан бир қаторда жавобгар сифатида намоён бўлиб, ўзининг назорат функциясини холис ва мустақил амалга ошира олмайди.

Прокурорлар зиммасига “хос бўлмаган” топшириқларнинг юкланиши унинг мустақиллигини жиддий хатар остига қўяди. Табиийки, бундай шароитда прокурорлар бошқа давлат органлари, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган қонунбузарликларни олдини олиш у ёқда турсин, балки, ҳуқуқий баҳо бериш имконига эга бўлмай қолади.

**Бешинчидан**, прокуратура органлари хўжалик бошқаруви билан боғлиқ зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида мансаб ваколатларини суистеъмом қилиш ёки ваколатлари доирасидан четга чиқишга сабаб бўлади. Оқибатда, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи органнинг ўзида коррупция кенг авж олади.

**Олтинчидан**, прокурорнинг сектордаги мажбуриятлари қонун билан тартибга солинмаслиги унинг давлат хизматчиси ва ходим сифатидаги меҳнат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларини чекланишига олиб келади ва турли ҳуқуқий коллизияларни келтириб чиқаради.

Ушбу масала бўйича ўтказилган сўровда иштирок этган респондентларнинг 39 фоизи қонун устуворлигини таъминлашдаги прокуратура

фаолиятига асосий тўсиқ сифатида унинг зиммасига хос бўлмаган вазифаларнинг юклатилганлигини, 22 фоизи бошқа давлат органларининг прокурорлар ишига аралашуви ёки босим ўтказишини, 19 фоизи прокуратуранинг етарли даражада мустақил эмаслигини кўрсатиб ўтишган<sup>1</sup>.

**Шу боис,** “ҳокимиятларнинг бўлиниши” тамойили тарих синовидан ўтган давлат бошқарувини таъкил этишининг самарали шакли эканлиги, қонун билан ҳар бир давлат органининг йўналиши белгиланганлиги, прокурор фаолиятининг аҳамияти ва самарадорлиги фақат унинг “назорат функцияси”ни амалга оширишида намоён бўлишини инobatга олган ҳолда, **прокуратуранинг сектордаги фаолиятига босқичма-босқич барҳам бериш зарур.**

Шу ўринда, **прокурорларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш** учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

**Биринчидан,** прокуратура ходимларини тайинлаш, сайлаш ёки лавозимга ўтказиш жараёнидаги маъмурий тартиб-таомиллар, ушбу жараёнга масъул бўлган орган ёки мансабдор шахслар келгусида унинг профессионал фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш воситасига айланмаслиги ёхуд бундай имкониятга эга бўлмасликлари лозим. Прокуратура органларига ходимларни қабул қилишда шаффофлик ва адолатни таъминланиши ҳам ғоят долзарб аҳамият касб этади.

**Иккинчидан,** прокурорлар ўз фаолиятини қонун асосида амалга оширишлари, бошқа ҳар қандай субъектлар унинг ишига аралашуви ҳуқуқига эга эмаслиги, фаолиятидаги бошқарув ва функционал қарорлар мустақил равишда қабул қилиниши прокурор мустақиллигининг энг муҳим хусусиятларидандир.

Хизмат давомида ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилиши ҳамда “манфаатлар тўқнашуви” билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш учун прокурорлар бошқа давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига ноқонуний ва асоссиз аралашушга даъват қилинмаслиги, ундалмаслиги ёки мажбурланмаслиги шартдир.

<sup>1</sup> Қаранг: Диссертациянинг 2-иловаси.

**Учинчидан,** прокурорлар фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалалари янада такомиллаштирилиши, бунда коллегияликнинг ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро тажриба асосида прокурорларнинг ўзини бошқариш тизимининг янги шакл ва услубларини жорий этиш лозим. Баҳолаш жараёни имкон даражада холис мустақил орган томонидан амалга оширилиши керак. Бу эса, раҳбарият ва прокурорлар фаолиятига холис баҳо бериш имкониятини беради.

Прокурорларга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш адолат ва холисликка қатъий риоя қилган ҳолда, ҳеч қандай истисносиз қонун билан тартибга солиниши ва шаффофлик билан бошқарилиши лозим.

Улар билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш ва ўзгартиришда иш берувчи ёки бошқа мансабдорлар томонидан ўзбошимчалик ёки бошқа турли суиистеъмолчиликларга йўл қўйилишини олдини олишнинг аниқ ва самарали механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ишдан бўшатиш устидан прокурорнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини қонун билан белгилаш зарур.

**Тўртинчидан,** прокурорлар фаолиятининг моддий таъминоти (техникаси, хизмат бинолари, зарурий жиҳозлар, воситалар ва бошқалар), уларнинг иш ҳақи, ижтимоий кафолатлари, ижтимоий ҳимояси, пенсия таъминоти қонун билан қатъий регламентланган бўлиши ҳамда бу тартиб уларнинг бошқа ҳокимият субъектларига шубҳали ва асоссиз тобелигини келтириб чиқармаслиги лозим.

Прокуратуранинг мустақил фаолият юритиши учун моддий жиҳатдан давлат кафолати зарур, албатта. Яъни, прокурорнинг мустақиллиги, шунингдек, прокуратура органлари ўз вазифаларини тўғри бажариши учун етарли миқдорда бюджет маблағлари ва барча зарур ресурслар билан таъминланиши керак.

Бу борада америкалик олим **Ангела Девис** қуйидагича фикр билдиради: *“Прокурорнинг бюджетга қарамлиги унинг мустақиллигига жиддий путур етказди. Прокурорлар жиноят ишини юритиш давомида бюджет маблағларидан эҳтиёж доирасида чекловсиз фойдалана олишлари лозим”*<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Angela J. Davis. The American Prosecutor: Independence, Power, and the Threat of Tyranny. American University Washington College of Law, p/443

Прокуратура ходимларининг иш ҳақи қонун билан белгиланиши ва миқдори улар бажарадиган функциянинг аҳамиятига муносиб бўлиши лозим.

Шунингдек, прокуратура ходимларига пенсияга чиқиш учун ёш ва стажнинг оптимал муддати белгиланиши ҳамда пенсия миқдори уни келгуси ҳаётида моддий жиҳатдан тўлиқ таъминлаш учун етарли бўлиши зарур.

**Бешинчидан**, прокурорлар ҳисобдорлиги фақат қонун билан белгиланиши, иложи борича чегараланиши лозим ва бу ҳисобдорлик ўз навбатида прокурорнинг мустақиллигини асло хавф остига қолдирмаслиги зарур.

Чунончи, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиши белгиланган.

Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли Қонуни билан киритилган бўлиб, прокурор назорати объекти ҳисобланган – тегишли ҳоким раҳбарлик қиладиган халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот беришда **прокурорнинг бир пайтнинг ўзида ижро ҳокимияти вакилига ҳам ҳисобдорлигини белгиланишининг илмий жиҳатдан қанчалик тўғрилигини** конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ фани доирасида чуқур тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз<sup>1</sup>.

Гарчанд, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокурорнинг ўз фаолиятини кимлардан мустақил амалга ошириши чегараланган доирада (яъни, ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан) белгиланган бўлса-да, қонунчиликда **ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, турли корхона, ташкилот, муассасалар, фуқаролар ва бошқалар** томонидан прокурор назорати мустақиллиги тамойилига ҳар қандай тажовуз ҳам қонунни бузиш ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 257-II-сон 29.08.2001 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

Шундан келиб чиққан ҳолда, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририга ушбу қонундан кенгайтирган ҳолда аниқ таҳририни киритиш **ҳуқуқий номувофиқликни бартараф этиш имконини яратган бўлар эди.**

**Олтинчидан,** прокурорнинг мустақиллигига дахл қилинганлиги ёки касбий вазифаларини бажарганлиги учун таъқиб қилишга уринганлик учун жавобгарлик қонун билан қатъий белгиланиши ва бу чоралар етарли бўлиши даркор.

Прокурорлик касбининг хавфсиз эмаслигини инобатга олган ҳолда, Халқаро прокурорлар ассоциацияси томонидан 2018 йил 1 мартда “Жамоат прокурорлари ва уларнинг оилалари хавфсизлиги ва ҳимоясининг минимал стандартлари декларацияси” қабул қилинган.

Жумладан, Декларациянинг 2-моддасида давлат прокурорлар ўз расмий вазифаларини амалга ошираётган прокуратура, суд биноси ва бошқа жойларни ўз ичига олувчи иш жойларида уларнинг ҳар қандай хавфсизлигини таъминлаши шарт, зарурат туғилганда, прокурорлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳимоясини уйда ёки саёҳат қилаётганида ҳам таъминлаши лозим деб кўрсатилган<sup>1</sup>. **Шахсий мустақиллик** нуқтаи назаридан прокуратура хавфсизлигини таъминлашнинг самарали воситаларига эга бўлиш муҳимдир. Прокурор, унинг оила аъзолари, мулки, шаъни ва қадр қиммати ҳам давлат томонидан муҳофаза этилиши лозим.

Прокурор томонидан қабул қилинган қарорларга таъсир ўтказишга ёки унинг фаолиятига тўсқинлик қилишга уринишлар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳуқуқбузарликлар деб таснифланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 197-моддаси (*прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиши ва унинг талабларини бажармаслик*) ва Жиноят кодексининг 236 (*тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашishi*) ва 239-моддалари (*суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиши*), шундай қилмиш ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутади.

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL:<https://www.iap-association.org/> (мурожаат вақти 15.03.2021 й.)

Таъкидлаш жоизки, МЖТКнинг 197-моддасида маъмурий преюдиция (*бир йил ичида такроран содир этганлик учун жавобгарлик*) масаласи очик қолган.

Ваҳоланки, бу масала МЖТКнинг 194 (*ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик*) 194<sup>1</sup>, (*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний талабларини бажармаслик*), 195 (*ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш*), 196<sup>1</sup> (*чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш*), 197<sup>5</sup> (*таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашши ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш*), 198 (*ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш*), 198<sup>4</sup>-моддаларида (*Адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик*) ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, МЖТКнинг 197-моддаси санкциясида кўрсатилган жазо – базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки бараваридан беш бараваригача миқдорда** жаримани айрим давлат органларининг масъул мансабдор шахсларига нисбатан содир этилган шундай ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жазо тури, меъёри ва миқдорига мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мисол учун, МЖТКнинг 197<sup>4</sup>-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч бараваридан етти бараваригача миқдорда** жарима белгиланган.

Ёки, МЖТКнинг 194<sup>1</sup>-моддасида Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг қонуний талабларини бажармаганлик учун, хатто, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазо қўлланилиши ҳам кўрсатилган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, жиноят қонунчилигида фақат прокурорнинг тергов борасидаги фаолиятига аралашши ҳамда суриштирув ёки дастлабки терговдаги маълумотларнинг конфиденциаллигига тажовуз қилиш билан боғлиқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, 1994 йил 22 сентябрь // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2021 й., 03/21/685/0373-сон; 29.04.2021 й., 03/21/688/0394-сон.

ҳуқуқбузарликлар учунгина жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унинг назорат функцияси билан боғлиқ талабларни бажармаганлик, фаолиятига тўсқинлик ёки қаршилик қилганлик ёки дахлсизлигини бузганлик учун алоҳида жиноий жавобгарлик мавжуд эмас. Чунончи, амалдаги Жиноят кодексининг ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш жинояти кўрсатилган 219-моддаси диспозицияси қайд этилган ҳуқуқбузарликларни тўлиқ қамраб олмайди.

Келгусида прокурорнинг ҳуқуқий мақомини янада ошириш, унинг фаолиятига ноқонуний аралашув ёки тўсқинлик қилиш эҳтимолларини бартараф этиш мақсадида Жиноят кодексининг Махсус қисмига **ушбу мазмундаги алоҳида махсус модда киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.**

Юқоридагилардан ташқари, прокуратура фаолиятидаги муаммоларнинг салмоқли қисми жамиятдаги қонунийлик аҳволи билан узвий боғлиқдир.

Бу борада **биринчи масала** прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири – **жиноятчиликка қарши курашиш** ҳисобланади.

Ушбу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминланиши устидан назоратни самарали ўрнатилиши прокуратура фаолиятида долзарб аҳамият касб этади.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда 2019 йилда жами **25 344** та жиноят ҳисобга олинган бўлса, 2020 йилда **36 778** та жиноят қайд этилган ёки жиноятчилик **45,1 фоизга** кўпайган. Жумладан, қотиллик, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, ўғирлик, талончилик, фирибгарлик ва босқинчилик жиноятлари кескин ошган. Бу даврда жиноятчиликнинг динамикаси олдинги йилларга нисбатан ўсиши кузатилмоқда.

Энг хавфлиси, **коррупциявий жиноятларнинг кўлами** кенгайиб, бюджет маблағлари талон-тарож қилиш ҳолатлари ҳам ортиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг **латентлилик даражаси** юқорилигича қолмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишида ҳам тизимли муаммолар мавжуд.



Жумладан, кўрсатилган даврда прокурорлар томонидан терговга қадар текширув органларининг жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги **42 785** та қарори бекор қилиниб, шундан **5 987** таси бўйича жиноят иши кўзғатилган ҳамда яширилган жиноятлар ҳисобга қўйилиши таъминланган.

Шунингдек, сўнгги уч йилда прокурорлар томонидан суриштирув ва тергов органларининг **48 316** та ноқонуний қарори бекор қилиниб, зарур процессуал ҳаракатларни ўтказиш ҳақида **109 127** та ёзма кўрсатма берилган.

Таъкидлаш жоизки, тергов (суриштирув)даги тизимли камчиликлар нафақат бу жараённинг ўзида, балки суд муҳокамаси давомида ҳам аниқланмоқда.

Жумладан, "...фақатгина 2017 йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан **191** нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, ваҳоланки, охириги беш йилда атиги **7** нафар шахс оқланган..."<sup>1</sup>.

Ушбу таҳлиллардан кўринадики, прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминланиши устидан назоратни такомиллаштириш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Маълумки, ҳар қандай натижа ва самарага эришишдаги энг асосий омил бу – инсон ресурсларидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органларида **кадрлар сиёсатини такомиллаштириш масаласи энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.**

Прокуратурага кадрларни танлаш очик ва шаффоф бўлиши, тизимга малакали мутахассисларни қабул қилиш, танловни ўтказиш тартибини белгилаш, келгусида ҳам касбий малакасининг доимий ошириб бориш тизимини жорий қилишда энг илғор тажрибалардан фойдаланиш лозим.

Прокуратура органларида иш самарадорлигини ошириш мақсадида муассасада ижобий анъана ва қадриятларни сақлаб қолган ҳолда, меҳнат муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш, жумладан, ходимларнинг амалдаги иш ҳажмини илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш, иш вақти ва шароитларини аниқ белгилаш, иш берувчи ва ходимлар ўртасида шартномавий мажбуриятларни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5268-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон.

ўрнатиш, ички меҳнат ва меҳнат муҳофазасига оид қоидаларни қабул қилиш, иш ҳақи ва бошқа ижтимоий кафолатларни яхшилаш кечиктириб бўлмас вазифалардан ҳисобланади.

Амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2036-сонли Фармони билан тасдиқланган Низомда тезкор ходимларнинг фаолиятига оид қоидалар мавжуд бўлиб, техник ва ёрдамчи ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари назарда тутилмаган. Бундан ташқари, Низомда тезкор ходимларнинг меҳнат низолари фақат Бош прокурор томонидан кўриб чиқилиши белгиланиб, уларнинг бу масалада судга мурожаат қилиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган.

*Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятидаги муаммолар ва унинг ечимлари муассаса фаолиятини жамиятимизнинг қонун устуворлиги ва қонунийлик юзасидан жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларига мувофиқлаштириши зарурати асосида унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириши ва ташкилий йўналтириши билан боғлиқдир.*

### **2.3. Прокуратура органлари фаолиятини стратегик ривожлантиришнинг истиқболлари**

Прокуратура фаолиятида стратегик муаммоларни ҳал этиш ҳар доим долзарб масала ҳисобланган. Бу масала прокуратура бошқаруви олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб, бунда фаолиятнинг стратегик ривожланиш тамойилларини аниқлаб олиш орқали муаммоларни ҳал этишнинг изчил, самарали ва узоқ истиқболга мўлжалланган режалари ишлаб чиқилади.

Стратегик режалаштиришда глобал (жаҳон, минтақа, жамият, давлат ва ҳ.к.) тараққиёт қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, муассаса манфаат ва мақсадларини аниқлаш, устувор йўналишларини белгилаш, энг сўнгги инновацион ютуқларни фаолиятга жорий этиш, маҳкама тузилмаларининг уйғунликдаги фаолиятини таъминлаш, меҳнат, молиявий ва бошқа ресурсларни оқилона тақсимлаш назарда тутилади.

Содда қилиб айтганда, прокуратура фаолиятини стратегик режалаштириш орқали унинг вазифалари, бажарадиган функцияларидан келиб чиққан ҳолда, истиқболда юқори натижадорликка – стратегик мақсадларга эришилади.

Албатта, прокуратура ўз стратегиясини ишлаб чиқар экан, **“қаёққа кетяпмиз?”**, **“сўнгги натижадорлик қандай бўлади?”** деган саволларга аниқ жавобларни излаш ва топиш лозим бўлади.

Мамлакатимиз прокуратурасини стратегик ривожлантириш масаласини тадқиқ этиш жараёнида, айрим хорижий давлатлар прокуратураларининг бу борадаги тажрибаларига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, Украинада прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришда, бу тизимни ихчамлаштириш ва иш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 2019 йил 19 сентябрда тасдиқланган қонунга мувофиқ, ҳарбий прокуратуралар тугатилган, ходимлар сонини 15 минг нафардан 10 минг нафарга қисқартириш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Бош прокурорга ҳудудий прокуратураларини тугатиш ва қайта ташкил этиш ҳуқуқи, прокуратура иши сифатини баҳолаш тизими, ходимларнинг иш ҳажмини ўлчаш, маъмурий лавозимни эгаллаган прокурор томонидан хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаслик тўғрисидаги муурожаатларни кўриб чиқиш тартиблари ва бошқа муҳим масалалар бўйича прокуратуранинг ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш ваколати берилган.

Шунингдек, прокурорларнинг иш ҳақини 2022 йилга қадар босқичма-босқич жорий 12 тирикчилик иш ҳақи миқдоридан 25 бараварга ёки икки баравардан зиёдроққа ошириш кўзда тутилган<sup>1</sup>.

Давлат бошқаруви тизимида туб ислоҳотлар ўтказган Грузия давлати прокуратурасининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган “Грузияда жиноий таъқиб ва тергов сифатини ошириш бўйича янги стратегияси” лойиҳасида прокуратура фаолиятини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш режаси кўзда тутилган, шунингдек ҳужжатда прокуратура органларида бошқарувни баҳолаш

---

<sup>1</sup> Украинанинг 2019 йил 19 сентябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. [Электрон манба]. URL: <https://ips.ligazakon.net/document/view/T141697?an=6392>

тизими ҳам ўз ифодасини топган<sup>1</sup>. Лойиҳада коррупция, пул ювиш, оилавий ва камситувчи жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича кўриладиган устувор чоралар илгари сурилган.

Ушбу давлатнинг тажрибасидаги муҳим жиҳатлардан бири бу – Грузия Бош прокурорининг доимий маслаҳат органи – **Стратегик ривожланиш ва жиноий сиёсат бўйича кенгаш** фаолияти йўлга қўйилиб, стратегик режалаштириш механизмлари яратилганидир.

Грузия прокуратураси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 2020 йилда ташкил этилган мазкур **Кенгашнинг ваколатига** жиноий таъқиб қилиш тизимининг асосий йўналишлари ва ривожланиш режасини такомиллаштириш, эҳтиёжларни аниқлаш, стратегия ва ҳаракатлар режасини жиноий сиёсатга мувофиқ ишлаб чиқиш, ижросини муҳокама қилиш ва тавсиялар бериш киради.

Прокуратура органлари фаолиятини стратегик режалаштириш борасида қўшни Қозоғистон Республикаси ҳам ўз ижобий тажрибасига эга.

Ушбу мамлакатнинг истиқболдаги тараққиёт режаси – “Қозоғистон – 2050 стратегияси” доирасида мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш бўйича Қозоғистон прокуратураси фаолиятининг концептуал асослари яратилган.

Яъни, Қозоғистон прокуратураси фаолиятида узок муддатга мўлжалланган устувор йўналишларнинг концепциясидан фойдаланиш янгилик эмас, бу бўйича муқаддам ҳам маълум амалий тажриба шаклланган<sup>2</sup>.

Ушбу давлатнинг прокуратураси таркибида 2016 йилда Стратегик ривожланиш Департаменти тузилмаси шакллантирилиб, стратегик режалаштиришга оид вазифаларини амалга ошириб келмоқда.

Озарбайжон давлатида ҳам “2020-2023 йилларда прокуратура органларини ривожлантиришнинг стратегик концепцияси”<sup>3</sup> тайёрланиб, тасдиқланган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, миллий ҳуқуқ тизимимизга нисбатан яқин бўлган ушбу мамлакатларда прокуратурани стратегик ривожлантириш тажрибаси тобора такомиллашиб бормоқда.

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: <https://pog.gov.ge/en/news/prokuraturis-organizibiT-strategiuli-ganviTarebisa-da-sisxlis-samarTlis-politikis-sabWos-sxdoma-gai> (мурожаат вақти: 15.04.2021 й.)

<sup>2</sup> [Электрон манба]. URL: <http://online.zakon.kz> (мурожаат вақти: 23.03.2021 й.)

<sup>3</sup> [Электрон манба]. URL: <https://ru.oxu.az/society/456040> (мурожаат вақти: 23.05.2021 й.)

Қуйида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари стратегиясига таъсир қилувчи омиллар, шарт-шароитлар ва бошқа ҳолатларга тўхталиб ўтамиз.

Ушбу унсурларни таъсирнинг келиб чиқиш фазосига кўра **ташқи** (глобал, интеграциялашув, умумдавлат, тармоқ ва ҳ.к.) ва **ички** (ички тузилиш, идоравий манфаат, вазифаларни амалга оширишдаги хос анъана ва қадриятлар, кадрлар ва бошқа ресурсларнинг ҳолати ва ҳ.к.) **омилларга** ажратишимиз мумкин.

Шунингдек, таъсир омилларини ижтимоий хусусиятларига кўра, **иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий унсурларга** ҳам туркумлаш мумкин.

Прокуратура фаолиятини стратегик ривожлантириш ҳақида фикр юритганда, давлатнинг асосий устувор мақсадлари, тамойиллари ва қоидаларини белгилаб берувчи ҳуқуқий манбаа – Конституцияга тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Конституциявий қоидалар устувор мезон сифатида нафақат прокуратура фаолиятини тартибига солувчи у ёки бу қонун, балки, тизим ишига алоқадор ҳар қандай ҳужжат, шу жумладан, стратегик ҳужжатларнинг ҳам асосини белгилаб беради ва айна пайтда барча қуйи ҳужжатлар, мақсад ва ҳаракатлар конституциявий нормалар мазмунига зид келиши мутлақо мумкин эмас.

**Иккинчидан**, прокуратуранинг тарихан шаклланган аҳамияти унинг асосий вазифалари – қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашда намоён бўлади.

Чунки, ҳар қандай жамиятда ёки давлатда **қонун устуворлиги таъминланмаса**, у ерда **ижтимоий адолат мезони бузилади**, давлат ўз халқи олдидаги мажбуриятларини бажармасдан, тенгсизлик ҳукм суради.

Бу борада, респондентларнинг **95** фоизи жамиятда **ижтимоий адолатни ўрнатиш учун қонун устуворлиги зарурлигини** қайд этишган.

Қонунсизликдан келиб чиқадиган хавф давлат хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таҳдид солади, **ўзбошимчалик, бошбошдоқлик, нигилизм, коррупцияни** авж олдиради, ижтимоий норозилик кучаяди.

Прокуратура органларининг фаолиятисиз **жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш** имконсиз эканлиги прокуратуранинг “назорат”

борасидаги функциялари унинг келажакда ҳам устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверишини англатади.

Яқин келажакда прокуратура органлари фаолияти тўғрисида ягона қонунни (хизматни ўташни ҳам қамраб олган ҳолда) ишлаб чиқиш ва унда прокуратуранинг вазифалари ва фаолият йўналишларини такомиллаштириш; прокуратура фаолиятини ташкил этиш принципларини такомиллаштириш; прокуратуранинг ташкилий тузилмалари, бўйсунув тартибини такомиллаштириш; прокуратура назорат функцияларини кучайтириш, ваколатларини янада кенгайтириш, назорат ҳужжатларини такомиллаштириш; прокуратурада кадрлар, хизматни ўташ, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш; прокуратура фаолиятини моддий-молиявий жиҳатдан таъминлашни кучайтиришга оид қоидаларни ҳамда прокуратура фаолиятини баҳолашнинг замонавий мезонларини назарда тутиш лозим бўлади.

Прокуратуранинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва мақомини белгилаш, вазифаларини аниқлаштириш, ихчамлаштириш, мустақиллик, шаффофлик, ҳалоллик ва холислик тамойилларини реал амал қилиш кафолатларини ўрнатиш, прокурорларнинг мавқеини, дахлсизлигини кучайтириш, кадрларни ошқора ва ҳалол танловлар асосида қабул қилиш тизимини йўлга қўйиш, бошқарувда коллегиял органлар аҳамиятини ошириш, жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш каби долзарб масалалар янги қонуннинг асосий мазмунини ташкил этиши лозим.

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь кун Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли кафолатлар яратишимиз зарур.

**Биз ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини такрор этмайдиган тизим шакллантиришимиз шарт.**

Лўнда қилиб айтганда, ички ишлар – жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан, миллий хавфсизлик – давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан шуғулланиши лозим. **Прокуратура эса қонунлар ижроси**

устидан назорат олиб бориши зарур. Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат”,<sup>1</sup> – деб таъкидлаган эди.

Бу борада сўралган респондентларнинг **50** фоизи амалдаги прокуратура ни барча вазифаларни бажарувчи универсал орган, **45** фоизи қонунлар ижросини назорат қилувчи конституциявий орган эканлигини таъкидлашган.

Шунингдек, уларнинг **52** фоизи прокуратура органларида **қонунда назарда тутилмаган вазифаларга барҳам беришни, 44** фоизи **ҳуқуқ амалиётини такомиллаштиришни** муассаса фаолиятини ривожлантиришдаги муҳим омил сифатида қайд этишган<sup>2</sup>.

Шундан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органларини асосий функциясига хос бўлмаган вазифалардан холи қилиш унинг фаолиятини давлат ва жамият манфаатлари йўлида янада самаралироқ бўлишига имкон беради. Бу орқали прокурорларнинг жамиятда қонун устуворлигини тўлақонли таъминлаш учун “мустақил” ва “холис” бўлиши учун реал шароит юзага келади.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистоннинг жорий танлаган тараққиёт йўли, давлатнинг умумий тараққиёт стратегияси прокуратура фаолиятини ривожлантириш истиқболларини аниқлаб ва белгилаб беради.

Табиийки, прокуратура стратегияси умумий ҳуқуқ тараққиёти стратегияси доирасида ишлаб чиқилади. Чунончи, “ҳуқуқий ривожланиш стратегиялари бир вақтнинг ўзида барқарорликни шакллантирувчи ёки йўқ қиладиган ижтимоий-иқтисодий омиллар, шунингдек жамиятда ва шахсий ҳаётда мустаҳкамланган ахлоқий тамойиллар билан белгиланади<sup>3</sup>.”

**Бешинчидан,** прокуратура органлари фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик истиқболларини белгилашда яна бир муҳим омил бу – криминоген вазият, жумладан, жиноятчиликнинг намоён бўлиш тенденцияси ва ўсиш динамикаси ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. [Электрон манба]. <https://president.uz/uz/lists/view/1370> (мурожаат вақти: 23.03.2021 й.)

<sup>2</sup> Қаранг: Диссертациянинг 2-иловаси.

<sup>3</sup> Стратегии правового развития Россия: монография / коллектив авторов, под. ред. Рыбакова О.Ю. 3-е изд., стер. – М. : ЮСТИЦИЯ, 2016. – 9 с..

Шахсинг ҳаёти, эркинлиги, иқтисодиёт асослари, киберхавфсизликка қарши қаратилган, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этиладиган жиноятлар прокуратурани такомиллаштиришда инобатга олиниши лозим. Ушбу йўналишда коррупциявий жиноятларга қарши курашиш ҳам прокуратуранинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Ҳозирда коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли идора – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилган<sup>1</sup> бўлса-да, прокуратура назорат органи сифатида бу борада асосий вазифаларни бажаришда давом этади.

Чунки, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасига мувофиқ, Бош прокуратура коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Келгусида, прокуратуранинг инсон ҳуқуқларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини ҳам ошириш зарур. Бу борада, меҳнат, таълим олиш, шахсий ва мулк дахлсизлиги, сўз, эътиқод эркинлиги, сиёсий ҳуқуқлар – булар фуқаролик жамиятининг асосий устунлари сифатида ҳар доим ҳам прокурорнинг муҳофазасига, ҳимоясига зарурат сезиб келган.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, тергов ва судларда прокурор ваколатларини таъминлашга оид фаолиятни ҳам сифат жиҳатдан кучайтириш прокуратура стратегиясини муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш мақсадида судларда прокурор ваколатлари ҳажми ва иштироки доираси босқичма-босқич қисқартирилмоқда.

Ҳозирги кунда, судда прокурор иштирокини таъминловчи ходимлар корпусини ташкилий жиҳатдан кенгайтириш, фаолиятининг сифатини ошириш масаласини қисқа муддатларда ҳал этиш зарурати юзага келган.

Бундан ташқари, бундан деярли 20-25 йил олдин қабул қилинган суд-ҳуқуқ соҳасига доир асосий кодекслар ҳозирги давр талабларига жавоб бермаганлиги

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 07/20/4761/1001-сон.



сабабли, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Фуқаролик кодекслари янги таҳрирда қайта ишлаб чиқилмоқда.

Моддий ҳуқуқни, жиноят, маъмурий жавобгарликни қўллаш ва ижро жараёнларида прокурорнинг роли ва ўрнини белгиловчи нормалар албатта прокуратура стратегиясида ўз ифодасини топмоғи лозим.

**Олтинчидан**, прокуратура стратегиясини шакллантиришдаги навбатдаги омил бу – ҳуқуқ устуворлиги, коррупцияга қарши курашиш, хавфсиз ҳаёт каби асосий ҳаётий масалалар бўйича халқаро кўрсаткичлар, рейтинглар ва бошқа илғор тажрибалардан келиб чиқиб фаолиятни йўналтиришдир.

Бу борада, статистик кўрсаткичлар ва ўтказиладиган ижтимоий сўровлар натижалари асосида прокуратурада ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлашни аниқ тизимини шакллантириш лозим бўлади.

Бунда, ҳуқуқ устуворлигининг асосий мезонлари сифатида қонунларга риоя қилиниши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, одил судлов ва суд қарорларининг ижро этилиши, ҳуқуқ-тартибот ўрнатилганлиги ва хавфсизликнинг таъминланганлиги, коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги ва ҳокимият институтларининг шаффофлиги намоён бўлади.

**Еттинчидан**, прокуратура органларида ишни режалаштиришнинг кундалик, жорий, доимий ва 6 ойлик турлари қўлланилиб, стратегик режалаштириш амалиётидан фойдаланиш етарлича йўлга қўйилмаган.

Бу борада, Қозоғистон Республикаси прокуратураси тажрибасида стратегик режалаштириш амалиёти, тартиби Регламент билан белгиланган ҳамда прокуратуранинг стратегик истиқболларини ишлаб чиқиш учун алоҳида тузилма – Стратегик ривожланиш департаменти фаолияти йўлга қўйилган.

Бундай тузилмаларни ташкил этиш амалиёти мамлакатимиздаги давлат бошқаруви органлари фаолиятига ҳам кириб келганлигини таъкидлаш лозим.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ-5047-сонли қарори<sup>1</sup> билан Инновацион ривожланиш вазирлигида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5047-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.04.2021 й., 07/21/5047/0270-сон.

истикқолли режаларни мувофиқлаштириш юзасидан Инновацион ривожлантириш стратегияси йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси ташкил этилган.

Стратегик режалаштириш амалиётини мамлакатимиз прокуратурасига фаолиятига жорий этиш фаолиятимиздаги ривожланиш тенденцияларини доимий ва самарали бўлишини, шу жумладан, **тадқиқот ишидаги таклифларни ҳам рўёбга чиқариш** учун зарур шарт-шароитни яратиб беради.

**Саккизинчидан**, келажакдаги яна бир муҳим вазифа бу кадрлар сиёсатини такомиллаштириш, бошқарувда демократизм анъаналарини ривожлантириш мақсадида коллегиялик унсурларини кенгайтириб бориш ҳисобланади.

Бу борада, прокуратурада меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, иш унумдорлигини ошириш алоҳида ўрин тутади. Бунда, кадрларни танлаш, танлов асосида ишга қабул қилиш, прокурорликка тайинлаш, прокурор меҳнатининг ижтимоий-иқтисодий кафолатларини кучайтириш, улар амалга ошираётган ишнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақини ошириш, ишдан бўшатишдаги кафолатларни амал қилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Иш самарадорлигини оширишнинг зарури шартларидан бири бу прокуратура органлари фаолиятида ахборот-технологияларини жорий этилишини тезлаштириш, инновацион ютуқларни татбиқ этиш масаласидир.

Маълумки, ҳар бир давлат органининг фаолияти унинг самарадорлиги билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан, прокуратуранинг, жумладан, прокурорларнинг фаолиятни баҳолаш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Ҳозирда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низомнинг 14-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли Қарорида **ходимларнинг турли тоифалари учун фаолиятни турлича баҳолаш тартиби ўрнатилган.**

Шу боис, прокуратура стратегиясида прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг жорий мезонларини замонавий тенденциялар: халқаро, хорижий ва миллий тажриба ҳамда ютуқлар асосида қайта танқидий кўриб чиқиш таклифини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан, ходимлар иш ҳажмини ўлчашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш, иш самарадорлигини аниқ кўрсаткичларини жорий этиш келгусида эътибор қаратишимиз лозим бўлган муҳим масалалардан ҳисобланади.

Кадрларнинг доимий малакасини ошириб боришнинг самарали тизимини йўлга қўйиш мақсадида Академия фаолиятини ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттириш зарур.

Прокурор фаолиятининг самарадорлигини оширишдаги **энг аҳамиятли омил** сифатида респондентларнинг **14** нафари юқори маош ва моддий таъминланганлик, **14** нафари ходимнинг фидойилиги, касбга садоқати ва ҳалоллиги, **12** нафари ходимлар салоҳиятининг юқорилиги, **11** нафардани иш ҳажмининг адолатли тақсимланиши ҳамда бошқа идораларнинг вазифаларини юклатилмаслиги, **10** нафардани мақсад, вазифаларнинг тўғри қўйилиши ва самарали ижро этилиши ҳамда ахборот-технологиялари ютуқларини жорий этилишини кўрсатишган.

**Ходимларнинг ишига салбий таъсир кўрсатувчи омил** сифатида эса, респондентларнинг **13** нафардани қонунда назарда тутилмаган вазифаларни юклатилиши ҳамда маош ва бошқа ижтимоий қафолатларнинг етарли эмаслиги, **12** нафардани билимсизлик, етарли малакага эга бўлмаслик ҳамда иш ҳажмининг кўплиги ва уни нотўғри тақсимланиши, **10** нафари рағбат тизимининг етарли эмаслиги, **9** нафардани масъулиятсизлик ва интизомсизлик ҳамда фаолиятга ташқи аралашув ёки босимнинг мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтишган<sup>1</sup>.

Юқоридагиларга кўра, прокуратура фаолиятининг мақсад ва йўналишларини ҳукукий қоидалар орқали аниқ белгиланиши, прокуратуранинг ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ўзига хос ўрнини ҳақиқатда эътироф этилиши, унинг зиммасига қонунда белгиланганидан ташқари бошқа ортиқча ва хос бўлмаган вазифаларни юклатилмаслиги, фаолиятда мустақиллик, холислик, шаффофлик ва ошкоралик тамойилларини амалда таъминланиши, маҳкама фаолияти самарадорлиги холис мезонлар орқали баҳоланиши, бошқарувни ислоҳ

<sup>1</sup> Қаранг: Диссертациянинг 2-иловаси.

қилиниши, кадрлар сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқилиши кабилар Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг стратегик тараққиёти кафолатлари ҳисобланади.

## ХУЛОСА

“Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини стратегик ривожлантиришнинг истиқболлари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди:

### **I. Прокуратура органлари фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларига оид илмий-назарий хулосалар:**

Прокуратура назарий-ҳуқуқий жиҳатдан давлат ҳокимиятининг бирон-бир тармоғи (суд, қонун чиқарувчи, ижро этувчи)га мансуб эмас, шу билан бирга, уларни мувозанатлаштириб, оптимал ишлашини таъминлайди ва бу ҳолат прокуратуранинг мавжудлиги моҳиятига мос келади. Бирок, бугунги кунда прокуратуранинг “сектор” билан боғлиқ функциялари такомиллашиб, уни аста-секин ижро ҳокимиятига бўйсундириш жараёни кечаётганлиги кузатилмоқда.

Прокуратура органлари фаолиятининг **ҳуқуқий асослари** унинг мақоми, тизими, ходимлари, асосий вазифалари, ваколат ва мажбуриятлари, муассаса фаолиятини ташкил этиш ва прокурорлик назоратини амалга ошириш тартибини белгиловчи меъёрий нормалар мажмуидир.

Тадқиқотда ҳуқуқий асосларни мазмунига кўра **5 та гуруҳга – 1) Конституция; 2) Қонунлар; 3) Қонуности ҳужжатлар; 4) Идоравий ҳужжатлар ва 5) Олий суд Пленуми қарорларига ажратиб таҳлил қилинди.**

Шунингдек, уларни хронологиясига кўра шартли равишда **3 та давр: биринчи** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги ПФ-313-сонли Фармонидан бошлаб, 2001 йилга қадар; **иккинчи** – 2001 йил 29 августда янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишидан бошлаб, 2017 йилга қадар; **учинчи** – Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сонли Фармонидан бошлаб, ҳозирга қадар бўлган даврга ажратиб, ўрганиш таклифи илгари сурилди.

**“Прокурор назорати”**га мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадини кўзловчи, махсус ваколат ва мухтор мақомга эга бўлган институт – прокуратура органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда давлат номидан амалга ошириладиган фаолиятдир” деб таъриф берилди. Шунингдек, **“прокуратура фаолияти”** билан **“прокурор назорати”** тушунчалари ўртасида фарқли жиҳатлар таҳлил қилинди.

Тадқиқот ишида прокурор назоратининг Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятининг олий органлари, олий мансабдор шахслари, Ҳисоб палатаси ва бошқаларга нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳақидаги назарий қоидаларни кенгайтириб талқин қилинишининг олдини олиш мақсадида прокурор назорати татбиқ этилмайдиган давлат органлари ва мансабдорларнинг рўйхатини Конституция ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг ўзида аниқ ва қатъий белгилаб қўйилиши таклиф этилди.

Шунингдек, илмий-назарий адабиётларда қўлланиб келинаётган **“ишни ташкил этиш”** ва **“бошқарув”** тушунчаларини умумий ифодаси сифатида **“прокуратура фаолиятини ташкил этиш”** тушунчасини қўллаш таклиф этилди.

**“Прокуратура фаолиятини ташкил этиш”**га тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тегишли тамойиллар асосида таркибий тузилмаларни шакллантириш, уларнинг ишини режалаштириш ва ташкил этиш, бошқарувни амалга ошириш, натижаларни баҳолаш каби умумий ҳаракатлар мажмуи тариқасида таъриф берилди.

Прокурорнинг бевосита вазифаси – қонун устуворлигини таъминлаш функцияси хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, прокуратуранинг ўз фаолиятида имкон қадар мухтор ва мустақил ваколатларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Нафақат маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, уларнинг вакиллари ва мансабдор шахслари, балки,

давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари томонидан ҳам прокуратура фаолиятига ноқонуний таъсир ўтказилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Шунингдек, **прокурорнинг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасида оқилона мувозанат бўлиши керак.** Чунки, прокурорлар ҳар қандай ноқонуний аралашувдан мустақил бўлсаларда, ва лекин, улар пора олишга ёки бошқа ноқонуний коррупциявий йўллар билан бойишга мойил бўлсалар, назорат, масъулият ёки жавобгарлик механизми мавжуд эмаслиги оқибатида, тизим ҳеч қачон холис бўлмайди ва **адолат тамойили прокуратуранинг ўзида бузилади.**

Прокурор мустақиллигининг чегараси ва ҳисобдорлиги даражаси ва меъёри фақат қонун билан қатъий ва аниқ белгиланиши ҳамда амалда (“**de facto**”) ҳам ҳуқуқий норма белгилаган чегара доирасидан умуман четга чиқмаслиги керак.

**II. Прокуратура органлари фаолиятини стратегик ривожлантириш масалалари.**

Прокуратура фаолиятидаги муаммоларни **долзарблиги даражасига кўра, бирламчи** (стратегик аҳамиятдаги) ҳамда **иккиламчи** (тактик, жорий, кундалик аҳамиятдаги), **келиб чиқиш асослари ва ҳал қилиш усуллари**га қараб **ҳуқуқий** ва **институционал** тоифага туркумлаш таклиф этилди.

Тадқиқот ишида, прокуратура фаолияти фақат долзарб ва устувор аҳамиятга эга бўлган қонунлар ижросини назорат қилишга йўналтирилган бўлиб, ҳақиқатда прокуратура барча қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш вазифасини мавжуд таркиб, штат бирликлари, куч ва воситалар чекланганлиги сабабли тўлақонли бажариш имконига эга эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Чунончи, замонавий давлатчилик шароитида жамоатчилик назоратининг фаоллашуви, давлат органларининг функция ва ваколатлари ўзгараётганлиги, такомиллаштирилаётганлиги прокурор назоратининг доираси ва ҳажмини самарадорлик нуқтаи назардан ихчамлаштириш, чегаралаш ва замонавий тенденцияларга мослаштиришни талаб этмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини хизматни ўташ тўғрисидаги қонун билан бирга ягона яхлит қонун тариқасида ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ушбу жараёнда прокуратуранинг вазифаларини аниқлаштириш, ваколат чегараларини аниқ белгилаш, қонунлар, қонуности ҳужжатлари ижроси устидан назорат йўналишларини давлат органлари ўртасида тўғри тақсимлаш, вазифаларни белгилашдаги чалкашлик ва такрорлашларга барҳам бериш лозим.

Прокуратурага қонунда назарда тутилмаган вазифаларни юклатилмаслиги лозим. Бундай қатъийлик, биринчидан, ўзбошимчаликнинг олдини олишни таъминласа, иккинчи тарафдан, прокуратура органлари зиммасига функциясига хос бўлмаган вазифаларни қўйилишининг олдини олади.

Қонуности ҳужжатлари ижроси устидан назоратни ташкил этишда ҳам **прокуратуранинг ролини ўта долзарб вазифалар** бўйича, шунингдек, адлия ва бошқа масъул назорат қилувчи идораларнинг фаолиятида қонунийлик, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини амалга ошириш каби мақсадларда сақлаб қолиш тўғри бўлади.

**Прокуратура конституцион орган** эканлигини инобатга олиб, **янги тахрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунни конституциявий қонун мақомида қабул қилиниши** давлат назоратининг энг самарали шаклига нисбатан ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ёндашув бўлади.

Прокуратура органлари фаолиятидаги жиддий муаммолардан бири бу – унинг **назорат функциясига мос бўлмаган, асосан ижро органларига хос бўлган вазифалар билан шуғулланиб келаётганлигидир.**

Бундай вазифаларнинг асосий қисмини 2017 йилдан бошлаб **секторларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга** оид топшириқлар ташкил этмоқда.

Таъкидланадики, давлат органлари мавжудлигининг зарурати бу, аввало, унинг **халқ манфаатларини қанчалик ифода этиши** билан белгиланади. Бироқ, бу ўринда, **прокуратуранинг ижро органлари вазифасини бажариши келгусида кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқаради.**

Шу боис, “ҳокимиятларнинг бўлиниши” тамойили тарих синовидан ўтган давлат бошқарувини ташкил этишнинг самарали шакли эканлиги, ҳар бир давлат органининг фаолият йўналиши қонун билан белгиланганлиги, прокуратура фаолиятининг аҳамияти унинг “назорат функцияси”ни амалга оширишида

самарали намоён бўлишини инобатга олган ҳолда, **прокуратуранинг сектордаги фаолиятига босқичма-босқич барҳам бериш зарур.**

Мамлакатимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича **асосий масъул орган** – прокуратура органлари фаолиятини, бир томондан, жамиятнинг бугунги эҳтиёжларига мослаштиришни, иккинчи томондан эса, унинг стратегиясини аниқ белгилаб олишни тоқазо этмоқда.

Тадқиқот ишида прокуратура стратегиясига таъсир қилувчи омиллар **келиб чиқиш манбаига кўра ташқи** (глобал, интеграциялашув, умумдавлат, тармоқ ва ҳ.к.) ва **ички** (ички тузилиш, идоравий манфаат, вазифаларни амалга оширишдаги хос анъана ва кадриятлар, кадрлар ва бошқа ресурсларнинг ҳолати ва ҳ.к.) омилларга, **ижтимоий хусусиятларига кўра, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий** омилларга туркумлаб тадқиқ қилинди.

Стратегияда прокуратура органлари фаолиятига ягона қонун (хизматни ўташни ҳам қамраб олган ҳолда) тариқасида ишлаб чиқиш ва унда прокуратуранинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва мақомини белгилаш, вазифаларини аниқлаштириш, ихчамлаштириш, мустақиллик, шаффофлик, ҳалоллик ва холислик тамойилларини реал амал қилиш кафолатларини ўрнатиш, прокурорларнинг мавқеини, дахлсизлигини кучайтириш, кадрларни ошқора ва ҳалол танловлар асосида қабул қилиш, лавозимини кўтариш тизимини йўлга қўйиш, бошқарувда коллегиал органлар аҳамиятини ошириш, жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш каби долзарб масалалар назарда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Прокуратурага кадрларни танлаш очик ва шаффоф бўлиши, тизимга малакали мутахассисларни қабул қилиш, танловни ўтказиш тартибини белгилаш, келгусида ҳам касбий малакасининг доимий ошириб бориш тизимини жорий қилишда энг илғор тажрибалардан фойдаланиш лозим.

Иш самарадорлигини оширишнинг зарури шартларидан бири бу прокуратура фаолиятида ахборот-технологияларини жорий этилишини тезлаштириш, инновацион ютуқларни татбиқ этиш, ходимларнинг иш ҳажмини



баҳолашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш, иш самарадорлигининг аниқ кўрсаткичларини фаолиятга жорий этиш масаласидир.

Тадқиқот ишида прокуратура фаолиятига стратегик режалаштириш амалиётини жорий қилиш, ушбу мақсадда тегишли тузилма ва штат бирликларини ташкил этиш таклиф этилди.

Яқуний хулоса ўрнида, Ўзбекистон Республикаси **прокуратура органлари фаолиятини стратегик ривожлантириш** юқоридаги мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, истиқболдаги мақсад, вазифа ва муҳим фаолият йўналишларини аниқ белгилаб олиш, куч ва воситаларни оқилона тақсимлаш, фаолиятни замон талаблари асосида илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни жорий этиш орқали янада такомиллаштиришни назарда тутди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

### I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2016 йил 7 декабрь. [Электрон манба]. URL: [https://www.norma.uz/uz/muhim\\_voqealar/qonun\\_ustuvorligi\\_va\\_inson\\_manfaatlarini\\_taminlash\\_-\\_yurt\\_taraqqiyoti\\_va\\_xalq\\_faravonligining\\_garovi](https://www.norma.uz/uz/muhim_voqealar/qonun_ustuvorligi_va_inson_manfaatlarini_taminlash_-_yurt_taraqqiyoti_va_xalq_faravonligining_garovi).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил.: “Халқ сўзи” [Электрон манба]. URL: <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил.: “Халқ сўзи”. [Электрон манба]. URL: <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши // 30.06.2020. [Электрон манба]. URL: <https://uza.uz/oz/politics/odil-sudlovni-taminlash-va-korruptsiyaga-arshika-30-06-2020>.

### II. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси” 11-моддаси // Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml).

2. Минская Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам от 22 января 1993г. // [Электрон манба]. URL: [http://www.usynovite.ru/documents/international/konvencia\\_minsk/](http://www.usynovite.ru/documents/international/konvencia_minsk/).

3. Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам (07 октября 2002 г., г. Кишинев) // [Электрон манба]. URL: <https://cis.minsk.by/page/614>.

4. Конвенция Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности Принята резолюцией 55/25 Генеральной Ассамблеи от 15 ноября 2000 года // [Электрон манба]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/orgcrime.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.shtml).

5. Конвенция Организации объединенных наций о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ 1988 года // [Электрон манба]. URL: [https://www.unodc.org/pdf/convention\\_1988\\_ru.pdf](https://www.unodc.org/pdf/convention_1988_ru.pdf).

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1604-сонли (2003) “Қонунлар устуворлигига асосланган демократик жамиятда прокуратура роли ҳақида”ги Тавсияси // [Электрон манба]. URL: [https://www.coe.int/T/r/Parliamentary\\_Assembly/\[Russian\\_documents\]/\[2003\]/Rec1604.asp](https://www.coe.int/T/r/Parliamentary_Assembly/[Russian_documents]/[2003]/Rec1604.asp).

7. “Демократик жамиятда судьялар ва прокурорлар тўғрисида”ги Бордо Декларацияси 2009. // [Электрон манба]. URL: <https://rm.coe.int/>.

8. Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг (2012) 11-сонли “Прокурорларнинг жинойий судловдан ташқаридаги роли тўғрисида”ги Тавсияси // [Электрон манба]. URL: <https://rm.coe.int/1680a21d04>.

9. Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 2000 йилдаги “Жиноят ишлари бўйича суд тизимида давлат прокурорларининг роли тўғрисида”ги тавсияси // [Электрон манба]. URL: <https://www.refworld.org/>.

10. Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг 4-сонли (2004) қарори // [Электрон манба]. URL: <https://normativ.kontur.ru/document?moduleId=1&documentId=177673>.

11. Европа давлатлари Бош прокурорларининг “Прокурорлар этикаси ва хулқ-атвори бўйича Европа раҳбарий принциплари” 2005 йил 31 май. // [Электрон манба]. URL: <https://stydopedia.ru/2x598.html>.

12. Standards of professional responsibility and statement of the essential duties and rights of prosecutors // [Электрон манба]. URL: <https://www.iap-association.org/>.

13. Guidelines on the Role of Prosecutors // [Электрон манба]. URL: <https://www.chchr.org/>.

14. Будапешт раҳбарий принциплари. 2005 йил 31 май. // [Электрон манба]. URL: <https://stydopedia.ru/2x598.html>.

### III. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1992 йил 8 декабрь. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги 336-ХП- сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 470-П-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, 1994 йил 22 сентябрь. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2021 й., 03/21/685/0373-сон; 29.04.2021 й., 03/21/688/0394-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси, 1994 йил 22 сентябрь // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси 1997 йил 25 апрель // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик процессуал” Кодекси, 2018 йил 22 январь // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

**8.** Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий процессуал” Кодекси, 2018 йил 24 январь // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

**9.** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 2019 йил 12 декабрь // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

**10.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги 257-П-сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

**11.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-446-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/21/682/0354-сон, 28.04.2021 й., 03/21/687/0380-сон.

**12.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида”ги 162-П-сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон.

**13.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682- сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

**14.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-442 сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 943-модда.

**15.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги 717-И-сонли Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда.

**16.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги ЎРҚ-440- сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

**17.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-564-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон; 20.10.2020 й., 03/20/642/1396-сон.

**18.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги 669-П-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

**19.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги

670-I- сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон.

**20.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги ПФ-313-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 97-модда.

**21.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-2277-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 3-сон, 81-модда; 2016 й., 32-сон, 387-модда.

**22.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон.

**23.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги “Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4636-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 32-сон, 387-модда.

**24.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон.

**25.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон; 21.01.2021 й., 06/21/6143/0052-сон.

**26.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон.

**27.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги “Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5343-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

**28.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5438-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

**29.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

**30.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон.

**31.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хайъатининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5929-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2020 й., 06/20/5929/0115-сон.

**32.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон.

**33.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон.

**34.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.02.2021 й., 06/21/6166/0101-сон.

**35.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

**36.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом // [Электрон манба]. URL:// <https://prokuratura.uz/> - / .

**37.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3016-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон; 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

**38.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли Қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 07/19/4102/2434-сон; 29.06.2020 й.

**39.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3699-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 й., 07/18/3699/1184-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

**40.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3962-сонли Қарори// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5846/3866-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

**41.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4643-сонли Қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.03.2020 й., 07/20/4643/0332-сон.

**42.** “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ги Низом. 30.05.2017 йил // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон; 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

**43.** “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом. 23.05.2018- йил. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

**44.** “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат Дастури” 27.05.2019. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон.

**45.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 33-сонли Қарори // [Электрон манба]. URL:<https://lex.uz/docs/386224>. (Ҳужжат кучини йўқотган 22.02.2021).

**46.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 360-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/366769>.

**47.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги “Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жинойтларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 291-сонли қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 й., 07/18/3699/1184-сон.

48. Закон СССР от 30.11.1979 О прокуратуре СССР // [Электрон манба]. URL:<http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docview&page=1&print=1&nd=102010154&rdk=0&&empire=>.

49. Spain's Constitution of 1978// [Электрон манба]. URL: [https://www.constituteproject.org/constitution/Spain\\_2011?lang=en](https://www.constituteproject.org/constitution/Spain_2011?lang=en).

50. Федеральный закон Российской Федерации 17 ноября 1995 года № 168-ФЗ “О прокуратуре Российской Федерации” // [Электрон манба]. URL: <https://www.zakonrf.info/zakon-o-prokurature/>.

51. Brazil's Constitution of 1988 // [Электрон манба]. URL:[https://www.constituteproject.org/constitution/Brazil\\_2017?lang=en](https://www.constituteproject.org/constitution/Brazil_2017?lang=en).

52. Bulgaria's Constitution of 1991// [Электрон манба]. URL: [https://www.constituteproject.org/constitution/Bulgaria\\_2015?lang=en](https://www.constituteproject.org/constitution/Bulgaria_2015?lang=en).

53. Закон Кыргызской Республики от 17 июля 2009 года № 224 “О прокуратуре Кыргызской Республики» // [Электрон манба]. URL:<http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112108/10?mode=tekst>

54. Конституционный Закон Республики Таджикистан от 3 марта 2006 года №156 “Об органах прокуратуры Республики Таджикистан” // [Электрон манба]. URL:<http://www.prokuratura.tj/ru/legislation/the-constitutional-law-on-the-rosecutors-office-of-tajikistan.html>.

55. Украинанинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил 14 октябрь 1697-VII-сон. // [Электрон манба]. URL: [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=31619547 - pos=0;0](http://continent-online.com/Document/?doc_id=31619547 - pos=0;0)

56. Закон Азербайджанской Республики “О прокуратуре” от 7 декабря 1999 г. // [Электрон манба]. URL:[https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=2800](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=2800).

57. The Constitution of Georgia // [Электрон манба]. URL: <https://matsne.gov.ge/en/document/view/30346%3B?publication=34>.

58. Закон Республики Молдова “О прокуратуре” // [Электрон манба]. URL: <http://procuratura.md/ru/leg/>.

59. Конституция Венгрии // Конституции мира. Т. 7. - Т., 2001. // [Электрон манба]. URL:<https://worldconstitutions.ru/?p=298>.

60. Конституция Республики Словения. 23 декабря 1990 г. // [Электрон манба]. URL:<https://worldconstitutions.ru/?p=109>.

61. Конституция Словацкой Республики. 1 сентября 1992 г. // [Электрон манба]. URL:<https://worldconstitutions.ru/?p=110>.

62. Украинанинг 2019 йил 19 сентябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, Электрон манба]. URL:<https://ips.ligazakon.net/document/view/T141697?an=6392>.

63. Закон Латвийской Республики “О прокуратуре” от 19 мая 1999 года. [Электрон манба]. URL:[http://www.pravo.lv/likumi/56\\_zopr.html](http://www.pravo.lv/likumi/56_zopr.html).

64. Конституция Чешской Республики. 16 декабря 1992 г. // [Электрон манба]. URL:<https://worldconstitutions.ru/?p=106>

65. Уголовно-процессуальный кодекс Франции. - М., 1967. [Электрон манба]. URL:<https://constitutionallaw.ru/?p=910>.



**66.** Указ Президента Республики Беларусь от 27 марта 2008 г. №181 “Об утверждении Положения о прохождении службы в органах прокуратуры Республики Беларусь” // [Электрон манба]. URL: <http://www.prokuratura.gov.by/ru/acts/>.

**67.** Стратегический план Генеральной прокуратуры Республики Казахстан на 2014-2018 годы. Утвержден приказом Руководителя Администрации Президента Республики Казахстан от 10 февраля 2014 года № 01-39.121 [Электрон манба]. URL: [www.online.zakon.kz](http://www.online.zakon.kz).

**68.** Strategic Plan of the Office of the Prosecutor (2019-2021) 17 July 2019. [Электрон манба]. URL: <https://www.icc-cpi.int/Pages/item.aspx?name=20190726-otp-sp>.

**69.** Германия Жиноят-процессуал кодекси 07.04.1987. // [Электрон манба]. URL: [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_stpo/englisch\\_stpo.html](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stpo/englisch_stpo.html).

**70.** Republic of Lithuania law on the Prosecution Service 13 October 1994 // [Электрон манба]. URL: [https://www.legislationline.org/download/id/7470/file/Lithuania\\_law\\_prosecution\\_service\\_1994\\_am2014\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/7470/file/Lithuania_law_prosecution_service_1994_am2014_en.pdf).

**71.** Қозоғистон Жиноят-процессуал кодекси 2014 йил 4 июль 231-V-сон. // [Электрон манба]. URL: <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>.

**72.** Эстония Жиноят-процессуал кодекси 2003 йил 12 февраль. // [Электрон манба]. URL: [https://www.legislationline.org/download/id/6463/file/Estonia\\_CPC\\_as\\_of\\_2005\\_ru.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6463/file/Estonia_CPC_as_of_2005_ru.pdf).

**73.** Туркия Жиноят-процессуал кодекси 2004 йил 17 декабрь. // [Электрон манба]. URL: [https://www.legislationline.org/download/id/4257/file/Turkey\\_CPC\\_2009\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/4257/file/Turkey_CPC_2009_en.pdf).

#### **IV. Монография, илмий мақола ва тўпламлар :**

**1.** Di Federico, Giuseppe. 1998. “Prosecutorial Independence and the Democratic Requirement of Accountability in Italy: Analysis of a Deviant Case in a Comparative Perspective.” *British Journal of Criminology* 38 (3): 371–87

**2.** Gordon, Sanford C. 2009. “Assessing Partisan Bias in Federal Public Corruption Prosecutions.” *American Political Science Review* 103 (4): 534–54

**3.** Jerg Gutmann, Stefan Voigt. October 11, 2019. “The Independence of Prosecutors and Government Accountability” by the University of Chicago

**4.** Авазов Н.Т., Матмуротов А.Р. “Хорижий мамлакатларнинг прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қиёсий таҳлили”. Илмий рисола. –Т., 2018.

**5.** Бессарабов В.Г “Место прокуратуры в государственном механизме современной России” / В.Г. Бессарабов // Законность. - 1999. - № 10. - С. 40-45.

**6.** Ключков В.В. “Методологические вопросы организации и деятельности прокуратуры” // “Проблемы теории законности, методологии и методики прокурорского надзора”. – М., 1994. – 11-12-б.

**7.** Ломовский В.Д. “Какой власти принадлежит прокуратура / Статья В.Д. Ломовский // Российская юстиция. - 2001. - № 9.

**8.** Маликова Г.Р. “Генезис прокуратуры Республики Узбекистан: “Восток — дело тонкое” // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2020. № 4. С. 80—96. DOI: 10.12737/jflcl.2020.033.

9. Рохлин В.И. “Прокурорский надзор и государственный контроль: история, развитие, понятие, соотношение”. – СПб., 2003. С. 11-15.

10. Якупов, З. Р. “Роль прокуратуры в механизме государственной власти современной России” / З. Р. Якупов. — Текст : непосредственный // Право: современные тенденции : материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Краснодар, февраль 2017 г.). — Краснодар : Новация, 2017. — С. 95-98. — // [Электрон манба]. URL: <https://moluch.ru/conf/law/archive/225/11641/>.

#### **V. Фойдаланилган бошқа адабиётлар :**

1. Act of Pland on the public prosecutor's office // [Электрон манба]. URL: <http://isap.sejm.gov.pl>.

2. Alexander Chernev, Strategic Marketing Management. Published August 1st 2012 by Cerebellum Press. // [Электрон манба]. URL: <https://www.goodreads.com/book/show/16187891-strategic-marketing-management>

3. Angela J. Davis. “The American Pr The American Prosecutor: Independence, P or: Independence, Power, and the Thr , and the Threat of Tyranny.” American University Washington College of Law.

4. Bordeaux Declaration // [Электрон манба]. URL: <https://rm.coe.int/>.

5. ENCJ's Report ( 2014-2016 ) on Independence and accountability of the prosecution // [Электрон манба]. URL: <https://www.encj.eu/>.

6. European guidelines on ethics and conduct for public prosecutors. Strasbourg, 14 February 2005. // [Электрон манба]. URL: <https://rm.coe.int/>.

7. Guidelines on the Role of Prosecutors. Adopted by the Eighth United Nations Congress on the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders, Havana, Cuba, 27 August to 7 September 1990 // [Электрон манба]. URL: <https://www.chchr.org/>.

8. Law of the Republic of Serbia on the State Council of Prosecutors // [Электрон манба]. URL: <https://mLos.jt.rs/dokumenta/zakoni-i-propisi/>

9. OECD (2020), “The Independence of Prosecutors in Eastern Europe, Central Asia and Asia Pacific.” // [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/The-Independence-of-Prosecutors-in-Eastern-Europe-Central-Asia-and-Asia-Pacific.pdf>.

10. Opinion ( 2013 ) of the Consultative Council of European Prosecutors on relations between prosecutors and the media // [Электрон манба]. URL: <https://rm.coe.int/1680747848>

11. Report on European standards as regards the independence of the judicial system // [Электрон манба]. URL: <https://www.venice.coe.int/>.

12. Report on European standards as regards the independence of the judicial system : part II - the prosecution service adopted by the Venice Commission at its 85th plenary session ( Venice , 17-18 December 2010 ) // [Электрон манба]. URL: <https://www.venice.coe.int/>.

13. Republic of Lithuania law on the Prosecution Service // [Электрон манба]. URL: <https://e-seimas.lrs.lt/portal/documentSearch/lt>.

**14.** Standards of professional responsibility and statement of the essential duties and rights of prosecutors. International Association of Prosecutors April 23, 1999 // [Электрон манба]. URL: <https://www.iap-association.org/>

**15.** The role of public prosecution in the criminal justice system. Adopted by the Committee of Ministers of the Council of Europe on 6 October 2000 // [Электрон манба]. URL: <https://www.refworld.org/>.

**16.** The Training of Judges and Legal Practitioners - Ensuring the Full Application of EU Law // [Электрон манба]. URL: <https://www.europarl.europa.eu/>.

**17.** Van Aaken, Anne, Lars P. Feld, and Stefan Voigt. 2010. “Do Independent Prosecutors Deter Political Corruption? An Empirical Evaluation across Seventy-Eight Countries.” American Law and Economics Review 12 (1): 204–44

**18.** Venice Commission, “Report on European standards”, para . 87.10.

**19.** Абу Юсуф Йакуб Ибрахим ал-Куфи. “Китаб ал-Харадж” (мусульманское налогообложение). СПб., 2001.

**20.** Аланс М. “Менежментнинг изохли луғати”, 1994.

**21.** Алимов Ф. “Правовой статус и деятельность органов государственной власти в Республики Узбекистан”. - Т., 2004. - 40 б.

**22.** БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судлар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг 2019 йил 19-25 сентябрь кунлари Ўзбекистонга ташрифи бўйича тайёрланган ҳисоботи. [Электрон манба]. URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/17/review/>; <https://undocs.org/ru>.

**23.** Боботов С.В. “Правосудие во Франции”. -М.: ЕАВ. -1994.

**24.** Бойков А. Д. “Третья власть в России. Очерки о правосудии, законности и судебной реформе” 1990–1996 гг. М., 1997.

**25.** “Бухарский мухтасиб в начале XX века”. [Электрон манба]. URL: [googleweblight.com](http://googleweblight.com).

**26.** “Бухарское ханство в фотоколлекциях”. [Электрон манба]. URL: [www.kunstkamera.ru](http://www.kunstkamera.ru).

**27.** Владимир Квинт. “Стратегиялаш назарияси ва амалиёти, 2018 йил 15 сентябрь, “A2 Digital” МЧЖ нашри.

**28.** Галузо В.Н. “Сушность прокурорского надзора” // Прокурорский надзор. Под ред. Галустьяна О.А. и др. - М.: “Закон и право”, 2006. -396 с.

**29.** Гартунг Н. История уголовного судопроизводства и судоустройства Франции, Англии, Германии и России. — Рипол Классик, 2013. — 207 с. — ISBN 9785424179532.

**30.** Давид Р. “Основные правовые системы современности”. — М., 1967.

**31.** Давлетов А.Ж. “Прокурорский надзор”: Учебник. - Нукус: “Билим”, 1999. - 320 с.

**32.** Даев В.Г., Маршунов М.Н. “Основы теории прокурорского надзора”. - Ленинград: изд. ЛГУ, 1990. - 140 с.

**33.** Дин Готтер. “Омбудсман ҳамда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”. 1999, №1.

- 34.** Додонов В.Н., Крутских В.Е. “Прокуратура в России и за рубежом”. - М.: “Норма”, 2001. - Стр. 9.
- 35.** Додонов В.Н., Крутских В.Е. “Прокуратура в России и за рубежом”. // Под ред. С.И. Герасимова. -М., 2001.-С.101 -102.
- 36.** Европа прокурорлари маслаҳат кенгашининг “Прокурорларнинг мустақиллиги, ҳисобдорлиги ва этикаси бўйича” 13-сонли тавсияси (2018) // [Электрон манба]. URL: <https://www.osce.org/files/f/documents/3/5/447865.pdf>.
- 37.** Жасимов И.К. “Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги прокуратуранинг бугунги кундаги ўрни”.-Т., 2004. 120 б.
- 38.** Ибрагимов З.С. “Прокуратура суверенного Узбекистана”. – Т., 2000
- 39.** Ибрагимов, З.С. “Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили)” - Т.: “Ношир” 2011. – 440 бет.
- 40.** Ислам. Энциклопедический словарь. С. 183
- 41.** Исламов З.М. “К какой власти отнести прокуратуру?” - Народное слово, 3 июля 2003 года.
- 42.** Ислом энциклопедияси. Зухриддин Хусниддинов таҳрири остида Такризчи: академик Неъматулла Иброҳимов “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. 357 б.
- 43.** Касимова М.К. “История создания и развития прокуратуры Узбекистане” // Общественные науки в Узбекистане. – 1985. - 263 с.
- 44.** Квинт В.Л. “The Global Emerging Market: Strategic Management and Economics” монографиясида чоп этилган тадқиқотиот асосида. New-York, London: Routledge-Taylor&Francis, 2009.
- 45.** “Концепция судебной реформы в Российской Федерации”. М., 1992.
- 46.** “Лисон а-Араб”. 3-китоб. Байрут, 1997.
- 47.** Мадалиев О.М. “Прокурор назорати”. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –424 бет.
- 48.** Махбубов М. “Законность в дореволюционном Узбекистане” // 70 лет на страже закона. – Т., 1992.
- 49.** Махбубов М. “Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши”. – Т., 1991.
- 50.** Мельников Н.В. “Прокурорская власть и личность: правовые средства обеспечения конституционных прав и свобод граждан России”. — *Юрист*, 2003. — 394 с.
- 51.** Modern legal encyclopedia. 1994; Бельсон Я.М. “Суд, прокуратура и тюрьма в современном буржуазном государстве”. - М., 1972
- 52.** Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. – М., 1955. – 803 бет.
- 53.** Муаллифлар жамоаси. “Прокурор назорати”. Дарслик. Т., ТДЮУ, 2019.- 190 б.
- 54.** Одилқориев Х.Т. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”. Дарслик. – Тошкент. “Адолат”, 2018. – 528 бет.

55. “Правовые системы стран мира” // Отв. ред. Сухарев А.Я. - М.: “Норма”, 2001.-Стр. 157.

56. “Прокуратура в правовом государстве” // Материалм многосторонней встречи, организованной Советом Европм совместно с Генеральной прокуратурой Российской Федерации. - М., 1997. - 169 с.

57. Прокуратура Санкт-Петербурга. - СПб., 1987. - С.

58. “Прокурорский надзор в Российской Федерации”. // Отв. ред. проф. Рохлин В.И. -М.: “Сентябрь” 2000.- 323 с.

59. “Прокурорский надзор”. Учебник для студентов вузов. Под. ред. Винокурова Ю.Е. - М., 2005. - 464 с.

60. Пўлатов Б.Х. “Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати”. Кўлланма. Т.

61. Пўлатов Б.Х. “Прокурор назорати”. Дарслик. Т.: “Ўзбекистон” 2009. Б. 130.

62. Ражабова М.А. “Хукукий давлатчилик сари”. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000. - 64 б.

63. Решетников Ф.М. “Правовые системы стран мира”. Справочник. - М.: “Юридическая литература”, 1993.-387 с.

64. “Руководство для прокуроров по общему надзору”: Методическое пособие. -М., 1975. - 456 с.

65. Рустамбаев М., Никифорова Е. “Прокуратура в правовом государстве” // Правда Востока, 2002 йил 19 ноябрь.

66. Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. “Суд ва хукуки муҳофаза қилувчи органлар”. Т., 2011.

67. Сун-Цзи. “Искусство войны” 1958.

68. “Темур тузуклари”. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2019.

69. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ // Азизхўжаев А.А.нинг умумий таҳрири остида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2008.- 496 б.

70. Федоров Н.В. “О судебной реформе в России” // Государство и право. 1992. №6.

71. Чуршов Б., Гуьцин В. З. “Правозащитные функции прокуратурь в постсоциалистическом государстве” // Государство и право. -1998. -№ 5; Чуршов А. В. Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод граждан // Законность. -1997. -№ 8.

## VI. Диссертация ва авторефератлар:

1. Виноградов О.А. “Прокуратура в системе органов государственной власти” / О.А. Виноградов // Законность. - 1997. - № 4.

2. Дымолазов В.С. “Прокурорский надзор за исполнением законодательства об отходах производства и потребления: диссертация ...” кандидата Юридических наук: 12.00.11 / Дымолазов Виталий Сергеевич, 2017.

3. Ибрагимов З.С. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва прокуратура органлари ҳукукий мақомининг такомиллашуви”. Монография. -Т., 2008.-266 б.

4. Корневский Ю.В. “Становление правового государства в Российской Федерации и функции прокуратуры”. Круглый стол / Ю.В. Корневский // Государство и право. - 1994. - № 5. - С. 3-34.

5. Корчинский П.П. “Прокуратура в системе конституционного права: сравнительно правовой анализ”, Автореферат, Симферепол, 2020.

6. Ломовский В.Д. “Прокурорско-надзорные правоотношения”. Монография. - Ростов ГУ, 1987. - Стр. 35-43.

7. Маннонов В.Р. “Борба за укрепление социалистической законности в Туркестанской АССР и создание советской прокуратуры”. Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Т., 1967.

8. Назаров.О.Ш. “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига амал этилиши устидан прокурор назорати” // диссертация иши.; Тошкент 2007.

9. Тадевосян В.С. “Прокурорский надзор в СССР”: Авторефер. дисс. докт. юрид. наук. - М., 1958; Мелкумов В.Г. Советская прокуратура и проблемм обюего надзора. - Душанбе, 1970. - Стр. 74-87.

## **VII. Интернет манбалари:**


1. <https://lex.uz/>.
2. <https://www.norma.uz/>.
3. <https://prokuratura.uz/>.
4. <https://strategy.uz/>.
5. <https://uza.uz/uz>.
6. <https://www.iap-a..ssociation.org/>
7. <https://www.un.org/ru/>
8. <https://undocs.org/ru>
9. <https://www.constituteproject.org/constitutions?lang=en>
10. <http://www.ksgp-cis.ru/prokuratury-sng>
11. <https://worldjusticeproject.org/>
12. <https://gtmarket.ru/>
13. <https://www.transparency.org/en/>.

## ИЖТИМОЙ СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ:

1. Жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш учун “қонун устуворлиги”ни ўрнатилиши лозим деб ҳисоблайсизми?	Жавоблар сони
Албатта, қонун устувор бўлмаса, адолат бўлмайди.	21
Унчалик аҳамиятга эга эмас, бошқа унсурлар муҳимроқдир.	0
Умуман аҳамияти йўқ.	1
Бу борада бирор нарса дея олмайман.	0

**Жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш учун  
“қонун устуворлиги”ни ўрнатилиши лозим деб  
ҳисоблайсизми?**


- Албатта, қонун устувор бўлмаса, адолат бўлмайди.
- Унчалик аҳамиятга эга эмас, бошқа унсурлар муҳимроқдир.
- Умуман аҳамияти йўқ.
- Бу борада бирор нарса дея олмайман.



<b>2. Сизнингча, амалда прокуратура ...</b>	<b>Жавоблар сони</b>
Қонунлар ижросини назорат қилувчи конституциявий орган.	10
Ижро ҳокимияти органи.	0
Суд ҳокимияти тизимига кирувчи орган.	0
Қонун чиқариш тизимига мансуб орган.	0
Маҳаллий ҳокимият органи.	0
Барча вазифаларни бажарувчи универсал орган.	11
Бу борада бирор нарса дея олмайман.	1

### Сизнингча, амалда прокуратура ...

- Қонунлар ижросини назорат қилувчи конституциявий орган.
- Ижро ҳокимияти органи.
- Суд ҳокимияти тизимига кирувчи орган.
- Қонун чиқариш тизимига мансуб орган.
- Маҳаллий ҳокимият органи.
- Барча вазифаларни бажарувчи универсал орган.
- Бу борада бирор нарса дея олмайман.






<b>3. Прокуратура органлари ўз фаолиятларини амалга оширишда мустақил ва холис деб деб ўйласизми?</b>	<b>Жавоблар сони</b>
Мутлақо шундай, чунки қонунда шундай кўрсатилган	2
Бунга айрим тўсиқлар мавжуд.	15
Ушбу масалани долзарб деб ҳисобламайман.	3
Бу борада бирор нарса дея олмайман.	1

### **Прокуратура органлари ўз фаолиятларини амалга оширишда мустақил ва холис деб деб ўйласизми?**


- Мутлақо шундай, чунки қонунда шундай кўрсатилган
- Бунга айрим тўсиқлар мавжуд.
- Ушбу масалани долзарб деб ҳисобламайман.
- Бу борада бирор нарса дея олмайман.



4. Прокуратура органлари фаолиятида “мустақиллик” ва “ҳисобдорлик” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги нимада деб ҳисоблайсиз?	Жавоблар сони
Ушбу тушунчалар ўзаро оқилона узвийликда прокуратура фаолиятидаги қонунийлик ва самарадорликни таъминлайди.	12
Ушбу тушунчалар бир-бири билан боғлиқ эмас, алоҳида амал қилганда самара беради.	9
Бу борада бирор нарса дея олмайман.	0
шахсий фикрим	0

**Прокуратура органлари фаолиятида “мустақиллик” ва “ҳисобдорлик” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги нимада деб ҳисоблайсиз?**


- Ушбу тушунчалар ўзаро оқилона узвийликда прокуратура фаолиятидаги қонунийлик ва самарадорликни таъминлайди.
- Ушбу тушунчалар бир-бири билан боғлиқ эмас, алоҳида амал қилганда самара беради.
- Бу борада бирор нарса дея олмайман.
- шахсий фикрим



<b>5. Прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини етарли деб ўйлайсизми?</b>	<b>Жавоблар сони</b>
Қониқарли.	7
Етарли эмас, кучайтириш зарур.	13
Умуман талабга жавоб бермайди.	0
Бу борада бирор нарса дея олмайман.	0
Шахсий фикрим:	иш ҳажми кўп

**Прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини етарли деб ўйлайсизми?**


- Қониқарли.
- Етарли эмас, кучайтириш зарур.
- Умуман талабга жавоб бермайди.
- Бу борада бирор нарса дея олмайман.



6. “Қонун устуворлиги”ни таъминлашда прокуратура фаолиятига асосий тўсиқ нима деб ҳисоблайсиз (2-5 гача вариантда бир неча жавобни белгилаш мумкин)?	Жавоблар сони
Тўсиқлар мавжуд эмас, жамиятда қонун устуворлиги таъминланган.	1
Прокуратура фаолиятининг етарли даражада самарали эмаслиги.	5
Прокуратуранинг етарли даражада мустақил эмаслиги.	7
Бошқа давлат органларининг прокуратура фаолиятига аралашуви ёки босим ўтказиши.	8
Хос бўлмаган вазифаларнинг юклатилганлиги.	14
Бу борада бирор нарса дея олмайман.	1

**“Қонун устуворлиги”ни таъминлашда прокуратура фаолиятига асосий тўсиқ нима деб ҳисоблайсиз (2-5 гача вариантда бир неча жавобни белгилаш мумкин)?**


- Тўсиқлар мавжуд эмас, жамиятда қонун устуворлиги таъминланган.
- Прокуратура фаолиятининг етарли даражада самарали эмаслиги.
- Прокуратуранинг етарли даражада мустақил эмаслиги.
- Бошқа давлат органларининг прокуратура фаолиятига аралашуви ёки босим ўтказиши.
- Хос бўлмаган вазифаларнинг юклатилганлиги.
- Бу борада бирор нарса дея олмайман.



<b>7. Ҳозирги кунда прокуратура органларининг фаолиятининг қайси йўналишларида тизимли муаммолар мавжуд деб ўйлайсиз (1-7 гача вариантда бир неча жавобни белгилаш мумкин)?</b>	<b>Жавоблар сони</b>
Прокуратурада терговга қадар текширув, суриштирув ва терговни олиб бориш соҳасида.	7
Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти қонунийлигини устидан назорат ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида.	10
Судларда прокурор ваколатларини таъминлаш соҳасида.	5
Кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, тайинлаш, малакасини ошириш, меҳнат қонунчилигига риоя этиш соҳасида.	8
Таҳлилий фаолият, ишни режалаштириш, ички идоравий назорат, ижро интизомини таъминлаш соҳасида.	6
Бошқарув, вазифаларни белгилаш, ишни ташкил этиш ва баҳолаш соҳасида.	9
Прокуратура фаолиятига оид муаммоларни илмий тадқиқ қилиш, назарий жиҳатдан муаммоларни ҳал этиш соҳасида.	7
Муаммолар мавжуд деб ўйламайман,	3

**Ҳозирги кунда прокуратура органларининг фаолиятининг қайси йўналишларида тизимли муаммолар мавжуд деб ўйлайсиз (1-7 гача вариантда бир неча жавобни белгилаш мумкин)?**


- Прокуратурада терговга қадар текширув, суриштирув ва терговни олиб бориш соҳасида.
- Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти қонунийлигини устидан назорат ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида.
- Судларда прокурор ваколатларини таъминлаш соҳасида.
- Кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, тайинлаш, малакасини ошириш, меҳнат қонунчилигига риоя этиш соҳасида.
- Таҳлилий фаолият, ишни режалаштириш, ички идоравий назорат, ижро интизомини таъминлаш соҳасида.
- Бошқарув соҳасида, вазифаларни белгилаш, ишни ташкил этиш ва баҳолаш.
- Прокуратура фаолиятига оид муаммоларни илмий тадқиқ қилиш, назарий жиҳатдан муаммоларни ҳал этиш соҳасида.
- Муаммолар мавжуд деб ўйламайман,



8. Прокуратура органларини ривожлантиришда қайси жиҳатларни энг муҳим деб ҳисоблайсиз?	Жавоблар сони
Ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни.	0
Ҳуқуқ амалиётини такомиллаштириш (амалдаги қонунчиликка риоя этиш)ни.	10
Қонунда назарда тутилмаган вазифаларга барҳам беришни.	12
Ўзи ривожланган.	1
Бу борада бирор нарса дея олмайман.	0


### Прокуратура органларини ривожлантиришда қайси жиҳатларни энг муҳим деб ҳисоблайсиз?

- Ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни.
- Ҳуқуқ амалиётини такомиллаштириш (амалдаги қонунчиликка риоя этиш)ни.
- Қонунда назарда тутилмаган вазифаларга барҳам беришни.
- Ўзи ривожланган.
- Бу борада бирор нарса дея олмайман.




<b>9. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилдаги 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини қайтадан янги таҳрирда қабул қилиш зарурати мавжуд деб ҳисоблайсизми?</b>	<b>Жавоблар сони</b>
Зарурати йўқ, лозим бўлса ўзгартириш киритиш мумкин.	10
Ҳа мавжуд, янги таҳрирда қабул қилиш лозим.	9
Бу борада бирор нарса дея олмайман.	3

- Зарурати йўқ, лозим бўлса ўзгартириш киритиш мумкин.
- Ҳа мавжуд, янги таҳрирда қабул қилиш лозим.
- Бу борада бирор нарса дея олмайман.




<b>10. Сизнингча, қуйидагиларнинг қайсилари прокурорлар фаолияти самарадорлигини оширишда энг муҳим аҳамиятга эга (1-11 гача вариантда бир неча жавобни белгилаш мумкин)?</b>	<b>Жавоблар сони</b>
Ходимлар салоҳиятининг юқорилиги.	12
Ходимлар фидойилиги, касбга садоқати ва ҳалоллиги.	14
Юқори маош ва моддий таъминланганлик.	15
Мақсад ва вазифаларнинг тўғри қўйилиши ҳамда самарали ижро этилиши.	10
Фаолиятга ташқи аралашув ёки босимнинг мавжуд бўлмаслиги.	7
Ахборот-технологиялари ютуқларини жорий этилганлиги.	10
Меҳнат муносабатлари юксак даражада ташкил этилганлиги, индивидуал ходим иш кўрсаткичларини баҳолашнинг замонавий усуллариининг жорий этилганлиги.	5
Фаолиятдаги ошқоралик.	2
Самарали бошқарув тизимининг йўлга қўйилганлиги.	6
Иш ҳажмининг адолатли тақсимланганлиги.	11
Бошқа идораларнинг вазифаларини юклатилмаслиги.	11
Бошқа мезонлар.	0





<b>11. Сизнингча, прокуратура ходимларининг ишига қайси омиллар салбий таъсир кўрсатади (1-9 гача вариантда бир неча жавобни белгилаш мумкин)?</b>	<b>Жавоблар сони</b>
Билимсизлик, етарли малакага эга бўлмаслик.	12
Масъулиятсизлик, интизомсизлик.	9
Турли йиғилишлар.	5
Қонун билан юклатилган йўналишлардан бошқа вазифаларни юклатилиши.	13
Иш ҳажмининг кўплиги, ишни нотўри тақсимланиши.	12
Рағбат тизимининг етарли эмаслиги.	10
Маош ва бошқа ижтимоий-иқтисодий кафолатларнинг етарли эмаслиги.	13
Фаолиятга ташқи аралашув ёки босимнинг мавжуд эканлиги.	9
Ҳимоя тизими йўқлиги, касбий фаолиятни амалга ошириш натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий хатарлар.	5
Бошқа омиллар.	1



**Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисида  
кодекси ва Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифлар юзасидан  
ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ**

АМАЛДАГИ ТАҲРИР	ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ТАҲРИР	АСОС
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ</b>		
<p><b>3-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари.</b></p> <p>Прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.</p> <p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p>	<p><b>3-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари.</b></p> <p>Прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.</p> <p><b>2-хатбоши.</b></p> <p>Прокуратура органлари зиммасига Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган вазифаларни юклатилишига йўл қўйилмайди.</p>	<p>Прокуратура органларининг вазифалари, унинг конституциявий орган эканлигидан келиб чиққан ҳолда, фақат Конституция ва қонунлар билангина ўрнатилиши, шунингдек, <b>аниқ, қатъий, ихчам ва натижадорликка йўналтирилган</b> бўлиши лозим.</p> <p>Прокуратура зиммасига қонунда назарда тутилмаган “қўшимча”, “ортиқча” ва “хос бўлмаган” вазифаларнинг юклатилиши унинг фаолияти самарадорлигини пасайтириш билан бирга, қонуний функцияларни тўлақонли ва сифатли бажарилишига тўсқинлик қилади. Бундай амалиёт функцияларни такрорланишига, бошқарув ресурсларини беҳуда ва ноўрин сарфланишига олиб келади.</p> <p>Таклиф этилаётган қоида хорижий мамлакатлардан – <b>Қирғизистон, Тожикистон ва Россия</b> давлатлари қонунчилигида мавжуд.</p>
<p><b>5-модда. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари.</b></p> <p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p>	<p><b>5-модда. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари.</b></p> <p><b>6-хатбоши.</b></p> <p>Мустақиллик принципи прокуратуранинг қонун чиқарувчи, ижро ёки суд ҳокимиятига</p>	<p><b>Мустақиллик принципи</b> прокуратура фаолиятини бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил тарзда олиб боришни кўзда туттади.</p> <p>Ушбу принцип прокуратура фаолиятининг қонунийлиги ва самарадорлигини таъминлайди.</p>

бўйсунганини қатъиян истисно этади, шунингдек, унинг фаолиятига бошқа давлат органлари ва тузилмалари орқали таъсир ўтказиш ёки аралашганини ман этади.

#### **7-хатбоши.**

Прокуратура фаолиятига ҳар қандай аралашгани қабул қилиб бўлмас ҳолат сифатида баҳоланади.

#### **8-хатбоши.**

Ҳеч ким прокурорнинг рухсатисиз прокуратура томонидан ўтказиладиган текширув натижаларини текширув яқунланишидан олдин ошкор қилишга ҳақли эмас.

Прокурор ўз иш юритувидаги ишлар ва материаллар тўғрисида бирон бир тушунтириш беришга, шунингдек, танишиш учун уларни бошқа шахсларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар ва тартибдан ташқари беришга мажбур эмас.

Фуқарони текшириш материаллари билан таништириш, агар материаллар унинг ҳуқуқлари ва эркинликларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган ёки фуқаронинг муружаатини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлса тегишли прокурорнинг ёки юқори турувчи прокурорнинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Давлат ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар танишиш учун берилиши мумкин эмас.

Фуқарони текшириш материаллари билан таништириш тўғрисидаги қарор ёки текшириш

Ҳозирги кунда прокуратура органлари мустақиллигининг таъминлашнинг реал зарурати вужудга келган.

**Прокурорларнинг мустақиллиги** аксарият хорижий мамлакатлар – **Польша, Руминия, Франция, Бразилия, Испания, Молдава, Қозоғистон, Россия, Украина, Беларусь** ва бошқа давлатларлар қонунчилиги ва амалиётида ўз ифодасини топган.

	<p>материаллари билан таништиришни рад этиш тўғрисидаги асосли қарор фуқаро мурожаат қилган кундан бошлаб ўн кун ичида қабул қилинади.</p> <p>Текширув материаллари билан таништиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, фуқарога ушбу қарор устидан юқори прокурорга ва (ёки) судга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.</p> <p><b>10-хатбоши.</b></p> <p>Прокуратура органлари ўз фаолиятининг натижалари ҳақида оммавий ахборот воситалари ва расмий сайтлари орқали ҳар йили камида икки мартаба кенг жамоатчиликни хабардор қилади.</p> <p><b>11-хатбоши.</b></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органлари фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этган йиллик ҳисоботлари прокуратура органларининг расмий сайтларига жойлаштириб борилади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2-моддасига мувофиқ, барча давлат органлари каби прокуратура ҳам халқ манфаатини ифода этиши ва унинг манфаатлари йўлида фаолият юритиши лозим.</p> <p>Шу боис, <b>прокуратура жамоатчилик олдида ҳисобдордир</b> ва бу ҳисобдорлик фаолиятга ошкоралик бериш кўламини кенгайтириш орқали амалга ошади.</p> <p>Прокуратура фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши фаолиятининг халқчиллигини таъминлайди, ходимларнинг масъулиятини оширади.</p> <p>Айни пайтда, <b>жамоатчилик билан ҳамкорлик фуқароларда прокуратурага бўлган ишончни ортишига хизмат қилади.</b></p> <p>Ушбу амалиёт халқаро стандартларда ҳамда <b>Украина, Литва ва бошқа илғор хорижий давлатлар</b> тажрибасида мавжуд.</p>
<p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p> <p><b>5<sup>1</sup>-модда.</b></p>	<p><b>5<sup>1</sup>-модда. Прокурорлар мустақиллигининг кафолатлари.</b></p> <p>Прокурорларнинг мустақиллиги қуйидагилар билан кафолатланади:</p> <p>а) прокурор мақомини қонун билан қатъий белгилаш, прокуратура функцияларини бажариш жараёнида прокурорнинг ваколатлари ва мажбуриятларини чегаралаш;</p> <p>б) уни тайинлаш, ваколатларини тўхтатиб туриш ва лавозимидан озод этиш тартиби;</p>	<p>Прокуратура органларининг мустақиллиги унинг ўз функция ва вазифаларини тўлақонли ва самарали амалга оширишининг асосий мезонларидан биридир.</p> <p>Прокурор мустақиллигини реал таъминланмаслиги жамиятда қонун устуворлиги барқарор бўлмаслигини англатади.</p> <p>Халқаро стандартлар ва илғор хоридий давлат тажрибасига кўра, прокурорларнинг ўз фаолиятларини фақат қонунга асосланган ҳолда</p>

	<p>в) прокурор дахлсизлигини эълон қилиш, унинг шахси, шаъни ва кадр-қиммати, мол-мулки ва оиласини ноқонуний тажовуз ва таҳдидлардан муҳофаза қилиш;</p> <p>г) вазифаларни амалга оширишда прокурорга қонун томонидан берилган мухтор ваколат;</p> <p>д) бошқа шахслар ёки органларнинг унинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслигини қонун билан белгилаш;</p> <p>е) прокуратура органлари тизимининг фаолияти учун зарур маблағларни ажратиш, ушбу органларнинг ишлаши учун тегишли ташкилий-техник шароитларни яратиш;</p> <p>г) прокурорнинг моддий ва ижтимоий таъминоти;</p> <p>з) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар.</p> <p>Прокурор қарор қабул қилишда қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақилдир.</p> <p>Прокурор юқори турувчи прокурорнинг буйруқлари, кўрсатмалари ва топшириқларини ёзма шаклда берилишини талаб қилишга ҳақли.</p> <p>Прокурор юқори турувчи прокурорнинг ноқонунийлиги яққол аён бўлган буйруқлари, кўрсатмалари ва топшириқларини бажаришни рад этишга ҳақлидир ва бундай буйруқлар, кўрсатмалар ва топшириқлар устидан ундан юқори прокурорга шикоят қилиши мумкин.</p> <p>Юқори турувчи прокурор шикоятни рад этган тақдирда, унинг бу ҳақдаги қарори ва хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.</p>	<p>мустақил амалга оширишларини кафолатлаш фоят муҳим аҳамият касб этади.</p> <p>Прокуратуранинг мустақиллиги ҳокимиятлар бўлинишида оқилона мувозанатни, давлат органларининг қонуний фаолият юритишини, коррупцияга қарши курашишда сезиларли натижадорликни таъминлайди.</p> <p>Прокурорларнинг юқори турувчи прокурорга бўйсунуви унинг қонуний фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи омилга айланмаслиги лозим.</p> <p><b>Прокурорларнинг мустақиллиги</b> аксарият хорижий мамлакатлар – <b>Польша, Руминия, Франция, Бразилия, Испания, Молдава, Қозоғистон, Россия, Украина, Беларусь</b> ва бошқа давлатларлар қонунчилиги ва амалиётида ўз ифодасини топган.</p>
--	---	--

**Тўлдирилмоқда.**

**19<sup>1</sup>-модда.**

**19<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикасининг прокурорлар Кенгаши.**

Ўзбекистон Республикасининг прокурорлар Кенгаши (бундан буён матнда Прокурорлар Кенгаши деб юритилади) прокуратура органлари фаолиятининг қонунийлиги, мустақиллиги, шаффофлиги, холислиги ва самарадорлигини таъминлашга кўмаклашувчи коллегиял органдир.

Прокурорлар Кенгаши ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади. Прокурорлар Кенгашининг фаолиятига аралашшишга йўл қўйилмайди.

Прокурорлар Кенгаши раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларининг ўн беш кишидан иборат таркиби прокурорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади.

Бош прокурор, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар Прокурорлар Кенгаши аъзоси бўла олмайдилар.

Прокурорлар Кенгашининг ўн бир нафар аъзоси прокурорлар Конференциясида ходимлар орасидан сайланадилар. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ходимлари орасидан сайланадиган Прокурорлар Кенгаши аъзосининг сони биттадан кам бўлмаслиги лозим.

Прокуратура органлари бошқарувини самарали ташкил этишда **коллегиял органлар ролини кучайтириш** масаласи муҳим халқаро стандартлардан бири ҳисобланади.

Жумладан, Европа прокурорлари маслаҳат кенгашининг “Прокурорларнинг мустақиллиги, ҳисобдорлиги ва этикаси бўйича” 13-сонли тавсиясининг (2018) 24-бандида прокурорларнинг лавозимга (юқори) тайинланиши, ва интизомий жавобгарликка тортилиши прокуратура органлари кенгаши сингари мустақил профессионал орган томонидан назорат қилиши назарда тутилган.

**Прокурорлар Кенгаши** фаолияти хорижий мамлакатлардан – **Молдава, Сербия, Хорватия, Албания, Польша, Эстония, Латвия, Грузия** ва бошқа давлатлар амалиётида мавжуд.

Прокурорлар кенгаши прокуратура бошқарувида демократизмни таъминлашга, шаффофликни кучайтиришга, мустақиллик ва қонунийликни мустаҳкамлашга, самарадорликни оширишга кўмаклашади.

Прокурорлар Кенгашининг тўрт нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасида юқори малакага эга бўлган мутахассислар орасидан тасдиқланади.

Прокурорлар кенгаши аъзолари прокурорлар Конференциясида уч йиллик муддатга сайланади.

Прокурорлар Кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари Кенгаш мажлисида ходим бўлган аъзолар орасидан мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилиги томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Прокурорлар Кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари ва аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадилар.

Прокурорлар Кенгаши фаолиятига дахлдор масалалар бўйича ўз йиғилишларини ҳар олти ойда камида бир мартаба ўтказишади.

Прокурорлар Кенгаши йиғилишлари навбатдан ташқари ҳам ўтказилиши мумкин.

Прокурорлар Кенгаши фаолияти тартиби прокурорлар Кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан тасдиқланадиган Регламент билан тартибга солинади.

Прокурорлар Конференцияси прокурорлар Кенгаши аъзоларини сайлаш ваколатига эга бўлган ходимларнинг йиғилиши ҳисобланади. Прокурорлар Конференциясининг фаолияти ва уни чақириш тартиби Бош прокурор томонидан белгиланади.

Конференциянинг раиси Бош прокурор, унинг йўқлигида эса ўринбосарларидан бири ҳисобланади.

	<p>Прокурорлар Конференцияси уч йилда камида бир марта чақирилади.</p> <p>Конференция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси ходимлари орасидан – беш кишидан, шунингдек Бош прокуратура Академияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳамда уларга тенглаштирилган прокуратуралар ходимлари орасидан – икки кишидан сайланади.</p>	
<p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p> <p><b>19<sup>2</sup>-модда.</b></p>	<p><b>19<sup>2</sup>-модда. Прокурорлар Кенгашининг ваколатлари.</b></p> <p>Прокурорлар Кенгаши:</p> <p>прокуратура органлари фаолиятининг қонунийлиги, мустақиллиги, шаффофлиги, холислиги ва самарадорлигини таъминлашга кўмаклашади ва бу борадаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига киритади;</p> <p>туман (шаҳар) прокурорлари ва унга тенглаштирилган ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокурорлар(и), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимига тайинлаш учун танлов шартларини белгилайди, танловни ўтказиши ҳамда натижаларига кўра танланган номзодларни</p>	<p>Прокуратура органлари бошқарувини самарали ташкил этишда коллегиял органлар ролини кучайтириш масаласи муҳим халқаро стандартлардан бири ҳисобланади.</p> <p>Жумладан, Сербиянинг “Прокурорларнинг давлат кенгаши тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ, Прокурорларнинг давлат кенгаши давлат прокурорлари ва уларнинг ўринбосарларининг мустақиллигини таъминловчи мустақил орган ҳисобланади.</p> <p>Прокурорларнинг давлат кенгаши Бош прокурор, Адлия вазири, Миллий Ассамблеянинг ваколатли кўмитаси раиси ҳамда Миллий Ассамблея томонидан сайланадиган саккиз нафар аъзодан ташкил топади.</p> <p>Ушбу Кенгаш қуйидаги ваколатларга эга:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Бош прокурор лавозимига номзодлар рўйхатини тасдиқлайди;</li> <li>- прокурор ўринбосарларининг ваколатини тугатиш масаласини ҳал қилади;</li> </ul>



	<p>тегишли лавозимга тайинлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тақдим этади;</p> <p>туман (шаҳар) прокурорлари ва унга тенглаштирилган ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокурорлар(и), вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига таклифлар киритади;</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига таклифлар киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига хулоса тақдим этади;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларининг йиллик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини йилда бир маротаба эшитади;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган прокурорларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;</p> <p>фаолиятига доир масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, прокуратура органлари ходимларининг муурожаатларини кўриб чиқади;</p>	<p>- прокурор ва унинг ўринбосарини ишдан бўшатиш сабабларини кўриб чиқади;</p> <p>- Бош прокурорни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади;</p> <p>- қонунда назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.</p> <p>Грузия Конституциясининг 65-моддаси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига кўра, Прокуратура органлари кенгаши (Prosecutorial Council) прокуратура органларининг самарадорлиги, шаффофлиги ва мустақиллигини таъминловчи махсус ваколатли орган ҳисобланади.</p> <p>Мазкур Кенгаш сайланадиган 15 кишидан иборат таркибда шакллантирилади. Кенгаш раиси Кенгаш аъзолари томонидан икки йиллик муддатга сайланади. Кенгаш мажлислари ҳар олти ойда камида бир марта ўтказилади.</p> <p>Кенгаш қуйидаги ваколатларга эга:</p> <p>- Бош прокурор номзодини ўз ваколоти доирасида тасдиқлайди;</p> <p>- Бош прокурор ўринбосарларини интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқади;</p> <p>- Кенгашнинг прокурорларининг конференцияси томонидан сайланган аъзоларига интизомий жазо қўллаш масаласини ҳал қилади;</p> <p>- Бош прокурор, унинг ўринбосарларининг прокуратура органлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар олти ойда бир марта эшитади;</p> <p>- Бош прокурор, унинг ўринбосарларининг прокуратура органлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари асосида тавсиялар тайёрлайди ва уларни Бош прокурорга тақдим қилади;</p>
--	--	---

	<p>давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек мансабдор шахслар ҳамда фуқаролардан Прокурорлар Кенгаши фаолияти билан боғлиқ зарур ахборотлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларни сўраб олади;</p> <p>Прокурорлар Кенгашининг Регламентини тасдиқлайди.</p> <p>Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.</p> <p>Прокурорлар Кенгаши ходимларнинг прокурорлик ва терговчилик ваколатларини амалга оширишига аралашмайди.</p>	<p>- Кенгаш аъзолари ваколатини муддатидан олдин бекор қилиш бўйича қарор қабул қилади.</p> <p>Юқоридагилардан кўринадики, халқаро амалиётда Прокурорлар кенгаши етарли ва муҳим ваколатларга эга ҳисобланади.</p> <p>Уларнинг фаолияти прокуратура бошқарувида демократизмни таъминлашга, мустақиллик ва қонунийликни мустаҳкамлашга, самарадорликни оширишга кўмаклашади.</p>
<p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p> <p><b>43<sup>1</sup>-модда.</b></p>	<p><b>43<sup>1</sup>-модда. Прокурор лавозимига тайинлаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар.</b></p> <p>Туман (шаҳар) прокурори ҳамда унга тенглаштирилган ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокурор(и) лавозимига қуйидаги шартларга жавоб берадиган шахс тайинланиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>а) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси;</li> <li>б) тўлиқ ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган;</li> <li>в) судланмаган;</li> <li>г) давлат тилида эркин гаплаша оладиган;</li> <li>д) хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган;</li> <li>е) олий юридик маълумотга эга;</li> <li>ё) камида йигирма беш ёшга тўлган;</li> <li>ж) зарур касбий фазилатлар, малака ва иш тажрибасига эга;</li> <li>и) прокуратура органларида тезкор ходим сифатида камида беш йиллик иш стажига, шундан камида уч йиллик раҳбарлик лавозимида иш стажига эга бўлган шахслар.</li> </ul>	<p>“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, туман (шаҳар) прокурори ҳамда унга тенглаштирилган ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокурор(и) лавозимига тайинланадиган шахслар учун шартлар умумий тарзда белгиланган.</p> <p>Бундай шартлар ҳозирги кунда тегишли Низом ва Бош прокурорнинг идоравий ҳужжатлари билан белгиланади.</p> <p>Эндиликда, <b>прокурорларни танлаш ва тайинлаш жараёнини қонун билан мустаҳкамлаш зарурдир.</b></p> <p>Бундан ташқари, Қонунда прокурорларни танлов асосида тайинлаш шартлари назарда тутилмаган.</p>

	<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимига тайинланиш учун юқоридаги шартлар билан бирга прокуратура органларида тезкор ходим сифатида камида ўн йиллик иш стажига, шундан камида беш йиллик раҳбарлик лавозимида иш стажига эга бўлиш талаб этилади.</p> <p>Прокурор лавозимига номзодлар Прокурорлар кенгаши томонидан ўтказиладиган танлов натижасига кўра тақдим этиладиган ҳулоса асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадилар.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Қорақалпоғистон Республикаси прокурори лавозимига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига таклифлар киритади.</p>	<p>Бундай қоидалар хорижий мамлакатлардан – <b>Молдава, Сербия, Хорватия, Албания, Польша, Эстония, Латвия, Грузия ва бошқа давлатлар</b> қонунчилигида назарда тутилган.</p> <p>Прокурорлар корпусини малакали ва сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида бу борадаги халқаро илғор стандартлар асосида <b>прокурорларни танлов асосий тайинлаш амалиётини жорий этиш</b> таклиф этилмоқда.</p>
<p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p> <p><b>48<sup>1</sup>-модда.</b></p>	<p><b>48<sup>1</sup>-модда. Прокурорларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари.</b></p> <p>Прокуратура органлари ходимлари ўз хизмат фаолиятларини самарали амалга оширишлари учун адолатли меҳнат шароитлари таъминланади.</p> <p>Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар уларнинг касбий фаолияти аҳамиятига мутаносиб бўлиши кафолатланади.</p> <p>Прокуратура органлари ходимларининг ижтимоий муҳофазаси қонун ҳужжатларига асосан белгиланади ва давлат хизматчиларига</p>	<p>Прокуратурада хизматни ўташ алоҳида <b>машаққатли, юқори иш ҳажми шароитида, мураккаб ва манфаатлар тўқнашуви</b> жараёнлари билан боғлиқ ҳолда кечади.</p> <p>Прокуратура фаолиятининг самарадорлигига ходимлар учун адолатли меҳнат шароитларини яратмасдан туриб эришиб бўлмайди.</p> <p>Бинобарин, прокуратура ходимларининг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини айнан “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ бўлади.</p> <p>Халқаро стандартларга кўра, ходимларга <b>иш ҳақи ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар</b></p>

	<p>нисбатан ўрнатилган ўртача меъёрлардан кам бўлиши мумкин эмас.</p> <p>Прокуратура органлари ходимлари меҳнат низолари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.</p>	<p><b>касбий фаолиятига мутаносиб, ўзи ва оиласини нормал ҳаёт кечирishi учун етарли бўлиши ва коррупциядан холи бўлишини таъминлаши лозим.</b></p> <p>Прокуратура органлари ходимларининг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимояси давлат томонидан етарли даражада кафолатланиши зарур.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2036-сонли Фармони билан тасдиқланган Низомда тезкор ходимларнинг меҳнат низолари фақат Бош прокурор томонидан кўриб чиқилиши белгиланиб, ходимнинг бу масалада судга мурожаат қилиш ҳуқуқи чекланган.</p> <p>Ваҳоланки, <b>суд орқали ҳимояланиш</b> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга тегишли ҳуқуқ ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 268-моддасига кўра, меҳнат низолари юзасидан ходим судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.</p>
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ</b>		
<p><b>197-модда. Прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик.</b></p> <p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p>	<p><b>197-модда. Прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик.</b></p> <p><b>2-хатбоши.</b></p> <p>Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 197-моддасида маъмурий преюдиция (<i>бир йил ичида такроран содир этганлик учун жавобгарлик</i>) масаласи очиқ қолдирилган.</p> <p>Бу масала МЖТКнинг 194 (<i>ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик</i>) 194<sup>1</sup>, (<i>Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний талабларини бажармаслик</i>), 195 (<i>ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш</i>), 196<sup>1</sup> (<i>чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг</i></p>

		<p>қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш), 197<sup>5</sup> (таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашши ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш), 198 (ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш), 198<sup>4</sup>-моддаларида (Адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик) ўз ифодасини топган.</p> <p>Ушбу қоида прокурор мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳамда назорат таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилади.</p> <p>Прокурорнинг қонуний талабларига нисбатан мансабдор шахслар ёки бошқаларнинг масъулияти ва жавобгарлигини оширади.</p>
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ</b>		
<p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p> <p><b>236<sup>1</sup>-модда.</b></p>	<p><b>236<sup>1</sup>-модда. Прокурорнинг қонуний фаолиятига аралашши.</b></p> <p>Хизмат вазифасини бажараётган прокурорнинг қонуний фаолиятига аралашши, яъни турли шаклда қонунга хилоф равишда фаол таъсир ўтказиш, фаол қаршилик қилиш, касбий вазифасини бажариши муносабати билан унга ёки унинг қариндошларига таҳдид қилиш ёхуд унинг мол-мулкига анча миқдорда шикаст етказиш —</p> <p>уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p>“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишлари белгиланган.</p> <p>Касбий фаолият моҳиятига кўра прокурорнинг мустақиллиги, шунингдек, шахсий дахлсизлиги давлат томонидан қатъий қафолатланиши зарур.</p> <p>ЖКнинг 236-моддасида Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштирилганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган бўлса-да, аммо бу норма прокурорнинг қонуний</p>

	<p>Ўша ҳаракатлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, —</p> <p>муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Прокурорларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш —</p> <p>уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p> <p>Ўша ҳаракатлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, —</p> <p>муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.</p>	<p>фаолиятига аралashiш учун жавобгарликни қамраб олмайди.</p> <p>Шу боис, Жиноят кодексига прокурорнинг қонуний фаолиятига аралашганлик учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилиши лозим.</p> <p>Ушбу модда прокурор мустақиллигини таъминлайди, дахлсизлигини мустаҳкамлайди, унинг қонуний фаолиятини муҳофаза этади, прокурор назорати таъсирчанлигини кучайтиради, прокурорнинг қонуний талабларига нисбатан мансабдор шахслар ёки бошқаларнинг масъулияти ва жавобгарлигини оширади.</p>
--	---	---

